В современной номенклатуре вяжущих щелочной активации, уже на протяжении нескольких десятилетий, существуют ранее упомянутые бесцементные вяжущие щелочной активации, больше известные в западной и научно-технической литературе как геополимеры. Под ними принято понимать вяжущие системы, получаемые на основе тонкодисперсных преимущественно аморфных (реже, кристаллических) алюмосиликатных материалов как природного, так и техногенного происхождения, затворяемые растворами щелочей или солей, имеющими щелочную реакцию.

Как правило, основными составляющими неорганических полимеров являются алюмосиликатный компонент и оксиды или гидроксиды щелочных и щелочноземельных металлов, выступающих в качестве щелочного активатора реакции геополимеризации.

Из природного сырья, значительный интерес в качестве основного компонента для геополимеров у исследователей вызывает метакаолин$Al_2Si_2O_7$, получаемый в результате дегидроксилации каолинита при 500-800 °С.

Наиболее распространенными техногенными представителями сырьевых материалов для производства геополимеров являются золы-уноса и топливные шлаки. Гораздо реже используются доменные гранулированные шлаки.

Дальнейшее развитие в исследовании микроструктуры продуктов щелочной активации привело к формированию другой концепции процесса геополимеризации.

Согласно этой концепции, геополимеры представляют собой трехмерные стекловидные образования, в структуре которых отсутствует химически связанная вода. Молекулы воды могут присутствовать в структуре вяжущего в свободном состоянии в порах и пустотах вяжущего.

Таким образом, портландцементный камень и затвердевший геополимер имеют различный химический и минеральный составы и принципиальным образом различаются по характеру твердения. Продукт гидратации портландцемента – кальциево-силикатный гидрогель – имеет слоистую тоберморитоподобную структуру, формируемую листами из кальциево-кислородных октаэдров и цепочками из тетраэдров SiO_4 и AlO_4. Тогда как геополимерный камень представляет собой каркасный алюмосиликат, состоящий из тетраэдров SiO_4 и AlO_4, имеющих общие вершины.

В цементных системах вода используется в качестве агента, инициирующего процессы гидратации и, как следствие, твердение ПЦ. В то же время в структуре геополимера вода остается в несвязанном состоянии, выполняя роль реакционной среды для щелочного агента.

Способность ряда алюмосиликатных компонентов образовывать с водными растворами соединений щелочных металлов или с водой, в том случае, если щелочный компонент совместно измельчён с алюмосиликатным компонентом, камневидное тело в общем случае называют щелочным вяжущим.

Теоретически обоснована и экспериментально подтверждена возможность получения геополимерного вяжущего на основе низкокальциевых зол-уноса. Тонкодисперсные низкокальциевые золы-уноса с содержанием стеклофазы более 50 % являются потенциальным сырьем для получения вяжущего путем их активации в щелочной среде, за счет интенсивного растворения алюмосиликатного компонента с формированием геля алюмокремниевой кислоты с последующим структурообразованием по полимеризапионно-поликонденсационному механизму [1].

Ташкентским научно-исследовательским институтом и Ташкентским институтом инженеров транспорта ведутся научные исследования по направлению геополимерных вяжущих и бетонов на их основе [2-4].

Употребление различных терминов для обозначения одного и того же вяжущего вряд ли можно признать правильным. Такая ситуация с использованием терминов приводит к путанице и поэтому целесообразно принять общую обобщающую терминологию.

В качестве обозначения А.А. Тулагановым предложено [5] принять терминологию – безобжиговые щелочные вяжущие.

В общем случае ШЩВ представляют собой гидравлические вяжущие вещества, получаемые тонким измельчением гранулированного шлака совместно с малогигроскопичным щелочным компонентом, или затворением молотого шлака растворами соединений щелочных металлов.

В ШЩВ в качестве алюмосиликатного компонента применяются молотые доменные гранулированные, электротермофосфорные и другие шлаки, а также синтетические системы на основе химически частых оксидов, в т.ч. CaO, SrO, BaO, а в качестве щелочного компонента – едкие щелочи или натриевые и калиевые силикатные и несиликатные соли слабых кислот или щелочесодержащие побочные продукты, отходы и т.д.

Из исследований следует, что на всех стадиях структурообразования в щелочных вяжущих системах наблюдается образование преимущественно низкоосновных соединений и смешанных новообразований щелочно-щелочноземельного состава. Начиная с определенного момента, рост прочности твердеющего камня сопровождается снижением pH жидкой фазы. Это связано с взаимодействием щелочи с образующимися гелевидныминизкоосновнымигидросиликатами и гидроалюмосиликатами кальция с возникновением цеолитоподобныхгидросиликатов смешанного щелочно-щелочноземельного состава.

Исходя из приведенных формулировок, можно сделать вывод о том, что природа их формирования основана на использовании тех или иных видов алюмосиликатных компонентов, введении различного рода щелочных активаторов.

Использованная литература:

1. Кожухова Н.И. Геополимерное вяжущее на золах-уноса ТЭС и мелкозернистый бетон на его основе: Дис. …канд. техн. наук: 05.23.05 / Кожухова Наталья Ивановна; Белгородский государственный технологический университет им. В.Г. Шухова. – Белгород., 2013. – 206 с.

2. Карабаев А.М. Исследование химического состава золошлаковых материалов для использования их в геополимерном вяжущем. Сборник материалов I

Международной научно-практической конференции “Актуальные проблемы внедрения инновационной техники и технологий на предприятиях по производству строительных материалов, химической промышленности и в смежных отраслях”. 2-ТОМ. Фергана - 2019. 331-333 с.

3. Карабаев А.М. Исследование химизма и поровой структуры геополимерного вяжущего для транспортного строительства. VIII International symposium of young researchers//transport problems. КонференцияПольша. 2019 г. 845-853 с.

4. Карабаев А.М. Изучение влияния синтезированных пластифицирующих добавок на свойства геополимеров. Universum: Технические науки: электрон. научн. журн. 2019. - № 7(64). 13-17 с.

5. Тулаганов А.А. Основы безобжиговых щелочных вяжущих и бетонов. Учебное пособие. Ташкент, Навруз, 2015. – 248 с.

ПОРТЛАНДЦЕМЕНТ КЛИНКЕРИНИ ОЛИШДА ХОМАШЁ АРАЛАШМАСИНИНГ БЕЛГИЛАНГАН ТАРКИБИНИ ҲИСОБЛАШ

Очилов А.Э., Ортиқов Ш.Х., Маннатов Б.Ф.
(СамДАҚИ)

Портландцемент ишлаб чиқариш саноатида нафис туйилган хомашё аралашмасини куйдириш натижасида ҳосил бўладиган ярим тайёр маҳсулот – клинкер ишлаб чиқариш учун аксарият ҳолларда хомашё материал компонентлари сифатида карбонатли (оҳактош, бўр ва бошқалар) ва алюмосиликатли (тупроқли жинслар, тошқоллар, ТЭС куллари) ҳамда таркибида темир бўлган созловчи (огаркалар, тошқоллар ва бошқалардан) қўшимчалардан тайёрланган сунъий хомашё аралашмаси ишлатилади. Бу компонентларнинг табиий – кимёвий хоссалари цемент ишлаб чиқариш технологияси ва ишлаб чиқариш ускуналарини танлашда ҳал қилувчи омил сифатида ҳисобга олинади. Амалиётда бир тонна цемент клинкер ишлаб чиқариш учун абсолют қуруқ ҳолатдаги карбонатли жинслардан 1,2...1,3 тонна миқдорда тоза оҳактош, ёки 1,5...1,6 тонна миқдордаги мергел сарфланади.

Цемент хомашё аралашмаси таркибидаги темир, алюминий ва кремний оксидларини ҳисобланган миқдорини созлаш мақсадида таркибида кўп миқдорда темир, алюминий ва кремний оксидлари мавжуд бўлган темиртош, алюминатли ва силикатли созловчи қўшимча моддалар қўшиш йўли билан мосланади. Бунда экспресс усулда созлаш асосан силикатли ва алюминатли модулларининг кўрсатгичлари асосида амалга оширилади. Баъзи бир ҳолларда цемент клинкери хомашёси таркибидаги SiO_2 - миқдорини ошириш учун қум ва трепел, Al_2O_3 - миқдорини ошириш

учун боксит ва Fe_2O_3 миқдорини ошириш учун колчеданли огаркалар, темир рудаси, темир кукуни ёки колошник кукуни каби материаллар ҳисобланган (жуда ҳам кам) миқдорда созловчи қўшимча сифатида қўшилади.

Республикамиз ва ҳорижий олимлар томонидан цемент хомашёси аралашмасини тайёрлаш учун сарфланадиган табиий компонентлар оҳактош ва тупроқларни қисман саноат чиқиндилари билан алмаштириш мумкинлиги илмий асослари яратилган ва амалда қўлланилмоқда. Аммо, сифатли клинкер олиш учун турлича компонентли хомашё аралашмасидан иборат белгиланган таркибларни ҳисоблаш бирмунча мураккаб ва долзарб масаладир. Ушбу масалаларни ечишнинг бир қанча вариантларини қуйида қараб ўтамиз.

Портландцементнинг мустаҳкамлиги (ёки фаоллиги) ва клинкернинг минералогик таркиби Давлат стандартлари (ГОСТ 31108-2003) талаблари билан тартибга солинади. Белгиланган минералогик таркибдаги клинкер ишлаб чиқариш учун тайёрланадиган хомашё аралашмаси кимёвий таркиби хомашё материал (компонент) лари кимёвий таркиби таҳлили асосида қуйидаги оксидлар: SiO_2, Al_2O_3, Fe_2O_3, CaO, MgO, R_2O, SO_3 ва қиздиришда вазн йўқотиш (ҚВЙ) ва модуллар асосида фоиз (%) - ларда ҳисобланади.

Хомашё аралашмаси таркибида FeO ва MnO мавжуд бўлса, уларнинг миқдори FeO учун 1.1114 ва MnO учун 1.1127 коэффициентларини қўллаш йўли билан Fe_2O_3 миқдорига қўшилади. TiO_2 ва P_2O_5 миқдорлари Al_2O_3 нинг миқдорида ҳисобга олинади. Бажариладиган ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш жараёнида қулайликни таъминлаш мақсадида кимёвий таҳлил натижасида аниқланган оксидлар миқдорининг йиғиндиси 100 % келтирилади. Бунда, таҳлил жараёнида йўл қўйилган ноаниқликлар натижасида йиғинди 100 % дан ошиб кетган ҳолда, 100 % амалда чиққан йиғинди миқдорига бўлиш натижасида ҳосил бўлган коэффициент ҳар бир оксид миқдорига кўпайтирилиб чиқилади, агар йиғинди 100 % кам бўлган ҳолда қўшимча бошқа оксидлар миқдори киритилиб, йиғиндининг умумий қиймати 100 % гача етказилади. Хомашё аралашмаси материали компонентлари таркибига кирадиган ва умумий миқдори 1 % дан ошмайдиган, эрийдиган шпат, дала шпати, фторли бирикмалар, фосфо – ва фторгипслар, гипс ва бошқалар одатга кўра хомашё аралашмаси таркибини ҳисоблаш жараёнида эътиборга олинмайди.

Клинкернинг кимёвий – минерал таркиби, одатда клинкернинг асосий минераллари миқдорини ҳисоблаш асосида ёки хомашё аралашмасининг тўйинганлик коэффициенти - (ТК), силикатли - (n) ва алюминатли - (p)

модулларини ҳисоблаш (қуйидаги формулалар) асосида амалга оширилади:

а) тўйинганлик коэффициенти - *ТК*

$$ТК = \frac{(CaO_{Ялпи} - CaO_{Эрк}) - (1{,}65\,Al_2O_3 + 0{,}35\,Fe_2O_3 + SO_3)}{2.8(SiO_{2\,Ялпи} - SiO_{2\,Эрк})}, \quad (1)$$

ёки

$$ТК = \frac{CaO - (1{,}65\,Al_2O_3 + 0{,}35\,Fe_2O_3)}{2.8SiO_2}, \quad (1.1)$$

б) силикатли - (n)

$$n = \frac{SiO_2}{Al_2O_3 + Fe_2O_3} \quad (2)$$

в) алюминатли модул - (p)

$$p = \frac{Al_2O_3}{Fe_2O_3} \quad (3)$$

Портландцемент клинкери хомашёси аралашмаси таркибини ҳисоблаш (қаттиқ ёнилиғи ёниши жараёнида ажралиб, материал устига қўнадиган кулни ҳисобга олган ҳолда) жараёни қуйидаги 1-жадвалида келтирилган ва умум амалиётда қабул қилинган қисқартирилган белгилардан фойдаланилади.

Портландцемент хомашё аралашмаси ва уни ташкил этувчи компонентларнинг кимёвий таркиби ва ҚВЙ миқдори ДСТ 5382 – 91 асосида амалга оширилади.

1-жадвал

Оксидларни қисқартирилган белгилари.

Оксидлар	Клинкерда	Хом-ашё таркибида	Биринчи унсурда	Иккинчи унсурда	Учинчи унсурда	Тўртинчи унсурда	Ёнилғи кулида
CaO	C	C_0	C_1	C_2	C_3	C_4	C_q
SiO_2	S	S_0	S_1	S_2	S_3	S_4	S_q
Al_2O_3	A	A_0	A_1	A_2	A_3	A_4	A_q
Fe_2O_3	F	F_0	F_1	F_2	F_3	F_4	F_q
ҚВЙ	ҚВЙ	$ҚВЙ_0$	$ҚВЙ_1$	$ҚВЙ_2$	$ҚВЙ_3$	$ҚВЙ_4$	$ҚВЙ_q$

Икки компонентли хомашё аралашмаси белгиланган таркибини қаттиқ ёқилғи кули таъсирини ҳисобга олмаган ҳолда ҳисоблаш. Ҳисоблаш жараёнида фақат ТК миқдори белгиланган бўлиши мумкин. Иккинчи компонент миқдорини бирга тенг деб қилган ҳолда, компонентлар нисбати масса оғирлигида қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$x = \frac{1 - \text{унсур}}{2 - \text{унсур}} = \frac{(2.8S_2TK + 1.65A_2 + 0.35F_2) - C_2}{C_1 - (2.8S_1TK + 1.65A_1 + 0.35F_1)}, \quad (4)$$

бунда

$$1 - \text{унсур} = \frac{x}{x+1}100\%; \qquad 2 - \text{унсур} = \frac{1}{x+1}100\% \quad (5)$$

Хомашё аралашмаси таркибидаги CaO миқдори қуйидагича аниқланади:

$$CaO = \frac{xC_1 + C_2}{x+1}, \quad (6)$$

Уч компонентли хомашё аралашмаси таркибини қаттиқ ёқилғи кули таъсирини ҳисобга олмаган ҳолда ҳисоблаш (ТК ва n асосида). Асосий компонентлар асосида дастлабки ҳисоблаш натижасида аниқланган икки компонентли хомашё аралашмаси таркиби учун ҳисобланган силикат модули миқдорини кўтариш ёки пастириш лозимлиги мақсадга мувофиқлиги аниқланади. Шу ҳисоблаш асосида силикат модулини миқдорини кўтариш ёки пасайтириш имконини берадиган созловчи қўшимча учинчи компонент миқдори аниқланади.

Ҳисоблаш учун компонентларнинг оғирлик нисбати 1:2:3 = x:y:1 да белгиланади. Ҳисоблаш қуйидаги формулалар асосида амалга оширилади:

$$x = \frac{b_2c_1 - b_1c_2}{a_1b_2 - a_2b_1}, \quad (7) \qquad y = \frac{a_1c_2 - a_2c_1}{a_1b_2 - a_2b_1}, \quad (8)$$

бунда:

$$\left.\begin{aligned} a &= C_1 - 2.8S_1TK - 1.65A_1 - 0.35F_1 \\ b_1 &= C_2 - 2.8S_2TK - 1.65A_2 - 0.35F_2 \\ c_1 &= 2.8S_3TK + 1.65A_3 + 0.35F_3 - C_3 \end{aligned}\right\}, \quad (9) \qquad \left.\begin{aligned} a_2 &= S_1 - nA_1 - nF_1 \\ b_2 &= S_2 - nA_2 - nF_2 \\ c_2 &= nA_3 + nF_3 - S_3 \end{aligned}\right\}, \quad (10)$$

Хомашё аралашмаси таркибидаги % - лар ҳисобидаги ҳар бир компонент улуши қуйидаги формулалар асосида аниқланади:

$$1 - \text{унсур} = \frac{x}{x+y+1} \cdot 100\% \qquad 2 - \text{унсур} = \frac{y}{x+y+1} \cdot 100\% \qquad 3 - \text{унсур} = \frac{1}{x+y+1} \cdot 100\%$$

Хомашё аралашмаси таркибидаги CaO миқдори қуйидагича аниқланади:

$$C_0 = \frac{xC_1 + yC_2 + C_3}{x+y+1}, \quad (11)$$

Хомашё аралашмаси таркибидаги бошқа оксидлар миқдори ҳам шу тариқа аниқланади ва кейин ТК, n ва p – ларнинг миқдорини ҳисоблаш лозим. ТК ва n – ларнинг ҳисоблаш натижасида аниқланган миқдори белгиланган миқдор кўрсаткичи билан мос келса, демак ҳисоб тўғри бажарилган.

Уч компонентли хомашё аралашмаси таркибини қаттиқ ёқилғи кули таъсирини ҳисобга олмаган ҳолда ҳисоблаш (ТК ва р асосида). Бу ҳисобида ҳам (7), (8) ва (9) - ҳисоблаш формулаларидан ўзгаришсиз фойдаланилади. (10) – ҳисоблаш формуласи ўрнида қуйидаги тенгликдан фойдаланамиз.

$$\left.\begin{aligned} a_2 &= pF_1 - A_1 \\ b_2 &= pF_2 - A_2 \\ c_2 &= A_3 - pF_3 \end{aligned}\right\}, \qquad (12)$$

Тўрт компонентли хомашё аралашмаси таркибини қаттиқ ёқилғи кули таъсирини ҳисобга олмаган ҳолда ҳисоблаш. Ҳисоблаш учун компонентларнинг оғирлик нисбати 1:2:3:4 = x:y:z:1 да белгиланади. Хомашё аралашмаси таркибидаги %-лар ҳисобидаги ҳар бир компонент улуши қуйидаги формулалар асосида аниқланади:

$$\left.\begin{aligned} 1-\text{унсур} &= \frac{x}{x+y+z+1}\cdot 100\%; \\ 2-\text{унсур} &= \frac{y}{x+y+z+1}\cdot 100\%; \\ 3-\text{унсур} &= \frac{z}{x+y+z+1}\cdot 100\%; \\ 4-\text{унсур} &= \frac{1}{x+y+z+1}\cdot 100\%; \end{aligned}\right\}, \qquad (12)$$

Бунда:

$$\left.\begin{aligned} x &= \frac{d_1(b_2c_3-b_3c_2)+d_2(b_3c_1-b_1c_3)+d_3(b_1c_2-b_2c_1)}{a_1(b_2c_3-b_3c_2)+a_2(b_3c_1-b_1c_3)+a_3(b_1c_2-b_2c_1)}; \\ y &= \frac{a_1(d_2c_3-d_3c_2)+a_2(d_3c_1-d_1c_3)+a_3(d_1c_2-d_2c_1)}{a_1(b_2c_3-b_3c_2)+a_2(b_3c_1-b_1c_3)+a_3(b_1c_2-b_2c_1)}; \\ z &= \frac{a_1(b_2d_3-b_3d_2)+a_2(b_3d_1-b_1d_3)+a_3(b_1d_2-b_2d_1)}{a_1(b_2c_3-b_3c_2)+a_2(b_3c_1-b_1c_3)+a_3(b_1c_2-b_2c_1)}; \end{aligned}\right\}, \qquad (13)$$

$a_1=2.8S_1TK+1.65A_1+0.35F_1-C_1;$
$b_1=2.8S_2TK+1.65A_2+0.35F_2-C_2;$
$c_1=2.8S_3TK+1.65A_3+0.35F_3-C_3;$
$d_1= C_1-(2.8S_4TK+1.65A_4+0.35F_4);$ (14)
$a_2=nA_1+nF_1 -S_1;$ $a_3=pF_1 -A_1;$
$b_2=nA_2+nF_2 –S_2;$ $b_3=pF_2 –A_2;$
$c_2=nA_3+nF_3 –S_3;$ $c_3=pF_3 –A_3;$
$d_2=S_4–(nA_4+nF_4);$ $d_3= A_4 –pF_3;$

Хом-ашё аралашмаси таркибидаги CaO миқдори қуйидагича аниқланади:

$$C_0 = \frac{xC_1 + yC_2 + zC_3 + C_4}{x+y+z+1}, \qquad (15)$$

Аралашма таркибидаги бошқа оксидлар миқдори ҳам шу тариқа аниқланади.

Республикамизнинг цемент ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг деярли барчасида фойдаланиладиган карбонатли ва тупроқли компонентлари таркибида клинкер минерал-ларини ҳосил қилиш учун лозим бўлган асосий оксидлар CaO, SiO_2, Al_2O_3 миқдори жиҳатидан, клинкер хомашёси аралашмаси таркибини созлаш имкониятини кенг кўламда таъминлайди. Бироқ, хомашё аралашмаси таркибидаги Fe_2O_3 - миқдорини ошириш учун аксарият ҳолларда темиртош созловчи қўшимча сифатида Самарқанд кимё заводида сульфаткислота ишлаб чиқариш жараёнида кукун шаклида ҳосил бўладиган темир оксидига бой бўлган пирит огаркалари, Бекобод шаҳридаги Ўзбекистон металлургия комбинати

ҳиссадорлик ишлаб чиқариш жамиятида (ҲИЧЖ) юқори ҳароратли тоблаш (прокатлаш) жараёнида темир юзида ҳосил бўладиган оксидли парда (окалина) лар ва шу корхонанинг чанг ушлаб қолиш тизимида ушлаб қолинадиган темир занги кукунлари ҳамда Олмалиқ тоғ – металлургия комбинатларининг шлакларидан темиртош созловчи қўшимча сифатида кенг миқёсда фойдаланилади.

Хулоса. Цемент клинкерини олишда хомашё аралашмасининг белгиланган таркибини ҳисоблашда ТК, n ва p – ларнинг белгиланган миқдори ҳисобга олинади. Қумли миқдор нисбатан кўпроқ бўлган хомашё компонентларидан фойдаланиб, аралашма таркиби тайёрланадиган бўлса, ТК ва n - лардан фойдаланиш, агар нисбатан тозароқ таркибдаги оҳактош ва тупроқлардан фойдаланиладиган бўлса, ТК ва p –лардан фойдаланиш тавсия қилинади. Цемент клинкери хомашё аралашмаси ўта тоза ва соф таркибли оҳактош ва тупроқлардан тайёрланадиган ҳолларда хомашё аралашмаси таркибини ҳисоблаш учун нисбатан соддароқ, яъни оҳактош титри ва Fe_2O_3 миқдори билан созлаш усулдан фойдаланиш тавсия этилади.

Адабиётлар

1. Бутт Ю.М., Сычев М.М., Тимашев В.В. Химическая технология вяжущих материалов. Учебник для вузов/Под редакцией Тимашева В.В. -М.: Высш. школа, 1980,-472 с.
2. Бабаев Н.Х. Цемент ишлаб чиқариш технологияси: замонавий ускуналар, назарий асослар ва амалий усуллар. – М.: “Академия Естествознания”, 2016, - 569 б.
3. ДСТ 5382 – 91 “Цементлар ва цемент ишлаб чиқариш саноати материаллари. Кимёвий таҳлиллар усули”.
4. ГОСТ 31108-2003 “Цементы общестроительные”. Технические условия.

ОТХОДЫ ОБОГАЩЕНИЯ ПОЛИМЕТАЛЛИЧЕСКИХ РУД – ПОТЕНЦИАЛЬНОЕ СЫРЬЕ ПРОМЫШЛЕННОСТИ СТРОИТЕЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ

Худякова Т.М ., Вернер В.Д., Сарсенбаев Б.К., д-ра техн. Наук, профессора, Гаспарян Е.В., маг. Техн. И технол, Сауганова Г.Р. маг. Ест. Наук, Шакей А.М. магистрант

(Южно-Казахстанский государственный университет им. М. Ауэзова, г.Шымкент, Казахстан, stroitelstvo_ukgu @mail.ru)

Аннотация. Maqolada zamonaviy fizik-kimyoviy tahlil usullaridan foydalanib o'rganilgan kompozitsion birikmalar ishlab chiqarishda Janubiy Qozog'istonning yirik

tonnali sanoat chiqindilarining an'anaviy bo'lmagan xom ashyolaridan kompozitsion birikmalar ishlab chiqarishda foydalanishning xususiyatlari va afzalliklari keltirilgan

В статье представлены особенности и преимущества использования нетрадиционного сырья многотоннажных отходов промышленности Южного Казахстана для производства композиционных вяжущих веществ изученных с применением современных физико-химических методов анализа.

There are presented the features and advantages of non-traditional raw materials using of multi-tonnage waste industry of South Kazakhstan for the production of composite binders studied with modern physical and chemical methods analysis application in the manuscript.

Проблема отходов является одной из главных проблем, возникающих перед человечеством в последние десятилетие. Эта проблема многогранна. Одна из ее составляющих–возрастающие темпы накопления отходов горного производства и перспективы их утилизации.

Принципиально новым решением проблемы переработки промышленных отходов и получение материалов для строительной индустрии являются разработка высококачественных композиционных строительных материалов на основе отходов обогащения полиметаллических руд.

Из общего количества твердых отходов горно-обогатительного комплекса Казахстана -5,5 млр. тонн, в Южном Казахстане на долю хвостов обогащения свинцово-цинковых руд АО «Ачполиметалл» в г. Кентау приходится 135 млн. тонн.Отходы обогащения полиметаллических руд - доломито-бариевые «хвосты» представляют собой тонкоизмельченный продукт, не требующий дополнительного помола перед использованием. Гранулометрический состав отходов: зерна размером менее 85 мкм составляют 25-30%, 25-85 мкм - 55-65% и крупнее 200 мкм - 10-15%. Основными минералами, входящими в состав «хвостов» являются: доломит 50-60%; известняк 10-15%; барит 10-20%; глинистые вещества 5-8%; рудные минералы 2-3%.

Химический состав отходов обогащения полиметаллических руд АО «Ачполиметалл» характеризуется стабильностью и представлен в мас: %: SiO_2 - 4,34-6; $A1_2O_3$ - 0,98-1,2; Fe_2O_3 - 2,86-3,5; CaO - 27,79-29; MgO - 14,45-16,3; п.п.п. - 35,25-37; $BaSO_4$ - 12,7-13,5; FeS_2 - 1,39-1,5; $PbSO_4$ - 0,03-0,05; $PbCO_3$ - 0,09-1,2; PbS - 0,14-0,2.

Низкая активность радионуклидов (53-55 Бк/кг), отсутствие токсичных выделений, малая летучесть тяжелых металлов свидетельствует о радиационно-экологической безопасности отходов.

В отходах присутствуют каталитические и модифицирующие элементы, мас: %: Zn- 0,01-0,05; Cu -0,002-0,004; Ti -0,03-0,05; Cd -0,002-

0,003'; сульфаты бария и свинца, сульфиды свинца и железа, карбонат свинца.

Так как отходы обогащения полиметаллических руд состоят в основном из доломита, кальцита, барита и глинистых веществ, то в промышленности строительных материалов целесообразно использовать как необожженные отходы обогащения полиметаллических руд, так обожженные.

Целенаправленные физико-химические и прикладные исследования по комплексной переработке некондиционного природного и техногенного сырья цветной и черной металлургии, химической промышленности были начаты в конце 80-х годов прошлого столетия в КазХТИ, а затем продолжены на кафедре «Технологии цемента, керамики и стекла » в ЮКГУ им. М. Ауэзова.

Полученные научные результаты явились основой для создания композиционных строительных материалов с заданной структурой, с улучшенными физико-механическими и эксплуатационными свойствами.

В связи с этим были разработаны составы и технологии получения строительных материалов с использованием отходов обогащения полиметаллических руд.

Разработан состав силикатной массы на основе обожженных доломито-бариевых «хвостов» (8-12%), электротермофосфорных шлаков (83-90%) или песка, пыли электрофильтров цементных печей (2-5%) для получения изделий автоклавного твердения. В присутствие щелочных катионов в пыли электрофильтров, используемой в составе предлагаемой сырьевой смеси, способствует созданию условий для существования ассоциированных кремнекислородных комплексов, способствующих образованию гидросиликатов кальция с высокополимеризованными цепочечными и ленточными кремнекислородными анионами, повышающими прочностные характеристики изделий. Изделия отличаются более высокой прочностью ($R_{сж}$ =41-49 МПа), морозо- и сульфатостойкостью в отличие от автоклавных материалов на основе извести [1].

Установлена возможность получения, вяжущего введением в портландцемент до 40% отходов обогащения полиметаллических руд, обладающего повышенной сульфатостойкостью и защитными свойствами от гамма и рентгеновского излучения [2-4].

Установлена возможность использования продукта низкотемпературного (700-800^0 С) обжига доломито-бариевых «хвостов» в качестве расширяющейся добавки к портландцементному клинкеру. Механизм расширения обусловлен процессами гидратации оксида кальция

и магния с образованием $Ca(OH)_2$, $Mg(OH)_2$ и гидромагнезита. Эффективность расширяющейся добавки подтверждена в производстве асбоцементных листов.

Разработана сырьевая смесь для получения расширяющегося цемента, включающая отходы обогащения полиметаллических руд, фосфогипс, каолин, позволяющая получить цемент высокой прочности (61,5-72,5 МПа) с линейным расширением в возрасте 28 суток 2,18-2,74% [5]. Полученный результат достигается за счет образования при твердении кроме гидросиликатов кальция таких соединений, как гидроалюминат бария, гидросиликат бария и гидрооксид бария. Их сочетание обеспечивает высокую прочность затвердевшему цементному камню, а также придает защитные свойства от гамма и рентгеновского излучения.

Разработана ресурсо- и энергосберегающая низкотемпературная технология получения вяжущего гидротермального твердения на основе лессового сырья и отходов обогащения полиметаллических руд, обожженных при 850^0 С [6]. Высокие физико-механические свойства полученных изделий обусловлены одновременным присутствием в продуктах гидратации волокнистых и кристаллических гидросиликатов различного состава: CSH(B), тоберморита, ксонотлита, серпентина, $Mg(OH)_2$, трехкальциевогогидроалюмината и гидросульфоферрита кальция.

Разработана сырьевая смесь для закладки выработанного пространства, содержащая в качество минерального вяжущего обожженные при 800^0С отходы обогащения полиметаллических руд (22-24%) и портландцемент (2-4%), доломито-бариевые «хвостов» - остальное [7]. Применение разработанной смеси значительно снизит содержание цемента в закладочной смеси и позволит эффективно использовать отходы обогащения полиметаллических руд. Повышение механической прочности на ранней стадии твердения объясняется образованием карбонатного аналога эттрингита $C_3A \cdot 3CaCO_3 \cdot 31 \cdot H_2O$.

На основе исследований разработаны композиции гипсосодержащих водостойких вяжущих марки 200-300 на основе фосфогипса, гранулированного фосфорного шлака и обожженных при температуре 900-950^0 С отходов обогащения полиметаллических руд или обожженного дефекта – карбонатного отхода производства сахара [8,9]. Повышение водостойкости гипсосодержащих вяжущих достигается тем, что оксиды кальция и магния, находящиеся в составе отходов обогащения полиметаллических руд или в дефекате, выполняют роль химических добавок, повышая PH среды в процессе гидратации композиционных

вяжущих, а также нейтрализуют примеси кислот в фосфогипсе, переводя их в труднорастворимые соли типа гидроксилапатита и фторида кальция.

Получен теплоизоляционный абестодоломитовый материал - совелит на основе отходов обогащения полиметаллических руд. Известно, что основными теплоизоляционными материалами, широко применяемыми в настоящее время, являются минеральная вата и полистрольный пенопласт, которые при всех достоинствах имеют очевидные недостатки. Минеральная вата с течением времени при эксплуатации деструктуризуется – дает усадку, образуя незащищенные от утечки тепла пространства, а полистрольный пенопласт является горючим материалом. В связи с этим поиск новых видов сырья и организация производства теплоизоляционных материалов хорошего качества из отходов промышленности является актуальной и экономически целесообразной задачей. Из совелита изготавливают плиты, сегменты, скорлупы, а также порошок для получения замазочного материала. Совелит, полученный по разработанному нами способу из мелкодисперсных отходов обогащения полиметаллических руд соответствует требованиям ГОСТ 6788-74.

Установлено, что отходы обогащения полиметаллических руд могут служить легирующей добавкой для низкоосновного клинкера, вводимой с горячего конца печи на спекающейся клинкер, который обеспечивает повышение начальной прочности низкоосновным клинкерам [10].

На основе отходов промышленности (пыли электрофильтров цементного производства и отходов обогащения полиметаллических руд) получен цемент, который может быть использован для биологической защиты объектов. Содержащиеся в отходах промышленности компоненты (MgO, BaO, K_2O, Na_2O, SO_3) и их соединения в продуктах обжига способствуют улучшению свойств синтезируемых материалов, позволяющих получить вяжущее марки «400», «500» и «600» с повышенными (на 17-18 %) защитными свойствами от гамма- и рентгеновского излучения.

Отходы обогащения полиметаллических руд - доломито-бариевых «хвосты» могут быть использованы при производстве цемента в качестве сырьевого компонента, при этом возможно отказаться от дробильного и помольного отделения в технологической схеме сырьевого цеха цементного завода.

На основании результатов выполненного комплекса теоретических, экспериментальных и прикладных исследований достигнуты новые результаты в решении актуальной задачи использования некондиционного

сырья и техногенных отходов в промышленности строительных материалов.

Литература:

1. А.С.791684 СССР. Сырьевая смесь для изготовления силикатных изделий/ Худякова Т.М., Лугинина И.Г., Шапошникова М.А.; опубл. 15.02.1980, Бюл.№26.-3с.

2. А.С. 846514 СССР. Вяжущее. / Худякова Т.М., Лугинина И.Г., Шапошникова М.А., Михайлова В.И., Карибаев К.К.; опубл. 15.07.1981, Блю. №26.-С.3.

3. Худякова Т.М., Вернер В.Ф., Крохинцев С.Н., Гаспарян Е.В. Смешанные вяжущие вещества на основе отходов обогащения полиметаллических руд //Труды МНПК Проблемы науки, образования и устойчивого социально-экономического развития общества в начале XXI века.- Шымкент, 2003.-Т.4. – С.97-1001.

4. Предв. Пат. 10781 РК Сырьевая смесь для получения расширяющегося цемента/ Худякова Т.М., Вернер В.Ф., Крохинцев С.Н.; опубл. 15.10.2001, Блю.№10.-С.3.

5. Худякова Т.М., Гаспарян Е.В. Получение вяжущего гидротермального твердения из лессового сырья и карбонато-бариевых отходов обогащения полиметаллических руд//Тр. Респуб. науч.-практ. конф. Пути решения проблем получения высококачественных и тугоплавких материалов на основе местных ресурсов и отходов производства. -Ташкент, 2004,- С.71-72.

6. Предв. Пат. 10781 РК Сырьевая смесь для закладки выработанного пространства. / Худякова Т.М.; опубл. 15.04.99,Блю.№4.-С.2.

7. А.С. 857040 СССР. Вяжущее. / Худякова Т.М., Лугинина И.Г., Михайлова В.И.; опубл. 1981, Блю. №31.-С.3.

8. Иннов. Пат. 61520 РК. Вяжущее. / Бишимбаев В.К., Тлебаев М.Б., Худякова Т.М., Гаспарян Е.В., Вернер В.Ф., Михайлова В.И., Якимкина И.Г.; опубл. 15.09.2009, Блю. №9.-С.3.

9. Предв. Пат. 11406 РК. Композиция для изготовления облицовочных изделий/ Худякова Т.М., Вернер В.Ф., Барбанягрэ В.Д., Грошев И.А., Ганичева Е.А., Сапатова Н.О.; опубл. 14.04.2006, Блю. №4.-С.3.

10. Худякова Т.М., Барбанягрэ В.Д. Синтез быстротвердеющего низкоосновного клинкера кратковременным высокотемпературным легированием // Известия ВУЗов. Химия и химическая технология.-2002- №6.- С.176-178.

УДК 622.273.2

МИС ЭРИТИШ ТОШҚОЛЛАРИНИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ҚЎЛЛАШ

т.ф.д., профессор Тўлаганов А.А., магистрант Худойназарова Қ.Ж., Отақулов Б.А., Исмоилов Э.Д.,
(ТАҚИ), (ФарПИ), (УргДУ)

Мақолада мис эритиш тошқолининг кимёвий таркиби, рентген фазали ва дифференциал термик таҳлил натижалари ҳамда уни ишлатиш истиқболлари келтирилган.

В статье приведена химический совтав, результаты рентгена-фазового и дифференциально-термического анализа и перспектива использования медеплавильного шлака.

The article presents the chemical composition, the results of X-ray phase and differential thermal analysis and the prospect of using copper smeiting.

Калит сўзлар: *мис эритиш тошқоли, рентген-фазали таҳлил, дифференциаль-термик таҳлил, ҳажмий оғирлик.*

Йил сайин инсониятнинг истеъмол талаби ортиб бормоқда, шунингдек, дунёда ишлаб чиқариш ҳажми ва ресурсларнинг сарфи ҳам ошмоқда. Ишлаб чиқариш ҳажми ортган сайин чиқиндиларнинг миқдори кўпайиб бормоқда. Катта ҳудудларни эгаллаб турган чиқиндиларни омборларга жойлаш зурур ҳисобланади. Бундай вазиятдан чиқишнинг йўли-бу чиқиндиларни қайта ишлашдан иборатдир. Металлургия соҳасида асосий чиқинди бу тошқол ҳисобланади. Тошқоллар катта ҳудудларни эгаллайди, бу эса атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Металлургия тошқолларини қайта ишлаш иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан фойдали ҳисобланади. Тошқолда кўп миқдорда фойдали элементлар бўлиб, металлургияда иқтосодий жиҳатдан самарали ҳисобланади. Қурилишда ва қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда мис эритиш ва никель тошқоли катта қизиқиш уйғотмоқда. Мис эритиш тошқолининг умумий кўриниши 1-расмда келтирилган [1].

Тошқоллар, бу юқори ҳароратда бошланғич материаллар компонентларининг ўзаро таъсири натижаси ҳисобланади (ёнилғи, рудалар, газли ва эрувчи муҳит). Уларнинг кимёвий таркиби ва структураси бўш жинслар таркиби туфайли, эрувчи металл тури, турли металлургия жараёнларида, совитиш шароити ва бошқалар таъсирида ўзгаради. Рангли металлургия тошқоллари ўз таркибида қуйидаги оксидларнинг CaO+MgO (3-13%), Fe_2O_3 (21-61%), SiO_2 (30-40%) мавжудлиги билан характерланади. Рангли металлургия тошқолида асосий компонентлардан ташқари чиқарилмаган металлар – никель, мис, рух, қўрғошин, темир ва бошқалар мавжуд бўлади. Рангли металлургия тошқоллари ҳозирги вақтда цемент ишлаб чиқаришда металл компонент сифатида ва актив минерал қўшимча сифатида, тўлдирувчи, минерал пахта, йўл қопламаси бетонларида ва бошқа қурилиш материалларини олишда ишлатилади.



1-расм. Мис эритиш тошқолининг умумий кўриниши

Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатида мис эритиш саноатида ҳосил бўладиган шлакларни қайта ишлашнинг флотация технологияси қўлланилмоқда. Бунда мис концентратли тошқоллар металлургия печларига эритиш учун жўнатилади ва унинг таркибида темир бўлган мис эритиш саноати тошқоллари юзага келади.

Мис эритиш тошқолининг ҳажмий оғирлиги–1500 кг/м^3, солиштирма юзаси–3200 см^2/г бўлган қорамтир рангли кукун бўлиб, унинг кимёвий таркиби 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Мис эритиш саноати тошқолининг кимёвий таркиби

Номланиши	**Оксидлар миқдори, масса бўйича %**									
	SiO_2	**MgO**	**SO_3**	**CuO**	**CaO**	**Al_2O_3**	**SO_3**	**Fe_2O_3**	**Қ.М.Й.**	**Жами**
Мис эритиш тошқоли	38,9	1,5	0,74	0,49	9,8	11,32	0,74	35,6	0,6-0,9	100,0

Мис эритиш тошқолининг рентген-фазали, дифференциал-термик таҳлиллари ўтказилди ҳамда унда асосий ташкил этувчи минераллар аниқланди (1, 2, 3-расмлар).



2-расм. Мис эритиш саноати тошқолининг рентгенограммаси.

Мис эритиш саноати тошқолининг рентгенограммаси (2-расмга қаранг) таҳлили асосида, таркибида турли жадалликка эга бўлган кварц (d=4.27; 3,35; 3,25; 2.50; 2,41; 2,30; 1,77; 1,61 Å), кальцит (d=3,04; 1.926; 1.852 Å), MgO (d=2.09; 1.48 Å), гидрослюда (d=4.96; 2.57 Å), Fe_2O_3 (d=2.53 Å) минераллари аниқланди.



3-расм. Мис эритиш саноати тошқолининг дифференциал-термик таҳлили.

Мис эритиш саноати тошқолидан олинган намунани қиздириш (3-расмга қаранг) эгри чизиғида 93, 130, 168, 247, 357, 440, 721, 803 °C да саккизта эндотермик эффект ва 314, 343, 376, 403, 417, 427, 432, 482, 598 °C да тўққизта экзотермик эффектлар аниқланди. 100-900 °C ҳарорат кўламида умумий массанинг ўзгариши, термогравиметрия эгри чизиғида умумий массанинг камайиши 1,15 % ни ташкил этди. ТГ эгри чизиғи таснифи шуни кўрсатадики, 400 °C да массанинг камайиши, 400 дан 900 °C гача массанинг ортиши содир бўлди. Эндотермик эффект бўйича 93 °C да адсорбцион сувнинг чиқиб кетиши ва 130, 168 °C да $CaCO_3$ дегидратацияси аниқланди.

Мис эритиш тошқоллари-рангли металлургия чиқиндиси бўлиб,

ҳавода совитилади, қорамтир рангга эга бўлади, парчаланишга учрамаган бўлиб, шишасимон ва сув шимувчанлиги 0,6% дан ортмайди. Мис эритиш тошқолларининг зичлиги таркибидаги темир миқдорига боғлиқ ҳолда 2800 - 3800 кг/м^3 ни ташкил этади. Материалнинг абсорбцион сиғими 0,13% ни ташкил қилади. Грануллaнган мис тошқоли ҳавода совитилган мис тошқолига нисбатан ғоваклиги юқори, кичик ўйилма зичликка ва ўта юқори абсорбцион қобилиятга эга бўлади [2, 3].

“Олмалиқ тоғ-металлургия” комбинати ОАЖ маълумотларига кўра, ушбу комбинат ҳудудида ҳар йили 1 млн.тоннадан ортиқ чиқиндилар чиқади ва уларнинг таркибида 250 минг тонна мис мавжудлиги аниқланган. Комбинатда ўзига қарашли хомашё манбаи мавжуд эмас, шу сабабли ҳам махсус чуқурларга кўмилган флотация тошқоллардан олинадиган мис, ишлаб чиқаришнинг ярмини қоплайди. Бироқ, тошқолларни технологик циклга қайтарилиши билан уларни йўқ қилиш масаласи тўлиқ ҳал этилмади, натижада қўшимча технологик тадбир ишлаб чиқишни талаб этади. Тошқол таркибидаги металлар миқдори кам бўлганда, уларни қайта ишлаш иқтисодий самара бермаса, у ҳолда тошқоллардан бошқа соҳаларда фойдаланилади. Ўзининг физик-механик ва кимёвий хоссаларига кўра шлаклар турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ишлатилади. Цемент ишлаб чиқариш саноатида тошқолдан энг кўп миқдорда шлакопортландцемент ишлаб чиқаришда актив минерал қўшимча сифатида ва камроқ цемент клинкери ишлаб чиқаришда хомашё компонент сифатида ишлатилади [1].

Грануллaнган тошқол билан бир қаторда тошқолдан олинадиган асосий маҳсулот бу тошқолли пемза чақиқ тоши бўлиб, уларнинг сифати мавжуд стандартлар ва техник шартлар билан белгиланади. Грануллaнган тошқол саноат ва фуқаро қурилишида кенг миқёсда ишлатилади. Грануллaнган тошқоллар майда донадорли бетонлар тайёрлашда ва ўз навбатида ундан юпқа деворли темир-бетон ва армоцемент конструкциялар ҳамда махсус буюмлар ишлаб чиқаришда ишлатилади [4].

Тошқол асосидаги чақиқ тош бетон учун энг арзон ва самарали тўлдирувчи ҳисобланади. У бетон қоришмасининг бир мунча технологик хусусиятларини яхшилайди. Тошқолли чақиқ тош дағал, ғовак, юқори ривожланган ва тоза юзага эга бўлади. Қоришма тошқолнинг нотекис юзасини зич тўлдиради, унинг суюқ ҳолдаги фазаси чақиқ тошни 0,1-0,3 мм чуқурликдаги ғовакларига кириб боради.

Бундан ташқари тошқоллардан ер ости иншоотлари бўлган метрополитен, сув оқава тонеллари, шахталар, қудуқлар, коллекторлар (тюбинглар, блоклар, қуйма бутун ва комбинацияланган халқалар,

пардозбоп плиталар) учун пардозловчи конструкциялар тайёрлаш мумкин. Грануллaнган мис эритиш саноати тошқоллари турли маркадаги қоришмалар олишда ишлатиладиган автоклавда қотувчи боғловчи моддалар учун хомашё сифатида ишлатилади. Рангли металлургия корхоналарида тошқоллардан қурилишда кенг ишлатиладиган қум ва кукунсимон материал олинади. Ҳозирги пайтда грануллaнган мис эритиш тошқолларидан энг кўп тарқалган абразив-купершлак олинади. Оддий қумга нисбатан купершлак билан қум сепма пардозлаш унумдорлиги 3-4 баробар юқори ҳисобланади.

Кимёвий таркиб тошқол эритмасининг физикавий хоссаларига, қотган тошқолларнинг хоссаси ва структурасига етарлича таъсир кўрсатади. Тошқолларда кальций оксиди миқдорининг ортиши, эриш ҳароратининг кўтарилиши ва оқувчанликни камайиши билан изоҳланади. Тошқол таркибидаги оксидлар турли минералларни юзага келтиради. Оксидларнинг ҳолатига мос келувчи системаларнинг диаграмма анализи натижалар шуни кўрсатадики, тошқоллар таркибида иккиламчи ва учламчи боғланиш муддатигача бўлган даврда асосий ўринни эгалловчи силикатлар, алюмосиликатлар, алюминатлар и ферритлар мавжуд бўлади.

Амалий жиҳатдан барча металлургия тошқолларида кам ёки кўп миқдорда кристаллизация маҳсулотлари билан бир қаторда шишасимон фаза ҳам мавжуд бўлади. Махсус чуқурларга кўмилган ва секин совиган тошқоллар таркибида шиша миқдори кам бўлади, грануллaнган домга тошқолларида унинг миқдори 98% га етади. Шиша бу термодинамик ноустувор фаза ҳисобланади ҳамда кераклича тошқолларнинг кимёвий активлигини белгилайди. Тошқол шишалари минераллар кристалларига нисбатан сув билан етарлича жадал ўзаро таъсирлашиши аниқланган. Тошқол асосидаги боғловчиларни қуйидаги асосий гуруҳларга ажратиш мумкин: шлакопортландцементлар, сульфат-тошқолли, оҳак-тошқолли, шлак-ишқорли боғловчилар. Қурилишда шлакопортландцемент муҳим ўринни эгаллайди, МДҲ давлатларида цемент ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 25% ини ташкил этади. Клинкерсиз тошқолли боғловчилар тан нархининг арзонлиги, оддий тайёрланиш технологияси ва юқори қурилиш-техник кўрсаткичлари сабабли, уларни ишлатиш техник-иқтисодий самарадор ҳисобланади [5].

Шлакда мавжуд бўлган мис ва бошқа компонентларни йўл-йўлакай ишлаб чиқариш, хомашё материалларни комплекс ишлатишни ошириш ва қайта ишлашни иқтисодий самарасини оқлайди. Портландцемент ва мис эритиш саноати тошқоллари асосидаги боғловчи композицияларни олиш мумкинлиги ўз тасдиғини топган. Ўрганилаётган композициялардаги

структуранинг шаклланиш жараёни, системадаги барча компонентларнинг хоссаларини рўёбга чиқиши натижасида, нафақат уларнинг физикавий, балки кимёвий ўзаро таъсири орқали зич ва мустаҳкам алоқани вужудга келтиради.

Грануллaнган тошқол ва мис эритиш саноати тошқоллари асосидаги композицияли боғловчиларни ишлаб чиқариш ва уларнинг асосий хоссаларини тадқиқ этиш илмий ва амалий жиҳатдан катта қизиқиш уйғотади. Бу вазифани комплекс ҳал этиш композицияли боғловчилар асосидаги қурилиш материаллари номенклатурасини ва хомашё базасини кенгайтириш имконини беради.

Адабиётлар

1. Газиев У.А., Рахимов Ш.Т. Применение шлаков медеплавильной промышленности в производстве строительных материалов. “Энергия тежамкор ва маҳаллий хомашёлар асосида қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш муаммолари” Республика илмий-техникавий анжуман материаллари тўплами. ТАҚИ, Тошкент-2018, 14-15 декабрь, 176-179-бетлар.
2. Глуховский В.Д., Пашков И.А., Григорьев В.С. Комплексное использование доменных и электротермофосфорных шлаков в производстве высокопрочных цементов. Известия вузов «Строительство и архитектура», 1980, №5, стр.62-66.
3. Купряков Ю.П. Шлаки медеплавильного производства и их переработка/ Ю.П. Купряков. - М.: Металлургия, 1987. - 201с.
4. Горшков В.С. Комплексная переработка и использование металлургических шлаков в строительстве/ В.С. Горшков, С.Е. Александров, С.И. Иващенко, И.В. Горшкова.- М.: Стройиздат, 1985. - 272с.
5. Тулаганов А.А. Основы безобжиговых щелочных вяжущих и бетонов. Учебное пособие. Издательство, 3-е, переработка и дополнение. Ташкент, Навруз, 2015, -2348с.

УДК: 666.913.35

ЭНЕРГИЯСАМАРАДОР КУЙДИРИЛМАСДАН ОЛИНУВЧИ ҲАВОЙИ БОҒЛОВЧИЛАР. ФОСФОГИПС ЧИҚИНДИЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЖАРАЁНИГА ДОИР ТАВСИЯЛАР

Бахриев Н.Ф., т.ф.н., доцент, Юсупов Х.В., т.ф.н., доцент, Каримов Г.У., докторант, Исматуллаев Ф.З., ассистент
(Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти)

Мақолада Самарқанд кимиё заводи чиқиндилар захира майдонида кўп йиллардан буён ишлатилмасдан улкан ҳажмдаги майдони эгаллаб ётган фосфогипс чиқиндисини қайта ишлаш йўналишидаги тадқиқотлар баён этилган. Фосфогипс чиқиндиси таркиби 94 % гача икки сувли калцийли сулфат бирикамасидан иборат бўлиб, жуда қимматли гипс боловчиси хомашёси сифатида ишлатилиши мумкин. Бироқ, фосфогипс

таркибида инсон ҳаёт фаолиятига зиён етказувчи айрим зарарли унсурлар мавжуд бўлганлиги сабабли, ундан амалий жараёнларда фойдаланишга кескин монелик қилиб келади. Мақолада шу муаммони бартараф этиш борасида олиб борилган тадқиқотлар, натижалар ва тавсиялар баён этилган.

В статье приведены данные по рзультатам исследований, переработки фосфогипсовых отходов Самаркадского химическиго завода, за многие годи хранящиеся на огромной территории. Фосфогипс до 94 % содержит их двуводного сульфата кальция, которя является ценнейшим сырьем для производства гипсовых вяжущих вешеств. Однако, в составе фосфогипса имеются некоторые химические соединения которие являются, вредними для жизнедейтельности человека и по этой причине применение в промышленном производстве затруднено. В статье приводится результаты исследоавния и рекомендации решения данной проблемы.

In article processing's phosphoric plaster (fosfogipsium) waste of the Samarkand chemical plant, for many years stored on huge territory are cited yielded on results of researches. Phosphoric plaster to 94 % contains two water sulphates of calcium which is the most valuable raw materials for manufacture of plaster knitting substances. However, in structure phosphoric plaster there are some chemical compounds which are, harmful to ability to live of the person and for this reason application in industrial production is complicated. In article it is resulted results of research and the recommendation of the decision of the given problem.

Калит сўзлар: *чиқиндилар, қайта ишлаш, фосфогипс, гипс, гипс тоши, боғловчи, нейтраллаш, унсурлар, ишқор, услуб.*

Ключевые слова: *отходы, переработка, фосфогипс, гипс, гисовый камень, вяжущее, нейтрализация, примеси, щелочь, методика.*

Keywords: *the waste, processing,phosphoric plaster, plaster, plaster stone, knitting, neutralization, impurity, alkali, the technique.*

Деворбоп материаллар (ғишт, тош ва блоклар) истеъмоли бино ва иншоотлар барпо этиш ялпи ҳажмининг учдан бир қисмини ташкил қилади, шу жумладан, ҳаммамиз учун энг иштиёқли бўлган пишиқ сопол ғишт ишлаб чиқариш жараёнида ёки қурилишимизда сарфланувчи кўплаб материал ва қурилмалар ташкилий қисми бўлган портландцемент ишлаб чиқаришга улкан миқдорда энергия ресурсларини сарфлаш талаб этилади.

Танланган мавзунинг асосий мақсади деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни энергия ресурслар сарфи нуқтаи назаридан ўрганган ҳолда, замонавий, маҳаллий хомашё ресурслар асосида энергия тежамкор турларини тавсия этиш ва илмий асослаб беришдан иборат.

Ўтказилган илмий изланишлар ва маълумотлар таҳлилига асосан юқорида келтирилган долзарб вазифаларни ҳал қилишда деворбоп материаллар сифатида гипс асосли тош блоклардан ёки саноат чиқиндиси бўлган фосфогипс хомашёсидан фойдаланиш 80% гача энергия самарадор бўлиши аниқланди.

Илмий тадқиқотларимиз олдига қўйилган асосий масалалар ечими сифатида гипс аосли боғловчи моддалар ва улар асосида деворбоп блоклар ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал қилиш мақсад қилиб қўйилди.

Бойитилган апатит хомашё концентрати таркибида фосфор оксиди P_2O_5 миқдори (қуруқ модда сифатида ҳисобланганда) 39 % гача ташкил қилади. Бу хомашёни фосфор, олтингугурт айрим ҳолларда азот кислотаси билан ишлов берилганда фосфор экстракти олинади. Шу жараёнда кўп миқдарда иккиламчи маҳсулот бўлган фосфогипс қолдиғи ҳам ажралиб чиқади. Яқин йилларда фосфогипс чиқиндининг 500 мин. тоннадан ортиқ ташландиси топланиб, қайта ишлаш вақтини кутиб ётибди.

Фосфогипс чиқиндисининг асосини ташкил этувчи модда $CaSO_4$ бирикмаси бўлиб, унинг миқдори массага нисбатан 94 % ни ташкил этади. Агар биз бу ашёни ГОСТ 513-82 талабларига асосан таҳлил қиладиган бўлсак, у I навли гипс хомашёси гуруҳига тенглашувини кўрамиз. Бироқ, табиий гипс тошига нисбатан фосфогипс чиқиндиси таркибида фойдаланишга монелик қилувчи унсурлар мавжуд, бу қимматбаҳо маҳсулотни қурилиш материаллари саноадита қўллашни тўхтатиб турибди.

Одатда фосфогипс ишлаб чиқариш жараёнинг иккиламчи маҳсулоти бўлиб, кукунсимон сифатда ажралиб чиқади, сувда эрувчанлиги 0.2 % дан ортмайди, сувда деярли эримайди дейилади, бироқ, фосфогипс таркибидаги зарарли унсурлар сувда эрувчан бўлади, масалан янги ажралиб чиқарилган фосфогипс таркибида 0.5...1.5 % гача сувда эрийдиган фосфор оксиди P_2O_5, 0.3...0.4 % гидрофосфат иони ((HPO_4) ва 1% гача фтор бирикмалари қолдиғи бўлади, шунингдек, амалда қўлланишдан олдин нейтралланиши лозим бўлади. Бунинг учун фосфогипс чиқиндиси амалда қўлланилишидан олдин оҳакли сув эритмасида ювилиб ишлов берилса, таркибидаги зарарли кимиёвий унсурлар нейтрал ҳолатга ўтади ёки оҳакли сувда эриб ювилиб кетади деб таъкидланади [1 ,2, 3].

Юқорида келтирилган мақсад ва илмий гипотезани амалга ошириш мақсадида Самарқанд кимиё заводи Суперфосфат минерал ўғитлар ишлаб чиқариш цехи чиқиндилар отвалида собиқ иттифоқ даврида ишлаб чиқарилган ва кўплаб майдонларни эгаллаб ётган фосфогипс чиқиндиси танланди. Ушбу хомашё кўп йиллардан буён завод чиқиндилар отвалида сақланишига қарамасдан таркибида сувда эрувчи, термик ишлов берилиб, тегирмонда тортилганда зарарли газли –фосфор водоноди ва фосфин унсурлари ажралиб чиқиши аниқланди.

Тадқиқотларимиз олдига қўйган режаларни амалга ошириш мақсадида бу хомашё таркибидаги зарарли унсурларни тегирмонда тортиш даврида

нейтраллаш, сувда эримайдиган, газланмайдиган нейтрал бирикмаларга айлантриш вазифаси қўйилди. Илмий изланишлар ва худди шу турдаги саноат ишлаб чиқариши чиқиндиларини таҳлил қилиш жараёнида Қорақалпоғистон Қўнғирот сода заводининг ишқорли қуруқ чиқиндиларига дуч келдик. Бу саноат чиқиндиси калцийланган сода, натрий бикарбонат (озиқ овқат содаси) ва каустик сода ишлаб чиқаришнинг иккиламчи маҳсулоти бўлиб, таркиби 93 фоизгача актив сўндирилмаган оҳак бирикмаларидан иборат бўлади. Кўплаб илмий адабиётларда бу иккиламчи маҳсулот цемент саноатида хомашё, ёки қўшимча унсур сифатида қўлланиши келтирилади. Бироқ, биз ўз илмий тадқиқотларимизда бу унсурнинг фосфогипс билан биргаликда қандай физик кимиёвий фазилатлар намоён этишини ўрганишга қарор қилдик.

Тажриба изланишлар олдига қуйидаги мақсадлар қўйилди:

1. Самарқанд кимё заводи фосфогипс чиқиндиси таркибидаги фторли водород ва фосфин зарарли газларини Қўнғирот сода заводи қуруқ ишқорли қолдиқлари билан тегирмонда тортиш жараёнида нейтраллаш масаласи;

2. Келтирилган тажрибании амалга ошириш мақсадида Самарқанд кимиё заводи чиқинди отвали таҳлил қилиниб, кўп йиллик сақланиб ётган заҳиранинг турли қатламларидан фосфогипс намуналари келтирилди. Шу жумладан, Қўнғирот сода заводи қуруқ ишқорли чиқиндилари туркумидан мълум миқдордаги намуналар олиб келтирилди. Бу компонентлар кимиёвий таркиблари ўрганилиб, оксидлар формасида жадваллар асосида келтирилди.

Илмий тадқиқотлар услубияти. Фосфогипс таркибидаги зарарли газсимон зарарли газларни нейтраллаш амаллари олдиндан режалаштирилган, халқаро тан олинган услубият қабул қилинди. Фторли водород газининг хавфли миқдорини тутиш ва аниқлаш полиэтилен қопчиқ ичига солинган 3% ли карбонат кальций ва глециринниг 15% ли эритмасидан фойдаланилади. Фторли водород миқдорини аниқлашнинг бу услуби қуйидаги меъёрий ҳужжатларга асосланади[4].

3. Тажрибалар жараёни СамДАҚИ №5 минтақавий синов-тадқиқотлар лабораториясининг маъданларни янчиш ва тегирмонлар бўлинмасидаги ёпиқ бинода ўтказилди. Мақсад, фосфогипс тегирмонда тортилганда зарарли фтор водород ёки фосфрли водород газлари ажралиб чиқиши ва фосфогипс ашёсини қуруқ ишқорли компонент билан маълум миқдорда аралаштириб, тегирмонда тортилганда лаборатория микроиқлими ва намуналарда қандай ўзгаришлар содир бўлишини кузатишдан иборат бўлди.

Ҳавода ёки жисимлар таркибидаги фосфорли водород миқдорини аниқлаш услуби, бу газнинг калийли пеманганат эритмасида оксидланиш натижасида фосфор кислотасига айланиши ва унинг концентрация миқдорини фосформолибден комплекси воситасида аниқлашга асосланади [6].

Тадқиқотлар лаборатория иш жойида, ашёларни қуритиш жараёнида, уларни тегирмога солиб тортиш жараёнида ва намуналардан ҳар ярим соат интервалида олинди (1-жадвал).

1-жадвал

Таркиб ташкил қилувчи унсурлар, %	Таҳлил ўрни ва намуна олинган давр	Фосфорли водородга (PH_3)-таҳлил натижаси, икки параллел қатламдан намуна, мг/м^3	Фторли водородга (HF)-таҳлил натижаси, икки параллел қатламдан намуна, мг/м^3
Отвал фосфогипси, 1 қатлам квартовкаси, 100	Тегирмонга жойлаш	0.01	0.07
Огнестойкость несущих металлических конструкций утрачивается вследствие снижения прочности и упругости металла при нагреве, а также за счёт развития его пластических и температурных деформаций.

Под понятием предел огнестойкости конструкции подразумевают время, по истечению которого конструкция теряет несущую и ограждающую способность.

Температура, при которой деформации от нагрузки в несущих конструкциях выходят за пределы упругих и резко снижается прочность, считается критической.

Пределы огнестойкости металлических конструкций устанавливают опытным путём или определяют расчётом. При расчёте определяют критическую температуру нагрева статический расчет и время нагрева конструкции до критической температуры теплотехнический расчет.

При нагреве до высоких температур центрально – сжатые стержни (колонны, каркасы, стойки и раскосы ферм) утрачивают несущую способность или устойчивость (как результат – потеря прочности).

Потеря прочности наступает вследствие снижения сопротивления металла нагреваемого стержня до напряжений от эксплуатационных нагрузок в его поперечном сечении. Обычно этот случай имеет место у стержней с малой и средней гибкостью.

Стержни с большой гибкостью при нагреве, за счёт наличия малых эксцентрисистетов, вызванных искривлением оси, внецентренным приложением нагрузки и т.п., могут утрачивать несущую способность вследствие потери устойчивости из-за снижения модуля упругости и роста деформаций температурной ползучести металла при высоких температурах.

В том и другом случае критическая температура стержня определяется по критическим деформациям ползучести металла $\varepsilon_п$ (в сумме с деформациям от снижения модуля упругости).

Критическая деформация (упругая или упругопластическая) металла для случая потери устойчивости центрально – сжатого стержня находят

$$\varepsilon_{кр} = \frac{\sigma_{кр}}{E} \quad (1)$$

где:$\sigma_{кр}$ – критическое напряжение находят по формуле Эйлера

$$\sigma_{кр} = \frac{N_{кр}}{A} = \frac{\pi^2 \cdot I_x E}{l_{ef}^2 A} = \frac{\pi^2 \cdot E}{\lambda^2} \quad (2)$$

$\lambda = \frac{l_{cfx}}{i_x}$ - гибкость стержня;

$i_x = \sqrt{\frac{I_x}{A}}$ Радиус инерции сечения

l_{cfx}- Расчетная длина стержня.

Е – модуль упругости металла.

Подставляя (2) в (1) получим

$$\varepsilon_{\text{кр}} = \frac{\pi^2 E}{\text{E}\,\lambda^2} = \frac{\pi^2}{\lambda^2} \qquad (3)$$

Формула (3) показывает, что критические деформации металла зависят только от гибкости стержня.

При действии огня, когда стержень находится под постоянной рабочей нагрузкой, он утрачивает устойчивость за счёт развития деформаций ползучести нагреваемого металла. В этом случае потеря устойчивости стержня характеризуется резким увеличением деформаций при малых приращениях температуры.

По величине критической деформации ε_n и степени нагружения стержня $\gamma_a = \frac{\sigma_o}{\sigma_T}$определяют критическую температуру сжатого стержня.

Расчётную критическую деформацию ее ползучести стали находим по формуле:

$$\varepsilon_{\text{кр}} = \frac{\sigma_{c3}}{\sigma_o\left[\frac{\Delta\sigma_e}{\Delta\sigma}\cdot(1-K)+K\right]}\left(\frac{\pi^2}{\lambda^2}-\frac{\sigma_o}{E}\right)$$

где: $\sigma_{cp} = \frac{(\sigma_1+\sigma_2)}{2}$- среднее напряжение;

$\sigma_o = \frac{N}{A}$- рабочее напряжение в центре сечения,

$\Delta\sigma_e = \frac{(2N\cdot e)}{W} - \frac{(2\sigma_o A\cdot e)}{W}$- разность напряжений от наличия начального эксцентриситета

$$l = \frac{M}{N}$$

К – коэффициент уровня напряжений, возникающих за счёт прогиба f_t.

Коэффициентом к учитывает влияние изменения температурного прогиба от 0 до конечной величины на деформацию температурной ползучести стали. Исходя из этого соображения коэффициент к должен изменяться от 0 до 1.

Для расчётов его можно принять равным:

К=0,5 при $\lambda \leq 125$; *К*=0,75 при $125 < \lambda \leq 150$; *К*=1,0 при $\lambda > 150$

Таким образом формула (4) является обобщенным выражением для расчёта критической деформации ε_m при потери несущей способности сжатого стержня.

Нагрев металлических конструкций в условиях пожара зависит от множества факторов, среди которых основными являются интенсивность огня и способы защиты металлоконструкций.

Выбор вариантов конструктивных решений рекомендуется производить на основе сопоставления технико–экономических показателей. Для обеспечения сравнимости вариантов конструкции должны иметь одинаковое назначение, быть рассчитанными на одинаковые нагрузки, запроектированы в соответствии с действующими нормами и для одних и тех же климатических, сейсмических, грунтовых условий и условий эксплуатации.

Появление и постоянное совершенствование вычислительной техники позволили выдвинуть идею автоматизированного поиска минимальной по затратам конструкции. Такого рода задачи называют задачами оптимального проектирования или оптимизационными задачами. Используя методы математического программирования, можно решать задачи целенаправленного поиска конструкции, затраты на создание которой минимизируются по какому – либо критерию качества, например по минимуму затрат материала или по стоимости, наконец по приведенным затратам. Выбранный критерий качества называется целевой функцией, минимум которой нужно найти. Часто минимум целевой функции находят при удовлетворении ряда ограничений на условия жесткости, прочности, устойчивости и некоторых конструктивных ограничениях. Целевую функцию и ограничения к ней записывают в определенной математической форме. После составления такой математической модели приступают к ее решению тем или иным методом математического программирования. В результате получают оптимальное, т.е. наиболее выгодное, техническое решение.

Существующая структура стоимости строительных конструкций, практика строительства и эксплуатации выявили, что при больших пролетах 80…100м, высотах, нагрузках и сложных грунтовых условиях, где собственный вес конструкций составляет большую часть всех действующих нагрузок - выгодны стальные и деревянные конструкции, а при малых и средних пролетах, где требуется массивность, высокие защитные качества, выгоднее железобетонные конструкции.

Для строительства более эффективны стальные несущие и легкие ограждающие конструкции. Для северных районов страны стоимость транспортных расходов очень высока и достигает 40…50% общей стоимости строительства. Таким образом, задача повышения эффективности строительства на Севере должна решаться путем снижения массы, повышения степени заводской готовности, сборности. Доставку конструкций следует осуществлять наиболее эффективными видами транспорта, вплоть до авиации.

Увеличение сейсмичности района строительства с 6 до 9 баллов повышает (при прочих равных условиях) эффективность применения стальных каркасов и профилированного стального настила. Это объясняется тем, что с уменьшением массы уменьшается и нагрузка от сейсмического воздействия.

На правильный выбор конструкций и материалов влияет температурно – влажностный режим, наличие химически агрессивных воздействий в процессе производства. В условиях высокой влажности без химической агрессии преимущества железобетонных конструкций по сравнению со стальными или деревянными с точки зрения сроков службы и затрат на ремонты несомненны.

Литература:

1. Сайдуллаев Қ.А., Шукурова К.Қ. “Металл конструкциялари”. Дарслик. Тошкент, “Фан ва технология” 2010й.
2. Яковлев А.И. Расчёт огнестойкости строительных конструкций. – М.: Стройиздат, 1988 – 143с.
3. ҚМҚ 2.03.05 – 97. Пўлат қурилмалар лойиҳалаштиришнинг меъёрлари. Тошкент 1997 й.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИДАГИ ЧИҚИНДИЛАРИ АСОСИДА ИССИҚЛИК ҲИМОЯЛОВЧИ БЕТОНЛАРНИНГ ФИЗИК-МЕХАНИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

доц. [1]М.Т.Туропов., катта ўқитувчи [2]Ҳ.А.Матниёзов., ассистент [3]Ф.Х.Турапов

[1](Тошкент архитктура-қурилиш институти), [2](Жиззах политехника институти), [3](Термиз давлат университети)

Ушбу мақолада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари чиқиндиси характеристикаси, ўртача зичлиги, ўта енгил бетоннинг физик-механик хоссалари, тайёрланиш технологияси, иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти, кўриб чиқилган.

В данной статье рассмотрены характеристики отходов сельскохозяйственных продуктов, их средняя плотность, физико-механические свойства сверхлегкого бетона, технология его изготовления, коэффициенты теплопроводности.

This article discusses the characteristics of agricultural products, their average density, physicomechanical properties of ultralight concrete, its manufacturing technology, and thermal conductivity.

Калит сўзлар: *пенобетон, арболитбетон, ўртача зичлиги, иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майда ПҚ-4335-сонли “Қурилиш материаллари саноатида жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида белгиланган вазифаларни ижроси бўйича. Президентимиз соҳа мутахассислари билан бўлган учрашув вақтида қурилиш материаллари тармоғида энергия тежамкор технологияларни жорий этиш орқали таннархни камайтириш бўйича топшириқлар берди.

Ёғоч заҳиралари чекланган минтақаларда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун қишлоқ хўжалигида ишлатилмайдиган чиқиндилар катта қизиқиш уйғотади. Ўзбекистон Республикасида органик тўлдирувчили арболитни ишлаб чиқариш имкониятини ўрганиш бўйича кенг кўламдаги тадқиқотлар олиб борилмоқда. Уларда ёғоч чиқиндилари билан бир қаторда, майдаланган ғўза, каноп пояси, гуруч қобиғи ва зиғир ўзаги ишлатилиши мумкин. Ишлаб чиқилган арболит био таъсирга чидамли, қийин ёнувчан, иссиқлик ва товушдан яхши изоляцияловчи кўрсаткичларга эга, цемент қоришмаси билан осон ишлов берилади, кесилади, михланади. Иссиқликдан изоляцияловчи буюмларнинг ўртача зичлиги 300-400 кг/м^3, конструктив-иссиқликдан изоляцияловчилар 400-800 кг/м^3.

Арболит (лотинча арбо-дарахт ва грекча литос-тош) қурилиш материали енгил бетонинг бир тури. Арболит–бу органик тўлдирувчи, портландцемент ва цементни қотишини тезлаштириш учун аралашмага суюқ шиша қўшимчаси асосида олинадиган ўта енгил бетон.

Бугунги кунда турар-жойлар учун юқори санитар-гигеник ва энергия ресурсларининг иқтисоди сабабли экологик талаблар, девор қуриш бўйича материалларнинг иссиқлик ўтказувчанлик меъёрлари ошди. Хонадаги микро иқлимни барқарор сақлаш, иссиқ-совуқдан, шовқундан изоляциялаш замонавий қурилишнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб бормоқда.

1-расм. Қишлоқ хўжалиги чиқиндиси. Гуруч қипиғи.

Ҳозирги кунда самарали иссиқлик ҳимояловчи материалларнинг турлари кенгайиб бормоқда. Биноларни иссиқликдан изоляциялаш учун

қўлланилаётган материаллар қаторига арболитбетон, газобетон, пенобетон, пенополистиролбетон, вермикулитбетон ва бошқалар киради. Иссиқлик ҳимояловчи материаллар сифатида енгил бетонларнинг зичлиги 800 кг/м^3 ва иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти 0,08–0,175 Вт/м·^{0}С га тенг бўлган ўта енгил бетонлар қўлланилмоқда.

2-расм. Гуруч қипиғидан тайёрланган намуналар.

ГОСТ 19222-84 мувофиқ ёғоч-бетон блоклари ишлаб чиқариш учун ёғоч ишлов бериш чиқиндилари, майдаланган қамиш, каноп, ғўза-поя, гуруч қобиғи, зиғир фойдаланиш мумкин. Ўртача зичлиги ρ=250-1300 кг/м^3, иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти λ =0.09-0.54 Вт/м·^{0}С, оловга таъсирига юқори бардошлилик хоссасига эга.

Ўта енгил бетоннинг мустаҳкамлик чегарасини аниқлаш учун 10х10х10 см ўлчамдаги қолипларда намуналар тайёрланди. Намуналарни синаш муддатлари 7;14;28 суткалар деб белгиланиб, ушбу муддатларда намуналар ГОСТ 10180-90 талаблари бўйича гидравлик пресс ёрдамида синалиб, намуналарни синаш натижалари аниқланди.

1-жадвал

Ўта енгил (арболит) бетоннинг мустаҳкамлик чегараси 7,14,28 кунлик натижалари.

№	Намуна		Мустаҳкамлик, МПа		
	Цемент, гр	Гуруч қипиғи, гр	7	14	28
1	400	140	2,17	2,31	2,72
2		160	2,39	2,43	3,62
3		160	3,16	3,45	3,78



3-расм. Арболитбетоннинг 7;14;28 кунлик сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги.

Арболитдан фойдаланишнинг афзаллиги: иссиқликдан юқори изоляция қилиш, бетон мустаҳкам, умрбоқий ва оловга чидамли материал ҳисобланади. Маълумки, барча иссиқликдан изоляцияловчи материаллар тузилиши бўйича ғовак бўлади, ғоваклар қанча кичик бўлса, иссиқлик ўтказувчи хоссалари шунча юқори бўлади. Арболит - айнан ғовак материал, иссиқлик ўтказувчанлик сифатлари ундаги ғоваклар ва органик тўлдирувчилар ҳисобига юқори. Иссиқликдан изоляциялаш учун ўртача зичлиги 400, 450, 500 кг/м^3 бўлган арболит плиталарини ишлатиш мумкин.

Арболитнинг камчилиги: сувни шимади, ҳаво намлиги 70% дан юқори бўлган хоналар (кир ювиш, хаммом, сауна)ларда арболитни ишлатиш тавсия этилмайди. Арболитни асосидаги конструкцияларни лойиҳаланаётганда арболитни ташиш, қурилиш ва ишлатиш пайтида намлашдан сақлаш чорларини кўриш керак.

Арболитдан тайёрланган қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва қўллаш анъанавий қурилиш материалларига нисбатан қатор афзалликларга эга: бинонинг массаси камаяди, қурилишда оғир ишлар қисқаради, конструкциянинг термик қаршилиги ошади, яхши арраланади, био таъсирга чидамли, иссиқлик ва товушдан юқори изоляциявовчи кўрсаткичига эга, оловга чидамли, механик ишловларга моил, тешик тешиш осон, михни яхши ушлайди.

2-жадвал

Ўта енгил бетон (арболит) намуналарининг оддий хона ҳароратида қуриган ҳолатдаги иссқилик-изоляция характеристикаси

№	Намуна зичлиги	Намуна массаси (гр)	Иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти λ, Вт/м*^{0}С	Иссиқлик қаршилиги Р, м^2*^{0}С/W	Иссқилик оқимини зичлиги, W/м^2	ГОСТ 19222-84 талабига кўра
1	D500	250	0.185	0.2145	63.35	0.19
2	D520	220	0.165	0.1979	60.32	0.19
3	D480	200	0.153	0.1558	58.21	0.19

Хулоса қилиб айтилганда, портландцемент ва гуруч қобиғи асосида олинган иссиқликдан ҳимояловчи арболитнинг мустаҳкамлик кўрсатгичлари, теплофизик хоссалари бугунги кундаги иссиқликдан ҳимоя қилувчи материалларга бўлган талабларга тўлиқ мос келади, гуруч қобиғи асосидаги арбалитнинг асосий физик механик ва эксплуатацион хоссаларини тадқиқ этишни давом эттириш таклиф этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майда ПҚ-4335-сонли "Қурилиш материаллари саноатида жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Қарори.

2. Самигов Н.А., Хасанова М.Қ., Мирзаева М.Ш., Зокиров Ж.С. "Иккиламчи ресурслар асосида қурилиш материаллари ва буюмлари" Тошкент-2016.

3. Тошкент архитектура-қурилиш институти "Архитектура қурилиш дизайн" журнали, махсус сон, 61-64 бет Тошкент, 2019.

МИНЕРАЛ ҚЎШИМЧАЛАР ЁРДАМИДА БЕТОН ХОССАЛАРИНИ ЯХШИЛАШ

т.ф.н., доцент Шакиров Т.Т., асс. Мўминова Н.А.
(Тошкент архитектура-қурилиш институти)

Ушбу мақолада саноат чиқиндилари асосида ҳосил бўладиган иккиламчи қурилиш материаллари сирасига кирувчи минерал қўшимча учувчан кул ҳамда мис эритиш саноати чиқиндиларидан қўшиб тайёрланган бетонларнинг хоссалари ва уларнинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари келтирилган.

В данной статье представлены свойства бетонов и их значение прочности изготовленные с минеральных добавок зола-унос и плавления меди которая является вторичным строительным материалом на основе промышленных отходов.

This article presents the properties of concrete and their strength value made from mineral additives fly ash and copper melting which is a secondary building material based on industrial waste.

Ҳозирги кунда саноат ва қишлоқ хўжалигининг деярли барча тармоқларида иккиламчи ресурслар турли миқдорда ҳосил бўлади. Улар атроф-муҳит экологияси ва ер ресурсларига салбий таъсир ўтказиши ўз ечимини кутиб турган глобал муоммодир. Қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга яроқли саналадиган миллионлаб тонна иккиламчи ресурслар: Иссиқлик энергетикаси, Ўзкимёсаноат, металлургия, қурилиш материаллари ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳосил бўлади [1].

Ушбу соҳалар иккиламчи ресурсларни ўрганиш, тизимга солиш, ишлатилишини илмий-техник жиҳатдан асосолаш ва тадқиқ этиш долзарб муоммо саналади. Ишлаб чиқариш чиқиндилари ва иккиламчи ресурсларни қурилиш материаллари ва буюмлари тайёрлашда фойдаланиш қуйидаги долзарб вазифаларни ечишга ёрдам беради.

- Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг асосий хомашё базасини, яъни ресурсларни тежайди;
- энергия манбаларини тежайди;
- атроф-мухит тозалиги, экологик система масалаларини хал қилади;
- ер ресурсларини рекулвитация қилиш ҳисобидан қайта тиклайди;
- қурилиш материаллари нархини пасайтиради;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясининг 3.2. “Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш” бобида иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида мехнат унумдорлигини ошириш; 4.3. “Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, ахолининг хаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бобида одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини қайта ишлаш комплексларини қуриш ва модернизация қилиш ҳамда электр энергияси ва ёқилғи-энергия ресурслари билан таъминлашни яхшилаш, шунингдек, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ҳақидаги қарорлар ижросини таъминлаш асос бўлиб хизмат қилади [1].

Бетон ва бетон қоришмаси структурасининг активлигини таъминлашда нафақат бошқа турдаги қўшимчалар, балки, минерал қўшимчалар сирасига кирувчи турли минерал жинсларнинг кукунлари, табиий ёки техноген усуллар билан ҳосил бўлувчи материаллар: иссиқлик электростанцияларининг куллари, гранул ёки кукун ҳолатидаги металлургия шлаклари ва турли тоғ жинсларидан юзага келувчи қўшимчаларни қўшиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Қаттиқ ёқилғи моддалар ёндирилганда учувчан кул каби иккиламчи моддалар ҳосил бўлади. Учувчан кул – кукун материал, ТЭС тутунидан циклон ва электрофилтрлар ёрдамида ушлаб қолади. Кул заррасининг ўлчамлари 3-5 дан 100-150 мкм гача бўлади. Йирик ўлчамли заррачалар 10-15% дан ошмайди. Кулнинг ўртача зичлиги 2-2,5г/см³, тўкма зичлиги 0,5-0.8 г/см³. Бетон учун ишлатиладиган фаол минерал қўшимча сифатида кулнинг энг муҳим хусусиятларидан бири унинг гидравлик фаоллигидир. У кулнинг оҳакни оҳак эритмадан шимиб олиш имконияти бўйича анъанавий усул орқали намоён қилади.

Микрокалориметрик услуб кул фаоллигини аниқлашнинг янги усули бўлиб, бунда кул фаоллигининг унинг мусбат ва манфий суюқликда хўллантириш иссиқлик ҳажмига қараб аниқланади. Кулни ишлатиш соҳасига қараб у қуйидаги турларга ажратилади:

1. Темир–бетон конструкциялари учун.
2. Бетон конструкциялар ва маҳсулотлари учун.
3. Гидротехник иншоотлар конструкциялари учун.

Учувчан кулнинг бетон тайёрлашда қўлланилишининг асосий сабаби унинг фаол қўшимча эканлиги ва бетон таркибида хеч қандай қийинчиликларсиз боғловчи ролини ўйнай олишидадир. У худди цемент сингари майда ва йирик қўшимчаларнинг сиртқи қисмини ўраб олиб, уларни ўзаро боғлайди. Улар инерт модда ҳисобланганликлари сабабли сирт фаол қўшимчалар орқали боғланадилар.

1-жадвал

Учувчан кулнинг кимёвий таркиби

Номланиши	Оксидлар миқдори, масса бўйича масса %							
Учувчан кул	SiO_2	Al_2O_3	Fe_2O_3	CaO	MgO	SO_3	$Na_2O + K_2O$	Жами
	35,80	18,45	15,30	18,30	4,15	3,80	3,7	100,0

Мис рангли металлар таркибига кирувчи модда ҳисобланади. Дунёда қора ва рангли металлар олиш учун 10 млрд лаб тоғ массасига ишлов берилади. Бир тонна рангли металл консентратини олиш жараёнида 30 дан 100 тоннагача майдаланган чиқиндилар ҳосил бўлади. 1 тонна мис олиўда эса, 10 дан 30 тоннагача шлак ҳосил бўлади.

2-жадвал

Мис эритиш шлакининг кимёвий таркиби

Номланиши	Оксидлар миқдори, масса бўйича масса %							
Мис саноати чиқиндиси	SiO_2	MgO	SO_3	CuO	CaO	Al_2O_3	Fe_2O_3	Жами
	38,9	1,5	0,74	0,49	9,8	11,32	35,6	100,0

Мисни эритиш шлаки – қорамтир тусга эга, сувга бўлган талабчанлиги 0,6 % дан ошмайди, унинг эриш ҳарорати 990-1175°С. Кимёвий таркиби бўйича нордон ва асосли таркибларга эга. Тўкма зичлиги 1,8 т/м³. Фракцияси 2-5 дан 0,25-0,5 мм гача. Масалан, мисни қайта ишлаш саноатининг гланурланган шлаклари автоклавларда қотувчи турли маркадаги бетонлар тайёрлаш учун боғловчи материалларнинг хомашёси бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

3-жадвал

Мис саноати чиқиндиси қўшиб тайёрланган бетоннинг сиқилишга бўлган мустаҳкамлигига таъсири (1 м³ ҳисобида)

№	Боғловчи тури	Қўшимча тури	Қўшимча миқдори боғловчи миқдорига нисбатан %	Боғловчи миқдори кг	Қум миқдори кг	Шебен миқдори кг	Сув миқдори л	Мустаҳкамлик МПа	
								3 кун	28 кун
1	ПЦ400 Д0	Мис саноати чиқиндиси	0	300	580	1300	179	12,1	30,8
2			5	285	580	1300	179	11,9	30,7
3			10	270	580	1300	179	10,7	30,4
4			15	255	580	1300	179	9,2	29,8

Учувчан кул қўшиб тайёрланган бетоннинг сиқилишга бўлган мустаҳкамлигига таъсири (1 м³ ҳисобида)

4-жадвал

№	Боғловчи тури	Қўшимча тури	Қўшимча миқдори боғловчи миқдорига нисбатан %	Боғловчи миқдори кг	Қум миқдори кг	Шебен миқдори кг	Сув миқдори л	Мустаҳкамлик МПа	
								3 кун	28 кун
1	ПЦ400 Д0	Учувчан кул	0	300	580	1300	179	13,4	32,3
2			10	270	580	1300	179	13,1	32,1
3			20	240	580	1300	179	11,7	31,9
4			30	210	580	1300	179	10,3	28,8



1-график: Учувчан кул ва мис саноати чиқиндисининг бетоннинг сиқилишга бўлган мустаҳкамлигига таъсири (1 м³ ҳисобида)

Юқоридаги графикда мис эритиш саноати чиқиндиси ҳамда учувчан кулни биргаликда қўшиб тайёрланган бетон намуналарининг сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, бу натижалар асосида икки минерал қўшимча биргаликда қўшиб тайёрланадиган бетоннинг оптимал таркиби танланган.

Хулоса қилиб айтганда мақолада мис эритиш саноати чиқиндиси ҳамда учувчан кулдан фойдаланиб тайёрланган бетон намуналарини 3 ва 28 кунлик сиқилишга бўлган мустаҳкамликлари аниқланди. Тажрибага кўра намуна мустаҳкамликлари энг оптимал таркибда учувчан кулдан фойдаланилганда 30,2 МПа, мис эритиш саноати чиқиндисидан фойдаланилганда 29 МПа ва учуван кул ҳамда мис эритиш сантоати чиқиндилари биргаликда қўлланилганда 30,4 МПа ни ташкил этди.

Иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан кўрсакичлар аниқланди, унда оддий бетон ва биз таркибини ишлаб чиқган минерал қўшимчалар: учувчан кул, мис саноати чиқиндиси ва ҳар иккиласидан бир вақтда қўшиб тайёрлаган бетонларимиз нархининг пасайиши қуйидаги кўрсаткичларни ташкил этди: учувчан кулда – 36000 сўм, мис эритиш саноати чиқиндисида – 16550 сўм. Минерал қўшимча қўшимча қўшилаган 1 м^3 бетонда қўшимча қўшилмаган 1м^3 бетоннинг сарф харажатларини айирганимизда 32613 сўмга тежалди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021-йилларда қишлоқ жойларида янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш тўғрисидаги” 2016-йил 21-октабр ПҚ-37(433)-сон.
2. Акрамов Х.А., Нуритдинов Х.Н. “Бетон ва темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш технологияси” ўқув қўлланма, 1-2 қисм, Тошкент 2007-592 бет.
3. ГОСТ 24211-2003. Добавки для бетонов и строительных растворов.

ISSIQLIK IZOLYATSION POLISTIROLBETONNING QURILISHDA ISHLATILISH SOHALARI

Magistrant Yoqubov A.A, Qudratov J.O.
(Toshkent arxitektura-qurilish instituti)

Ushbu maqolada yengil va issiqlik izolyatsion polistirolbetonning fizik-mexanik xossalari va qurilishda ishlatilish sohalarida o‘rganish natijalari yoritilgan.

This article highlights the results of studying the physico-mechanical properties and applications of lightweight and heat-insulating polystyrene concrete.

В данной статье освещены результаты изучения физико-механических свойства и областей применения легкого и теплоизоляционного полистиролбетона.

***Tayanch so’zlar**: polistirolbeton, polistirolbeton blokla, polistirol granulalari, havo kirituvchi qo’shimcha, portlandsement*

Hozirgi vaqtda ishlab chiqarilayotgan ko‘plab zamonaviy materiallardan bino va inshootlarning barcha tarkibiy qismlarini qurishda qo‘llanilib kelinmoqda. Dunyo aholisining soni ortishi sababli, ularga ko‘plab turar - joy binolari zarur bo‘ladi, bu holat qurilish materiallari ishlab chiqarish hajmini ortishiga turtki bo‘lmoqda. Hozirgi kunda elektr energiyasi tanqisligi sababli, yangi qurilayotgan binolar energiya tejaydigan izolyatsiya materiallaridan barpo etilishi, sohada yangi rivojlanish imkoniyatlarini yaratmoqda. Qurilish materialarini ishlab chiqarish sanoatining eng muhim vazifalari mahalliy xomashyodan keng foydalanish va buyum ishlab chiqarishni rivojlantirish, ularning sifatini oshirish va qurilishning tannarxini kamaytirish [1].

Qurilish materiallari sohasida olib borilayotgan ilmiy-nazariy va ilmiy-amaliy tadqiqotlar natijalari ishlab chiqarish jarayonlarini yaxshilash hamda yangi innovatsion tehnologiyalarni qo‘llagan holda, issiqlik izolyatsion hamda mustahkamligi yuqori bo‘lgan materiallarni ishlab chiqarish, mamlakatimiz hududida joriy qilinmoqda. Ma’lumki, devorbop qurilish g‘ishtini ishlab chiqarish sanoati ko‘p issiqlik sarfini talab etadigan ishlab chiqarish sohalardan biridir. Sarflanadigan issiqlik tannarxning katta qismini tashkil etadi. Bunda

issiqlik asosan materialni quritish va pishirish uchun sarflanadi.Ushbu qurilish g‘ishtini o‘rniga issiqlik izolyatsion polistirolbeton bloklar ishlab chiqarilsa hamda undan uy-joy, bino-inshootlar qurilishida foydalanilsa, bu qurilish materiali ishlab chiqarish jarayonida sarflanadigan yoqilg’idan voz kechish va xonalarni isitishda issiqlik sarfini iqtisod qilish imkonini beradi [2].

Polistirolbeton ko‘p funksiyali qurilish materiali hisoblanadi. Ishlab chiqarish tehnologiyasi ancha oddiy va ishlab chiqarishda ishlatiladigan jihozlarga energiya sarfi kam talab qilinadi. Polistirolbetonni ishlatilish joyi va ishlatilish iqlim sharoitiga qarab xossalarini yaxshilash va boshqarish mumkin. Shuning uchun ham uning xossalari katta intervalda o‘zgaruvchan hisoblanadi. Polistirolbeton kengaytirilgan polistirol granulalari va bog‘lovchilar asosida ishlab chiqariladigan yengil beton hisoblanadi. Polistirolbeton tayyorlash uchun ishlatiladigan materiallar (GOST R 51263-99) ning talablariga javob berishi va belgilangan texnik xossalarga ega bo‘lishi kerak.

Polistirol ko‘pikli granulalar polistirolbeton uchun to‘ldiruvchi sifatida ishlatiladi. Polistirol ko’pikli granulalar penoplastlarni qayta ishlash natijasida olinishiga ham ruxsat etiladi. Polistirol ko’pikli granulalarning fraksiyasi 20-40 mm dan katta bo‘lmasligi hamda uning namlik miqdori 15% dan ko‘p bo’lmasligi kerak. Polistirolbeton uchun ishlatiladigan polistirol granulalarining zichligi 15-20 kg/m^{3}ga teng. Bog‘lovchi sifatida portlandsement yoki shlakaportlandsement ishlatilshi maqsadga muofiq, chunki bu bog’lovchilarni polistirol bilan bog‘lanishi boshqa sementlarga nisbatan ancha ijobiydir. Polistirol granulasining zichligi juda kam bo‘lganligi sababli sement bilan bog’lanishdagi bo‘ladigan reaksiyani amalga oshirish juda qiyindir shuning uchun biz kimyoviy qo‘shimchalardan foydalanamiz. Kimyoviy qo’shimchalar (havo kirituvchi, plastiklashtiruvchi hamda qotishini tezlashtiruvchi) dan foydalanishimiz maqsadga muofiq.

Polistirolbeton o‘rtacha zichligi ρ=200-1200 kg/m^3 , issiqlik o‘tkazuvchanlik koffitsienti λ =0.055-0.145W/m·K, suv shimuvchanlik koeffitsienti W=8-18%, olovga ta’siriga yuqori bardoshlilik xossasiga ega.

Polistirolbeton ishlatilish maqsadi va xossalariga qarab, zichligi yuqori polistirolbeton, g‘ovakli polistrolbeton, serg’ovakli polistrolbeton turlariga bo’linadi. Zichligi yuqori polistirolbetonlarda g’ovaklarning hajmi, materialning umumiy hajmining ko’pi bilan 3% ni tashkil qilishi kerak, aks holda strukturasida g‘ovakliklar ortadi va o‘z xossasalarini kamaytiradi. Ba’zi holatlarda zichligi yuqori polistirolbetonlarda g‘ovakliklarning hajmini oshishi uchun ruxsat beriladi, chunki ishlatilish muhiti shuni talab qiladi. Shunday holatlarda g‘ovakliklarning umumiy hajmi 6% gacha bo‘lishiga imkon beriladi va qurilishda konstruksion element sifatida ishlatilishi mumkin.

Polistirolbeton bloklari ishlab chiqarishda asosan quydagi 1.1- jadvalda keltirilgan tarkibdan foydalanish maqsadga muofiqdir [3].

1.1-jadaval

№	Material nomi	O'lchov birligi	Polistirolbetonning o'rtacha zichligi, kg/м^3				
			200	300	400	500	600
1	Portlandsement M400	kg	160	240	330	410	500
2	Suv	l	100	120	150	170	190
3	Polistirol granulalari	м^3	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0
4	Kimyoviy qo'shimcha	% sement massasiga nisbatan	0,8	0,65	0,6	0,45	0,40

Polistirolbeton qo'llaniladigan sohalar:

– issiqlikni o'tkazmaydigan plita va bloklar ishlab chiqarilishi;
– bino tomlarining issiqlik izolyatsiyasi;
– monolit pol va devorlarni quyish;
– yer usti va yer osti teplotrassalarining issiqlik izolyatsiyasi;
– monolit uylar va inshootlarning qurilishi;

1-rasm. Polistirolbetondan qurilishda foydalanish [4].

Polistirolbetonning qurilishda ishlatishning avzallik tomonlari:

- polistirolbeton bloklarni terishdagi qorishmaning hajmini g'isht terishdagi qorishma hajmiga nisbatan 70% gacha kamaytirilishi;

- issiqlik izolyatsiya xossasi yuqoriligi tufayli isitish tizimida kam energiya sarfiga erishiladi.

- 600x400x300mm hajmdagi polistirolbeton blok , 7-8 dona oddiy qurilish g'ishti hajmiga tengligi sababli, qurilish jarayoni 3-4 barobar tezlashadi;

- bloklarning qirralari tekisligi sababli,bloklar orasidagi gorizontal va vertikal choklar 3-4mm ni tashkil etadi bu esa tashqi muhitdan kirib keluvchi to'g'ridan –to'g'ri sovuq havoni kirishini kamaytiradi;

- bloklarni terishda ulkan mashina –mexanizmlardan foydalanilmaydi;

- polistirolbeton biologik muhitga, sovuqqa va olovga bardoshli, yaxshi tovush va issiqlik o‘tkazuvchanlik xossalariga ega;

- polistirolbeton bloklarining umriboqiyligi 100 yilni tashkil etadi, shu sababli binolarning umriboqiyligi taminlanadi [4].

Xulosa qilib aytganda, yuqoridagi polistirolbeton bloklaridan foydalanish orqali yuqori sifatli binolarning qurilish vaqtini qisqarishi, qisqa muddatda katta natijaga erishish, iqtisodiy jihatdan arzonlashtirilgan bino va inshootlarga ega bo‘lishga erishish, binoning umrboqiyligini uzaytirishni ta‘minlash bilan bir vaqtda, binoning ichki va tashqi zamon talablariga javob bera oladigan darajada qurib bitirish imkonini beradigan optimal variantlarini beradi.

Foydalanigan adabiyotlar

1. Samig‘ov N.A. Energiya tejamkor qurilish materiallar.Darslik, Toshkent 2015.
2. N.A.Maxmudova., M.Rashidova. Pardozlash va issiqlik izolyatsiya materiallarining texnologik asoslari. Darslik ,Toshkent 2012.
3. Polistirolbeton (GOST R 51263-99 .
4. www.ziyonet.uz

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СУПЕРПЛАТИФИКАТОРА JK-02 ДЛЯ УЛУЧШЕНИЯ РЕОЛОГИЧЕСКИХ СВОЙСТВ БЕТОНА

к.т.н., доц. Ганиев А.Г.

(Джизакский политехнический институт)

Аннотация. *Ushbu maqolada superplatifikatorlarning xususiyatlari va xususiyatlari tasvirlangan. Megaplas JK-02 t superplastifikatori betonga qo'shimcha sifatida ishlatiladi. Superplatifikatordan foydalanish betonning erta va yakuniy mustahkamliginini tezlashtiradi, sementni tejashga yordam beradi, beton aralashmasining suv sarfini kamaytiradi.*

В данной работе описывается характеристика и свойства суперплатификаторов. В качестве добавки в бетон использован суперпластификатор Мегапласт JK-02. Выявлено, что применение суперплатификатора ускоряет раннюю и конечную прочность бетона, способствует экономию цемента, снижает водопотребность бетонной смеси.

This paper describes the characteristics and properties of superprecipitation. Superplasticizer Megaplast JK-02 was used as an additive in concrete. It is revealed that the use of superplatif accelerates the early and final strength of concrete, contributes to the saving of cement, reduces the water demand of the concrete mixture.

Ключевые слова*: суперпластификатор, цемент, бетонная смесь, бетон, прочность.*

Суперпластификакторы и сильнопластифирующие добавки отрытые в 30-ые годы прошлого столетия заняли особое место в модификации бетонных и растворных смесей, являясь расжижителями и высокоэффективными пласификаторами бетонных и растворных смесей, они позволяют при прочих равных условииях в несколько раз повысит подвижность смесей, не вызывая при этом снижение прочности бетона или раствора при сжатии. Пластифицирующий эффект определется также изменением воды, сольватных оболочных частиц новообразований цемента. При абсорбции ПАВ на поверхности твердой фазы количество воды сольватных оболочек уменьшается, а количество свободной воды возрастает. Это ведет к улучшению реологических характеристик смесей, но несколько раз замедляет процесс структурообразования и твердение цемента.

Суперпластификаторы представляют собой анион активные органические вещества коллоидного размера с большим количеством полярных групп в цепи. Эффективность суперпластификаторов зависит от структуры, наличия и вида функционально активных групп, их расположения в молекулах, длины и формы цепей молекулярной массы [1]. Добавка-расжижители, находясь в абсорбированном на зернах цементах и новообразованиях состоянии, создают «стерический» эффект отталкивания. Этот эффект, обусловленный формами цепей и характером зарядов на поверхности зерен цемента и гидратов, является причиной длительного сохранения жизнеспособности бетонных и растворных смесей [2]. Такое механическое действие суперпластификаторов в 3-4 раза повышает подвижность бетонной смеси.

По своей природе суперплатификаторы разделяют на 4 группы. Первый, сульфированные миламинoформоальдегидные смолы, второй - продукты конденсации нафталинсульфокислоты и формальдегида, третий - модифицированные (очищенные и практически не содержащие сахаров) лингосульфонаты, четвертый - добавки на основе поликарбокситов и некоторые другие [3] (см. табл. 1)

Действие суперплатификаторов ограничивается 2-3 часа с момента их введения и после первоначального замедления процессов гидратации и образования коаугуляционной структуры, наступает ускорение твердения бетона. Это объясняется тем, что абцорционный слой добавки на поверхности зерен цемента проницаем для воды, а дефлокулирующие действие ПАВ увеличивает поверхность контакта цемента и воды, что приводит к увеличению число гидратных новообразований [4].

Суперпластификаторы вводят в бетонные смеси в виде водных растворов рабочей или повышенной концентрации из расчета содержания добавки в пределах 0,7-1,5% массы цемента.

Таблица-1

Классификация суперплатификатора

Год открытия	Группа	Тип	Снижение водосодер-жание, %	Наименование
1960	I	Сульфомеламинформальдегид MSF	15-30	НИЛ-10, 10-03, Мелмент, Конпласт, Зикамент-ФФ
1932	II	Сульфонафталинформальдегид NSF	15-25	С-3, 40-03, Дофен, Майти, Кормикс, Кризо Флюид
1939	III	Модифицированные лингосульфонаты LS	5-15	ЛСТМ, ХДСК-1, Пластимент БВ40
1993	IV	Поликарбоксилат PA	20-30	Мелфлюкс 1641 Ф, Зика Вискокрит-20ШЕ
1997		Эфир поликарбоксилановый PAE	25-40	АДИУМ
1997		Сополимер акриловый CAE	25-40	Флюкс 1

В качестве суперпластификатора в нашей работе принято Мегапласт JK-02, разработанной компанией «Regal Globe Service», являющийся официальным дистрибьютером зарубежных компаний «Полипласт» и «Мегапласт», поставляющий на рынок химические добавки-суперпластификаторы с различными полифункциональными свойствами.

В лабораторных испытаниях использован сульфатостойкий цемент марки-400 Навойинского цементного завода, щебень диабазовый с крупностью 5-10 мм. Расход материала на 1 м^3 бетона приняты:

- бетон без добавок, цемент - 420 кг, щебень - 1000 кг, песок - 848 кг, вода - 210 л,

- бетон с добавками, цемент - 350 кг, щебень - 1000 кг, песок - 848 кг, вода - 165 л, добавка JK-02 - 3,5 кг (1% от массы цементы в сухом порошкообразном виде).

Образцы из бетона изготовлены с размерами 10х10х10 см и 15х15х15см. Прочность бетона определена на гидравлическом прессе в возрасте 7 и 28 дней.

Показатели прочности бетона, полученных в результате эксперимента, указаны в таблице-2.

Таблица-2

Показатели прочности бетона

№	Наименование показателей	Бетон без добавки	Бетон с добавками JK-02
1.	Прочность бетона на сжатие (мПа)		
	- после 7 дней	25,0	32,0
	- после 28 дней	30,0	40,0
2.	Осадка конуса (см)	8,0	9,0

При введении в состав бетона 1% от массы цемента суперплатификатора JK-02 расход цемента на 1 м^3 бетона снижается на 70 кг, расход воды уменьшается на 45 литров, а прочность бетона увеличивается с 30 до 40 мПа, т.е. на 33%.

Применение суперплатификатора ускоряет раннюю и конечную прочность бетона, способствует экономию цемента, снижает водопотребность бетонной смеси. Бетон с добавками суперпластификатора JK-02 рекомендуется применять в монолитных бетонных и железобетонных конструкциях, где требуется раннее снятие опалубок.

Список использованной литературы:

1. Батраков В.Г. Модифицированные бетоны. Теория и практика. Изд. 2-ое переработанное и дополненное. М.1998, 768 с.
2. Ушеров-Маршак А.В., Бабаевская Т.В. и другие. Методические аспекты современной технологии бетона / Бетон и железобетон/ 2002, № 1, 5-7с.
3. Технология бетона. Учебник (Баженев Ю.М.) М, Изд-ва АСВ, 2003 – 500.
4. Касторных Л.И. Добавки в бетоны и строительные растворы. Учебно-справочное пособие. 2-ое издание. Ростов-на-Дону, Феникс. 2007. 219 с.

УДК 625.75(075.8)

МОНОЛИТ ЦЕМЕНТБЕТОНЛИ ЙЎЛ ҚОПЛАМАЛАРИНИ ҚУРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Амиров Т.Ж, PhD, Тўхтаев М.Б, магистр, (ТАЙЛҚЭИ)

Мақолада монолит цементбетонли йўл қопламаларини қуришнинг долзарб масалаларига бағишланган тавсиялар келтирилган. Ушбу тавсиялар ўтказилган эксперементал тадқиқотлар ва мавжуд стандартлар талабларига асосланиб ишлаб чиқилган.

В статье приведены рекомендации по актуальней проблемы строительства дорожных одежд с монолитных цементобетонных покрытий. Этих рекомендации

разработано на основе проведенных экспериментальных исследования и требование действующих стандартов.

The article shows the recommendations on the actual problems construction of road clothes with monolithic cement – concrete pavements. These recommendations developed on the basis of the experimental research and the requirement of existing standards.

Автомобил йўлларини қуришда қуруқ-иссиқ иқлим шароити ўзига хос ёндошувни талаб қилади. Бундан ташқари, юқори унумли сирғалувчи қолипли бетонётқизгичда цементбетон қопламасини қуриш технологияси йўл тўшамаси конструкциясига муайян талабларни ҳам қўяди. Шунинг учун бу машиналар билан ишлаганда қурилишнинг технологик хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш керак. Юқоридагиларни эътиборга олиб, монолит цементбетон қопламаларини қурилаётган участкаларда ўтказилган эксперементал тадқиқотлар ва мавжуд стандартлар талаблари ҳамда амалиётчи мутахассисларнинг тажрибаларига асосланиб, қуйидаги долзарб масалалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди:

Цементбетон қопламаларнинг узоқ муддат давомида таъмирталаб ҳолатга келмасдан хизмат қилиши учун унинг мустаҳкамлик кўрсаткичларини яхшилаш чора тадбирларини кўриш лозим. Шунинг учун йўлбоп бетон таркибини танлашни эгилишдаги чўзилишга мустаҳкамлиги бўйича таркибини ҳисоблашдан бошлаш керак [1]. Чунки, ШНҚ 2.05.02-07 «Автомобиль йўллари» га асосан юқори тоифали йўл қопламалари учун ишлатиладиган бетонларнинг эгилишдаги чўзилишга мустаҳкамлиги бўйича синфи камида B_{tb} 4,0 бўлиши белгилаб қўйилган.

[2] бўйича бетонга қўйиладиган техник талаблар лойиҳа ёшида таъминланиши керак. Эгилишдаги чўзилишга мустаҳкамлиги бўйича синфи B_{tb} 4,0 бўлган бетон қоришмаларини тайёрлаш учун камида М500 маркали цемент ишлатилиши лозим бўлади. Агар лойиҳа ёши қурилиш объектининг ишчи чизмаларида кўрсатилмаган бўлса М500 ва ундан юқори маркали цементлар ишлатилганда бетонга бўлган техник талаблар 28 суткалик ёшида таъминланиши лозим. Республикамизда йўлбоп монолит цементбетон қопламаларини қуриш учун М500 маркали цемент ишлаб чиқарилмаслиги сабабли, ҳозирги кунда маҳаллий хомашёлар асосида тайёрланган сульфатга чидамли СЧПЦ-400-Д0 маркали цемент кенг кўламда ишлатилмоқда. Бу ҳолатда йўлбоп оғир бетоннинг лойиҳавий мустаҳкамлигини таркибидаги цемент миқдорини ошириш орқали таъминлаш муаммонинг оқилона ечими эмас. Чунки, Республикамизда июль ойида ўртача ҳаво ҳарорати текислик ҳудудларда: шимолда +26°С дан жанубда +30°С гача, максимал +47°С га етади. Бундай юқори мусбат ҳароратларда бетон қоришмаси қулай жойлашувчанлигини

ва таркибидаги сувни тез йўқотади ҳамда ўзидан иссиқликни кўп ва тез ажратади. Бу эса, цементбетон қопламаси юзасида ёриқларнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлади [1].

Юқоридаги муаммоларнинг мавжудлиги йўлбоп оғир бетонларнинг эгилишдаги чўзилишга мустаҳкамлигини аниқлаш учун лойиҳавий ёшни прогнозлаш масаласининг долзарблигини кўрсатмоқда.

Ўзбек миллий автомагистрали таркибига кирувчи А-380 «Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов» автомобиль йўлининг 440-490 км бўлагида “Қизилқум” цемент заводидан олинган сульфатга чидамли ССПЦ–400Д0 маркали портландцемент йўлбоп оғир бетон тайёрлашда ишлатилди. Ўтказилган кўп сонли синов натижалари статистик қайта ишланиб бетоннинг эгилишдаги чўзилишга мустаҳкамлиги (B_{tb}4,0) ни лойиҳавий ёшига бўлган боғлиқлиги аниқланди (1-расм).



1-расм. Бетоннинг эгилишдаги чўзилишга бўлган мустаҳкамлигининг лойиҳавий ёшига боғлиқлиги.

1-расмдаги графикдан кўринадики, B_{tb}4,0 синфли цементбетон тайёрлашда М400 маркали портландцемент ишлатилганда лойиҳавий ёшни 90-180 сутка оралиғида белгилаш мумкин. Йўл бетонининг лойиҳавий ёши 90-180 суткадан иборат бўлса, бажарилган ишларни қабул қилиш ва уларга тўловлар муддати чўзилиб кетади, булар эса жиддий салбий омиллардир. Бундай вазиятда қурилиш ишларини ўз вақтида молиялаштириш учун дастлабки даврда бетон мустаҳкамлигини тўплаш коэффициентини таркиб танлаш жараёнида олинган синов натижалари асосида қабул қилиш лозим.

Агар қопламада қотаётган бетон мустаҳкамлигига лойиҳада талаб қўйилган бўлса, қоплама қотадиган шароитда бетон мустаҳкамлиги баҳоланиб, назорат қилинади.

Қопламаларни бир вақтнинг ўзида икки қатлам қилиб ётқизиш учун “Wirtgen” фирмасининг юқори унумли йўл комплекти машиналари

ишлатилганда ҳаракатчанлиги кам бўлган бикр қоришмалардан фойдаланиш зарур. Бу ҳолатда қоришманинг қулай жойлашувчанлиги - конуснинг чўкиши билан эмас, балки қоришманинг консистенцияси (зичланиш коэффициенти) бўйича EN 12350.4-2000 да келтирилган услуб асосида аниқланиши ва 1,23-1,45 оралиғида бўлиши тавсия этилади.

Бикр (қаттиқ) бетон қоришмалари қопламаларни қуриш ишларининг технологиябоплигига ва ишлатилаётган цемент сарфини тежашга хизмат қилади. Масалан, ШНҚ 5.01.23-08 бўйича В30 синфдаги бетон учун М400 маркали цементни сарфлаш меъёри: П1 (ОК=1-4 см)=390 кг, П2 (ОК=5-9 см) =425 кг, П3 (ОК=10-15 см)=465 кг, бўлганда, яъни конуснинг чўкишига қараб цемент сарфидаги фарқ 75 кг бўлади.

Талабларига риоя қилиниши мажбурий бўлган меъёрий ҳужжатларга кўра асос ва бетон қоплама орасида ажратувчи қатламнинг бўлиши қатъий белгиланмаган. Аммо, [3] да йўл асоси қоплама плитаси билан бирлашиб кетмаслиги учун бирлашишни тўхтатадиган материал ётқизиш тавсия қилинган.

Соҳага оид техник адабиётларда ҳарорат ўзгарганда қопламадаги бетон плиталарнинг кенгайиши эҳтимолини таъминлаш, шунингдек, бетоннинг пастки қисмидан сувнинг эрта сўрилиб кетишига ва барвақт қуриб қолишига йўл қўймаслик учун ажратувчи қатлам қуриш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган.

МДҲ давлатларидаги тажрибалар ҳамда амалиётчи мутахассислар ва олимларнинг фикри бўйича Ўзбекистоннинг қуруқ ва иссиқ иқлим шароитларида бетон остида ажратувчи қатлам сифатида полиэтилен плёнкадан фойдаланиш қопламанинг сифатига жуда ёмон таъсир қилади. Чунки, полиэтилен плёнкага ётқизилган бетон қоришмасини титратиб зичлаганда цемент сутининг юзага чиқиб кетиш даражаси ортади, натижада чўкиш ёриқларининг ҳосил бўлиши кучаяди. Бундан ташқари, қопламанинг пастки қисмидан сувнинг тўлиқ изоляция қилиниши ва эркин адсорбцияланишининг чекланиши туфайли янги ётқизилган бетон қоришмаси қалинлиги нотекис қурийди. Бетон плитаси устки ва пастки қисмларининг ҳар хил даражада қизиши ва совуши натижасида қопламада қайишиш (коробления) деформациялари ҳосил бўлади.

Цементбетон тагига ётқизилган полиэтилен плёнка юзаси силлиқ бўлганлиги туфайли асос билан илишишга бутунлай йўл қўймайди ва ҳарорат таъсирида юзага келадиган кучланишларда плиталарнинг номақбул деформациялари ва сурилишлари учун қулай шароитлар яратади. Буни виражларда, бурилишларда ва кўндаланг қияликлари катта участкаларда яққол кузатиш мумкин бўлади.

Янги ётқизилган қоплама ва асос қатлами орасида полиэтилен плёнканинг таъсирида узоқ вақт ортиқча намланиш ҳолатлари кузатилади. Натижада, қоплама ва асос қатлами орасида “Иссиқхона эффекти” ҳосил бўлиб, қоплама қалинлиги бўйлаб ҳароратнинг ҳар хил бўлиши бетоннинг қотиш режимига салбий таъсир кўрсатади.

Хоразм ва Қорақалпоғистоннинг қумли чўлларидаги иқлим шароитларида монолит цементбетон қуриш амалиёти полиэтилен плёнкали ажратувчи қатламлардан воз кечишнинг мақсадга мувофиқлигини тасдиқлади. Чунки, сульфатга чидамли цемент билан мустаҳкамланган чақиқтош-қум аралашмасидан қурилган асос билан илашиш кучлари бетон плиталарнинг ҳаддан ташқари деформациясига йўл қўймайди.

Монолит цементбетон қопламали йўл тўшамасининг конструкциясини такомиллаштириш ва оптималлаштириш бўйича тавсия қилинаётган конструкция 2-расмда келтирилган.

Монолит цементбетон қопламали йўл тўшамасининг мавжуд намунавий тузилмаси



1-цементбетон қоплама; 2-полиэтилен плёнка; 3- цемент билан мустаҳкамланган чақиқтош-қум аралашмаси; 4- чақиқтош-қум аралашмаси

Монолит цементбетон қопламали йўл тўшамасининг тавсия этилган тузилмаси



1-цементбетон қоплама; 2- цемент билан мустаҳкамланган чақиқтош-қум аралашмаси; 3- чақиқтош-қум аралашмаси

2-расм. Монолит цементбетон қопламали йўл тўшамасининг конструкциялари.

Тавсия қилинаётган йўл тўшамаси конструкциясининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар:

1. Цементбетон қопламаси билан минерал боғловчилар асосида мустаҳкамланган ёки ишлов берилган асос ўртасига ажратувчи қатлам ётқизилмайди. Бунда қоплама тагидаги асос қатлами бетон плита учун бир текис ва ўзгармайдиган таянч бўлиб хизмат қилиши керак;

2. Қоплама билан асос бир-бирига яхши илашиши (қопламани пастдан “ушлаб туриши”) учун қоплама қалинлиги 24 см дан кам бўлмаслиги керак. Шунда у етарлича залворли бўлади ва сиқилиш (ложные) чоклар тез очилади.

3. Бу конструкцияда асос қатламида h/4 чуқурликда бетон плитасида кесилгандек узунликда чоклар кесилади (қотган бетон чокларини кесишда ишлатилиб бўлинган олмос дисклардан фойдаланилса ҳам бўлади). Бу чокларни кесиш бетон плиталарни ортиқча кучланишдан сақлайди ва асосда ҳар хил ёриқлар ҳосил бўлиш хавфининг олдини олади;

4. Янги ётқизилган бетон қоришмаси таркибидаги сувни шимиб олмаслиги ва остки қатлами тез қуриб қолмаслиги учун асос устига етарлича сув сепиб қоплама ётқизилиши кўзда тутилади.

Монолит цементбетон қопламали йўл тўшамасининг тавсия этилаётган конструкцияси ўз навбатида, цементбетон қопламасини кенгайиш чокларисиз қуриш учун ҳам хизмат қилади.

ШНҚ 2.05.02-07 “Автомобиль йўллари” да қопламанинг бўйлама барқарорлигини ошириш учун кенгайиш чокларини лойиҳалаш кўзда тутилган. Аммо, бу уларни ҳар доим ҳам қуриш шарт дегани эмас.

Монолит цементбетон қопламаларида кенгайиш чокларининг қурилиши қуйидаги салбий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин:

- чокларнинг сиқилиши ва иссиқ об-ҳаво таъсирида чоклардаги мастиканинг чиқиб қолиши натижасида чок чиқиндилар билан тўлади ҳамда чок қирралари транспорт воситаларининг ғилдираклари таъсирида синади. Бу ўз навбатида эксплуатация жараёнида кўплаб қийинчиликларни туғдиради.

- қурилаётган кенгайиш чокларига штирли бирикмаларни ўрнатиш қурилиш технологиясининг мураккаблашишига, қўлда бажариладиган ишларнинг кўпайишига ва бажарилаётган ишларнинг сифатининг пасайишига ҳам олиб келади.

Бундан ташқари, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, [3] га мувофиқ сирғалувчи қолипларда қопламаларни қуришда, агар қопламанинг қалинлиги 22 см ва ундан ортиқ бўлганда ва бетонлаш вақтида ҳароратлар оралиғи +10 ºС дан +25ºС гача ва ундан юқори бўлса кенгайиш чокларини қурмасликка рухсат этилади. Иссиқ кунларда ҳарорат кучланишлари максимал қийматга етганда кўндаланг чокларда плиталар кўтарилиб қолмаган ва қийишиш деформациялари бўлмаганлиги кузатилса, шу объектда кенгайиш чоклари керак эмаслиги амалда исботланади. Қабул қилинган ечимларнинг тўғрилиги амалиётда кўринади.

Кенгайиш чокларини йўқлигига қарамай, Пудратчи GP PAPENBURG BAUGESELLSCHAFT mbH (Германия) компанияси томонидан А-380 «Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов» автомобиль йўлининг 440-490 км ларида монолит цементбетон қоплама қурилган объектда 6-8 йил эксплуатация муддатларида бетон плиталарнинг ҳароратдан ортиқча кучланиш

белгилари йўқ, туташ плиталар кўтарилиб қолмаган, чоклар қийшаймаган ва синмаган.

Деформация чокларини қуришда уларни кесишнинг ўз вақтида ўтказилиши, чок ёриқларининг геометрик ўлчамларига риоя қилиниши, қирралар сифати, чокларни беркитувчи материаллар билан тўлдиришга тайёрлаш ва тўлдириш жараёни текширилиши керак.

Кўндаланг деформацион чокларнинг чуқурлиги қоплама қалинлигининг камида 1/4 қисмини, бўйлама чокларнинг чуқурлиги эса, қоплама қалинлигининг 1/3 қисмидан кам бўлмаслиги керак. Ўз навбатида, чокларни кесишнинг тавсия этилаётган вақти 1-жадвалга мос бўлиши керак.

1-жадвал

Чокларни кесиш вақти

Бетон қотадиган ўртача ҳаво ҳарорати, ^{0}С	Бетоннинг сиқилишга мустаҳкамлиги 8-10 МПа ни тўплаш вақти, соат
25-30	6-8
15-25	10-12
5-15	15-20
5	24-30

Юқоридаги тавсияларни цементбетон қопламали йўл тўшамаларини лойиҳалаш ва қуриш жараёнида ҳамда ушбу йўналишдаги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта ишлашда эътиборга олиш керак. Чунки, бу тавсиялар қуруқ-иссиқ иқлим шароитида маҳаллий йўл қурилиш материаллари асосида қурилган цементбетон қопламали йўл тўшамаларининг узоққа чидамлилигини таъминлаш учун хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Амиров Т. Ж. Автомобиль йўллари ва аэродромлар цементбетон қопламаларини қуриш. Ўқув қўлланма – Т.: “SANO STANDART”. 2017 й.-256 б.
2. ГОСТ 26633-2012 «Оғир ва майда заррали бетонлар. Техник шартлар».
3. МҚН 44-08 «Бикр йўл тўшамаларини лойиҳалаш бўйича йўриқнома».

УДК 666.943.3

ПОДБОР СОСТАВОВ БЕТОНА С ПОМОЩЬЮ МЕТОДОВ МАТЕМАТИЧЕСКОГО ПЛАНИРОВАНИЯ

Аубакирова Т.С., PhD доктор, доцент, Алдияров Ж.А., к.т.н., доцент, Сарсенбаев Н.Б., PhD доктор, Айменов А.Ж., PhD доктор, Сауганова Г.Р., маг. ест. наук

(Южно-Казахстанский государственный университет имени М.Ауезова, г.Шымкент, Казахстан)

Иккиламчи майдаланган тошни қайта ишлашнинг нархи ва сифати бино ёки иншоотларни бузиш усулига, майдалаш дастгоҳларининг турига, майдалашдан олдин материални саралашни ташкил қилишга ва бошқа баъзи таъсирини ҳисобга олиш қийин бўлган омилларга боғлиқдир.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, жадал суръатлар билан давом этаётган урбанизация жараёнида ҳар 30-35 йилда шаҳарларни реконструкция қилиш, айрим ҳудудларни бутунлай қайтадан қуриш талаб этилмоқда. Бундай вазиятда шаҳарларда тасаввур этиш қийин ҳажмларда улкан қурилиш чиқиндилари пайдо бўлади, уларнинг 45-50 фоизи ишлаб чиққан бетон ва темирбетон конструкциялар эканлигини назарда тутсак, масалани ҳал этиш нақадар долзарб ва иқтисодий самарадор эканлигини тасаввур этамиз.

Бу чиқиндиларни ажратиб саралаб, эксковаторлар катта бўлакларни гидравлик болғалар ёрдамида майдалаб ёки гидроқайчиларда кичикроқ бўлакларга бўлади. Ҳосил бўлган материалларни автосамосвалларга юклаб қурилиш чиқиндиларини қайта ишлаш корхонасига ёки махсус полигонларга жўнатиш лозим. Лекин, бу масалани ечишнинг қулай йўли ҳам бор, бунда чиқиндидан иккиламчи материал олишни бевосита қурилиш майдончасида амалга ошириш мумкин. Бунда рециклинг дастгоҳлари зарур бўлади. Бу дастгоҳларда темирбетон конструкциялари чиқиндилари, бетон ва ғишт бўлаклари майдаланиб, турли фракциялардаги шағал олиш имконияти туғилади (1-жадвал).

1-жадвал

Иккиламчи шағалнинг донадорлик таркиби бўйича асосий хоссалари

Хоссалари	Донадорлиги, мм			
	5-10	5-20	10-20	20-40
Ҳақиқий зичлиги, г/см3	2,52	2,53	2,55	2,53
Ўртача зичлиги, г/см3	2,13	2,16	2,21	2,26
Тўкма зичлиги, т/м3	1,34	1,32	1,33	1,36
Ғовакдорлиги, %	1548	14,62	13,33	10,67
Бўшлиқлари	37,1	38,89	39,82	39,82
Сув шимувчанлиги,%	7,9	5,8	3,7	2,5
Намлиги, %	3,5	3,5	3,6	3,6

Бу усулдаги қайта ишлашда ҳосил бўладиган иккиламчи шағаллар амалда қурилиш жараёнларида ишлатиладиган шағалдан донадорлик таркиби ва хоссалари бўйича катта фарқ қилмайди (2-жадвал), бу жиҳатлар улардан йўл қурилиши ва шаҳар ҳудудларини ободонлаштириш амалиётида самарали фойдаланиш имкоятини беради.

2-жадвал

Иккиламчи шағал асосий хоссаларининг амалдаги стандарт шағалларга нисбатан қиёсий таҳлили

Таркибий қисмлар ва хоссалар	Шағал таркибидаги хомашё улуши, %			
	Зич тузилишдаги тоғ жинслари чақиқтоши (шағал)	Ғовак тузилишдаги тоғ жинслари чақиқтоши	Перлитсимон кўпчиган шағал	Иккиламчи шағал
Асос учун олинган стандартлар	8267-93	22263-76	10832-91	-
Ўртача зичлиги, г/см3	2,65	2	2,05	2,13
Майдаланиш бўйича маркаси	1000	400	400	400
Таркибдаги пластик ва илсимон шаклдаги зарралар, %	9,4	30	25,5	40
Таркибдаги чангсимон ва лойсимон қисмлар, %	0,4	2,7	2,5	2,5
Совуқбардошлик, цикллар сони	20	15	25	25
Сув шимувчанлиги, %	4	9,45	7,5	7,9

Майдалаш – саралаш агрегати дизелли двигателли ва магнитли саралагич билан жиҳозланган, бу ўз навбатида темибетон таркибидаги темирни ажратиб бериш хусусиятига эга. Темирбетон конструкцияларни механик қайта ишлаш натижасида иккиламчи шағал - 87% ни; қолдиқлар – 10% ни, темир эса 3 % дан ортиқроқ миқдорни ташкил этади [2,3]. Юқоридагиларга асосланиб шуни таъкидлаш жоизки, иккиламчи шағал

сифати бўйича бирламчи шағал билан бемалол беллаша олади. Иккиламчи шағалдан вақтинчалик йўллар учун, хандақлар учун тўшамалар, ҳаттоки пойдевор остига ёки оғир қурилиш техникаси остига тўшама сифатида фойдаланиш мумкин, мазкур маҳсулот бевосита қурилиш майдонида ишлаб чиқилгани учун транспорт ва сақлаш ҳаражатларига эҳтиёж бўлмайди.

Бетон ва темирбетон конструкциялари асосидаги қурилиш чиқиндиларидан иккиламчи хомашё сифатида фойдаланиш учун муайян илмий тадқиқотлар ўтказиш, илмий асосда чиқиндиларни мустаҳкамлик хоссалари бўйича таснифлаш, улардан фойдаланиш йўналишлари ва кўламларини белгилаш заруратга айланди [4]. Фарғона политехника институтида бу борада ишлаб чиқилган илмий тадқиқотлар дастури амалиётга жорий этилмоқда. Дастур доирасида бетон ва темирбетон конструкцияларнинг чиқиндилари асосида тайёрланадиган бетон ва темирбетон эгилувчи ҳамда сиқилувчи конструкциялар, донадор бутловчи буюм ва материалларнинг сиқилиш ва чўзилишдаги мустаҳкамлик, деформацияланиш кўрсаткичлари ўрганилмоқда. Ишлаб чиққан бетондан олинадиган тўлдирувчиларнинг донадорлик ўлчамларини тайёрланадиган буюм ва конструкцияларнинг функционал вазифасидан келиб чиқиб, оптималлаштириш масаласи ўрганилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Баженов Ю.М. Способ определения составов бетонов различных видов, М.: Стройиздат, 1975. 268 с.

2. Кикава О.Ш., Соломин И.А. Переработка строительных отходов, М.: Сигнал, 2000. 84 с.

3. Кривенко П.В. и др. Строительное материаловедение. Киев: “Основа”. 2007. 698 с.

4. Самигов Н.А. “Бино ва иншоотларни таъмирлаш материалшунослиги” Дарслик. Тошкент, 2011.399 бет.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

арх.ф.д., проф. Салимов О.М., к.ўқит. Исаков С.С., асс. Турсунова Д. Р.
(ТАҚИ), (ФарПИ)

“Давлат томонидан муҳофаза қилинади”. Бу мағрур, маҳобатли ёзув кўп тарихий биноларда кўзга ташланади. Ўз моҳияти бўйича - мағрур, чунки тарих ва меъморчилик ёдгорликлари - бу, ўзбек халқининг ғурури, шакли бўйича - маҳобатли, чунки кўпинча бундай ёзув ўз кўриниши биланоқ ҳурмат уйғотувчи мармар плитада бўлади. Аммо бу каби тахтача осиб қўйилган ёдгорликнинг кўриниши ҳурмат уйғотадими? Деярли кўп тарихий ёдгорликлар бугунги кунда вайрон бўляпти. Бу, асосан, икки қарама-қарши сабаб бўйича рўй бермоқда: эгасизлигидан ва ёдгорликда қандай бўлса, унинг атроф-муҳитида ҳам худди шундай нўноқ хўжайинлик қилишдан.

Меъморий ёдгорлик ўз хўжайинига эга бўлмаса ва маданий, сайёҳлик ёки амалий мақсадларда (муассаса, идора ва бошқалар учун) фойдаланилмаса, жуда тез эскиришини ҳаёт кўрсатиб турибди. Фойдаланиш ёки ижарачилик жуда оддий муаммо эмас. Энг аввало, тарихий бинони ижарага олган одам, ёдгорликнинг вақтинчалик эгаси унга қарашга, шунингдек, зарур бўлганда унинг таъмирига замонавий бино қурилишига керак бўладиган кўпроқ маблағ ажратиши керак. Дарвоқе, меъморий ёдгорликни у фақат таъмирдан сўнг олади. Иккинчидан, меъморчилик ёдгорликлари ижараси унинг муҳофазаси бўйича қатор тадбирларни ўз ичига олади. Масалан, ёдгорликда ички қайта қуришлар ва ташқи туташ бинолар қуриш, унинг ташқи атроф ҳудудини ўзгартириш ман қилинади. Бу эса ҳаммани ҳам қониқтиравермайди. Шундай қилиб, меъморчилик ёдгорлигига доимий парвариш ва назорат зарур. Агар тарихий бино - ёдгорликдан фойдаланувчи эҳтиёткор бўлмаса, ундан ҳам ёмон.

Маълумки, меъморий ёдгорликларни сақлаш-меъморларнинг комплекс шаҳарсозлик фаолиятининг муҳим элементи. Ахир ёдгорликларнинг ижара қоидалари мавжуд. Қонунга мувофиқ, меъморий ёдгорликларга зарар етказиш ёки уни вайрон қилиш жиноий жазо фаолияти сифатида баҳоланади. Ўзбекистонда нега шу кунгача ҳеч ким жавобгарликка тортилмаган? Маълум бўлишича, буни бажариш осон иш

эмас, негаки бу қонун мувофиқ қонуний ҳужжатлар ва қўлланмалар билан мустаҳкамланмаган. Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш органлари бугун беҳафсала ижарачиларга нисбатан бирор чора қўллаш ҳуқуқига ҳам эга эмаслар. Хатто жарима ҳам сололмайдилар. Буни фақат турар- жой бўлмаган бино ва хоналар билан шуғулланувчи шаҳар ва туман меъморий инспекциялари ҳал қила оладилар. Тарихий бинодаги меъморий детал бўлагини бу инспекциядаги кўп ишчилар оддий уйдаги шу каби деталнинг зарарланиши билан бир хил баҳолайдилар. Шундан ҳафсаласизлик, бутунлай жазо чораси кўрилмаслиги келиб чиқади. Натижада муҳокама қилинаётган муаммо ечими ҳал қилинмай қолаверади.

Ўзбекистон тарихий мажмуалари ва ёдгорликларининг ўзига хослиги-фақатгина мамлакатимиз маданий мероси эмас, бутун дунё тараққиётининг мулкидир. Фарғона вилоятининг қадимий шаҳарлари, айниқса Қўқон, Марғилон, Риштон ўтган даврлар меъморчилиги чўққисини ўзида жам қилган, унинг ҳунармандчилик буюмлари эса Водийга келган барча сайёҳларни ўзига маҳлиё қилиб қўядиган гўзаллигидан баҳраманд бўлиш имконини бермоқда.

Мустақиллик қарор топиши билан Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати бўлиб турган бу масалага алоҳида эътибор кучайди. Давлат Конституциясида ёдгорликларни сақлаш ғояси мустаҳкамланган ва уларнинг фан, маданият, халқ таълими ривожидаги аҳамияти белгиланган.

Ўзбекистон республикаси ривожининг янги ижтимоий-иқтисодий шароитлари, унинг маданиятига бўлган халқаро қизиқишининг ўсиб бориши қуйидаги асосий йўналишлар бўйича илмий-амалий тадқиқотлар заруриятини юзага келтирмоқда, бунинг учун:

- Республикада тарихий шаҳар марказларини қайта тиклаш ва меъморий ёдгорликларни таъмирлаш бўйича ёш кадрларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;
- меъморий ёдгорликларни таъмирловчи усталарни тайёрлаш;
- тарихий шаҳарларда муҳофаза зонаси, қурилишларни тартибга солиш ҳудуди ва меъморчилик ёдгорликларини идрок қилишни шаҳарсозлик жиҳатидан ташкил қилиш;
- меъморий ёдгорликлардан янги вазифаларни инобатга олган ҳолда замонавий эҳтиёжлар учун оқилона фойдаланиш;
- тарихий шаҳарлар дахлсиз зоналарида туризм ва хизмат кўрсатиш марказларини ташкил қилиш керак.

Ўзбекистон - дунё меъморчилигига санъат ва меъморчиликнинг ажойиб намуналарини берган туризмнинг барча шакллари ривожи учун қулай шароитларга эга бўлган қадимги маданият давлатидир.

Меъморчилик ёдгорликларини тадқиқ қилиш ва уларни фойдаланишга мослаштиришнинг маълум услубларига мувофиқ, Ўзбекистон меъморчилиги ёдгорликларининг маданий ва тарихий-меъморий қийматини инобатга олиб, тарихий меросдан фойдаланишнинг энг муҳим қоидалари тузилган:

- биноларни максимал сақлаш;
- иншоот янги вазифасини тарихан шаклланган вазифасига яқинлаштириш;
- бино ва томошабиннинг бевосита мулоқоти учун муҳит яратиш;
- халқ меъморчилиги анъаналарининг изчиллиги.

Айтиб ўтилганидек, энг аввало алоҳида бинолар ва меъморий мажмуалардан фойдаланиш хусусиятини аниқлаш зарур - улар музей ёки меъморий экспонат сифатида фаолият кўрсатадими, ёки уларни маданий-маърифий, туристик ва шу каби мақсадлар учун мослаштириш мумкин.

Фарғона водийси бинолари, айниқса Қўқонда безакнинг юқори маданияти, энг аввало шифтга ишланган безакларнинг бойлиги ва ранг-баранглиги билан ажралиб турган. Тез-тез қайта қуришлар вақтида уйлар ўз қиёфасини ўзгартирган. Шунинг учун бу шаҳарда иккита эски турар жой биносини топишни катта омад деб ҳисоблаш мумкин.

Қувада 1899 йилда қурилган Зайниддинбой уйининг бир қисми сақланиб қолган. Қурилиш режаси ва хом ғиштдан қурилган девору, шифтнинг бой безаги қизиқиш уйғотади. Унинг шифт тўсинларида қизил фонда мураккаб бўлмаган ўсимликсимон нақш ишланган. План ҳар бир девор ўқлари бўйлаб симметрик. Эшик тепасида тобадон (шийпон) анча кейинги ишланган кўринишида сақланган. Бино, чамаси, ёзги шаҳар ташқарисидаги уй сифатида хизмат қилган: боғни ўраб турган лойли тўсиқ деворлари, ҳовуз сақланган. Ўтмишда Фарғона водийсида шунга ўхшаш дача-шаҳар ташқарисидаги биноларнинг мавжуд бўлганлиги маълум, аммо улардан фақат биттасигина сақланиб қолган.

Масжидлар безаги катта бадиий қийматга эга. Марғилондаги ҳонақоҳ (1790 й) ўймакор рангли шифти қадимги маҳаллий услуб қирраларини намоён қилади. Қўқондаги XVIII аср охирига тегишли масжид айвонининг шифти бошқача услубда бажарилган, унда турли рангдаги нақшнинг асосий чизиқлари олтин рангида чизиб чиқилган. Ҳозирги вақтда жоме масжиди Фарғона вилояти халқининг тарихий ўтмиши, халқ меъморчилиги элементлари, амалий санъати, кундалик турмуш предметларини намойиш қилиш учун, Ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари кўчма кўргазмалари учун фойдаланилади. Бу масжид ёзги ва ички хоналаридаги экспозиция вариантларидан биридир. Ички хонада деворий

ёритиш, шунингдек витриналарга ўрнатилган экспозицияларни бевосита ёритиш кўзда тутилган. Фарғона водийсининг кўп масжидлари бой ва ранг-баранг деворий безакларга эга бўлган, ҳозирги кунда барча йўқолган безак элементлари тикланган ва таъмирланган.

Фарғона водийсининг текис томли меъморчилиги Ўзбекистоннинг йирик маданият марказларининг маҳобатли меъморчилиги қирраларини ўзида акс эттирган. Бу жоме (жума) масжидлари композициясида ўз ифодасини топган. XVI асрга келиб қурбон ҳайит ва фитр байрамларида жамоа намозлари учун масжид-намозгоҳларнинг маълум турлари шаклланди. Халқнинг катта оқими учун мўлжалланган намозгоҳлар шаҳар ташқарисида қурилган ва у кенг ҳовлининг ғарб томонида қатор тизилган равоқлар кўринишини ташкил қилади; равоқлар бино марказий ўқида жойлашган гумбазли зал билан узилади.

Фарғона водийсининг жума масжидлари устун-тўсинли конструкцияси системаси намозгоҳ композициясини такрорлайди: устунларга таянган гумбазли равоқлар тўсинли лой томни кўтарувчи ёғоч устунлар билан алмаштирилган, бинода текис томли ёпиқ хона ажралиб туради. Масжидларнинг бундай тури, чамаси, XIX асрларга келиб шаклланди ва Андижондан Қўқонгача кенг тарқалди. Уларда бино ўқи бўйлаб жойлашган меҳроб устунларнинг ўрта қатори билан устма-уст тушсада, нефларнинг жуфт сони устунлик қилади. Маҳобатли намозгоҳларнинг аксинча, фарғоначa галереяли масжидларнинг ёпиқ зали фасади доим устунли пешайвон билан тўсилган. Айвоннинг бу қисми тантанавор шаклга эга: салгина кўтарилган шифт бой ва ранг-баранг орнамент фигурали шифт-плафонлар кўринишини олади, ўртада кайвон, тарз устунлари тепаси эса серҳашам капитель билан тугалланган.

Маҳобатли меъморчиликка хос усулларни қайта тиклаш безак соҳасида ҳам қўлланилади. Шифт безагида рельефли орнамент кенг қўлланилган, унда нақшнинг асосий чизиқлари қуюқ оқ масса билан – чамаси, тозаланган ганчнинг (маҳаллий алебастр) махсус қоришмаси билан юргизиб чиқилган, кейин ҳал билан қопланган. Бу темурийлар даври Самарқанд қурилишларига шуҳрат келтирган “кундаль” рельефли орнаментининг ўзига хос эквиваленти. Айнан шундай зарҳалланган нақш Марғилон масжиди ва Қува турар жойи шифт карнизларини безайди. Бу бинолар орнаменти ноёб.

Афсуски, собиқ совет даврида Марғилоннинг кўп ёдгорликлари омборхона ва ишлаб чиқариш хоналари учун фойдаланилган. Жума (XVIII аср охири) ва Думба Жуш (XX аср боши) масжидларида шаҳар савдо омборхонаси жойлаштирилган эди. Ширмонпаз (XIX аср) масжидида

горпромкомбинат тикув цехи, Жар масжидида (1868 й) кўрлар жамияти тўқув цехи, бунинг устига айвон деворлари, устунлари ва шифти станоклар ва антресоллар билан бузилган. Қозиён масжидида (ХХ аср боши) “автошкола” жойлашган эди, ўймакор орнаментли деворга ўқув жадваллари ва эълонлар доскалари осилган. Хўжа Илгиз масжидида (XVIII аср) профилактик дезинфекция бўлими бўлган. Саид Аҳмад Хўжа масжиди (XVIII аср) шифтларнинг ажойиб нақшинкор кўриниши билан турар жой биноси сифатида фойдаланилади. Чорвоқ қишлоғидаги жума масжидининг (1903 й) қишки хонаси колхоз склади учун фойдаланилган.

Ҳанузгача меъморчилик ёдгорликларининг кўпи муҳофазага олинмаган, масалан, **Пахтаобод** қишлоғидаги Подшо Пирим мақбараси. Натижада ёдгорлик ўзбошимчалик билан ремонт қилинган ва унинг қиёфаси бузилган- ички равоқлар ёпиб ташланган, қўпол сувоқ фасадларнинг ғишт тахлами ва гумбаз қиррасини беркитиб қўйган. Бувайда мақбарасида (ўша районда) ҳам худди шундай ҳолат бўлганди, пештоқ равоғи тўсиғи қурилиш вақти ёзилган жойни беркитиб қўйган. Эски бинолар кўпинча турли хилдаги омборхоналар учун фойдаланилган. Намангандаги Хўжамни Қабри мақбараси ҳеч қандай идишсиз қалин қилиб тўкиб қўйиладиган тузни сақлаш жойи сифатида хизмат қилган. Натижада девор сувоғи қавариб тўкила бошлаган. Хиванинг жоме масжиди бир неча йиллар пахта билан тўлиб турган, бу эса ёнғинга олиб келган. Нам иссиқ тола XI-XII асрлар ўймакор устунларига зарар етказган. 50-60 йилларга тегишли бу икки ҳолат ёдгорликларни сақлаш амалиётида жуда зарарли. Маданият ёдгорликларида зарарли ҳашаротларни жалб қиладиган дон ва бошқа маҳсулотларни сақлаш ҳам нотўғри.

Халқ усталарининг кўп асарлари йўқотилган, чунки республика музейлари ҳам, вилоят музейлари ҳам вайрон бўлаётган бинолар деталларини йиғишмайди. Шифт, девор панно бўлаклари, устунлар қисмлари ва ўймакор эшикларни сақлаш ва экспозиция қилиб қўйиш зарур. Йилдан-йилга Ўзбекистон тарихий шаҳарларига келувчи сайёҳ ва экскурсиячиларнинг оқими ошиб боряпти. Уларни республика бадиий маданияти билан таништириш учун маданият ёдгорликларини қониқарли экспозиция ҳолатига келтириш зарур. Ҳар бир жамият меросга нисбатан ўз қараши ва ўз муносабатига эга.

Ўзбекистонда ўтмиш бадиий ёдгорликларига шундай ёндошув шаклландики, бир томондан у, тарихий материализм принципларига таянади, бошқа томондан инсоният яратган яхши нарсаларни узвий мужассамлантириш заруриятидан келиб чиқади. Меросга нисбатан фаол муносабат, ўтмишни ҳозирги маданий қурилишга жалб қилиш унинг

муҳим хусусиятларини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, тарихий маданиятнинг шаклланиш жараёни, ривожланиши, ўтмиш босқичлари ютуқларини ўчириб ташламайди, инкор қилмайди, аксинча, халқ маданиятидаги бутун қимматли жиҳатларнинг кейинги чуқурлашуви ва мукаммаллашуви заруриятидан келиб чиқади. Бу маданият қанчалик муҳим ва ўзига хос бўлса, у тарихни дурдона асарлар билан шунчалик бойитади, унинг шунчалик кўп ёдгорликлари дунё тарихий ва бадиий тажрибаси хазинасига киради.

Бу мураккаб муаммолар фақат замонавий фан даражасида, бу соҳада тўпланганларни кенг миқёсда бойитиш орқалигина ҳал этилади. Кейинги йилларда тарихий-маданий меросни ўрганишга ва айниқса, ундан фойдаланиш масалаларига қизиқиш жуда ўсди. Халқаро илмий конференциялар ва симпозиумлар, чоп этилаётган кўп сонли мақола ва бошқа материаллар бу ҳақда гувоҳлик беради. Муаммонинг методолик жиҳатлари алоҳида қизиқиш уйғотади, чунки охирги вақтларгача ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда катта қийинчиликлар билан бартараф этиладиган жиддий камчиликлар бор эди. Меъморчилик ёдгорликларидан замонавий фойдаланиш характерини аниқлашда ҳамма ҳолларда ҳам қўл келадиган ягона қоида мавжуд эмас. Қулай ечимни асослаш учун аниқ далил ва ҳолат умумийлигига дифференцияловчи ёндошув зарур. Услубларни ишлаб чиқиш, бу ечимга таъсир этувчи тадқиқотлар, турли омиллар улкан амалий аҳамиятга эга.

Аммо ёдгорликларни фақат топиш ва ўрганиш эмас, уларга шундай шароит яратиш керакки, бунда уларнинг сақланиб қолиши замонавий жамият ҳаётида, маданий-маърифий ишда, халқнинг, айниқса келажак ёшларимиз учун ғоявий-ахлоқий, эстетик, маданий ва руҳий тарбиясида максимал фойдаланилиши лозим.

Шундай қилиб, ўтказилган илмий-амалий тадқиқот натижасида қуйидагилар белгиланди: меъморий ёдгорликларни сақлаш, қайта тиклаш, таъмирлаш ва замонавий вазифалар учун фойдаланиш муаммоларини ҳал қилишда асосий моҳият меъморий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

УДК 564.48.01

ФОСФОР ЧИҚИНДИСИ АСОСИДА ЁҒОЧНИ ОЛОВБАРДОШЛИЛИГИНИ ОШИРИШ

Қосимов Э.У. т.ф.д., профессор, Абдуқодиров Ф.Б. магистрант (ТАҚИ)

Мақолада ёғоч қурилиш конструкциялари учун кимё саноати чиқиндилари асосида янги оловбардош таркибларни олишнинг имкониятлари ўрганилган. Экспериментал тадқиқотлар асосида олинган янги оловбардош таркибларни амалиётда қўллаш сохалари аниқланган.

Калит сўзлар: *антипирен, чиқинди, ташланма, оловдан химоя, экология.*

В статье рассмотрены некоторые возможности создания новых огнезащитных составов из отходов химической промышленности для деревянних строительных конструкции. Выявлены области практического применения разработанных полимерных огнезащитных составов.

Ключевые слова*: антипирен, отход, выброс, огнезащита, экология.*

Over the years, systematic research has been conducted on the development of new affordable, cheap and environmentally friendly high molecular weight flame retardants based on local raw materials and secondary materials, waste. Since, the use of high molecular weight flame retardants could eliminate many technological and economic disadvantages.

Key words*: flame retardant, waste, emission, fire protection, ecology*

Республикамизда ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари ёнғин хавфсизлигини таъминлашга, шу жумладан ёнғин хавфсизлиги талабларини бажаришга доир конун ва конун ости хужжатлари кабул килиниб, улар асосида катта амалий ишлар амалга оширилмокда. Ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ, шунингдек ёнғинларга қарши курашиш тажрибаси, моддалар, ашёлар, технологик жараёнлар, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар, бинолар ва иншоотларнинг ёнғин хавфлилигига баҳо бериш асосида ишлаб чиқилади.

Узоқ йиллар давомида республикамиз ва чет эл олимлари томонидан яратилган ва тадқиқ қилинаётган ўтдан химоя воситалари ва антипиренларнинг амалий хоссалари тўлиқ ўрганилган, уларнинг роли ва ахамияти асослаб берилган. Сабаби бугунги кунда ашёларнинг конструктив хоссаларини ўзгартирмайдиган ёнишини пасайтирадиган кўпгина моддалар яратилгандир. Бироқ бу моддалар сийрак молекулали

таркибга эга бўлиб, уларга миграция, сувда эриш, буғланиш, полимер боғловчи билан номутаносиблиги, захарлилиги, қимматлиги ва бошқа салбий хусусиятлар хосдир. Келтирилган салбий холатларни бартараф этишнинг бирдан бир йўли бу полимер табиатга хос бўлган антипиренларни қўллашдир. Бундай хусусиятни фақатгина таркибида фосфор, азот функционал гурухларини ушлаган полимерларгина намоён этади [3].

Бу йўналишда эришилган ютуқларга қарамай, ёғочнинг ёниш муаммоси хал этилди деб бўлмайди, сабаби саноатда қўлланиладиган ўтга чидамли таркиблар атмосфера таъсирига чидамсиз, шунингдек уларни республикамизнинг иссиқ, қуруқ иқлим шароитларида қўллаб бўлмайди. Бундан ташқари ўтдан химоя қилувчи замонавий таркиблар жуда қиммат, уларни узоқ вақт сақлаб бўлмайди.

Изланишнинг долзарблиги буларни республикамизнинг махаллий хом ашё ресурслари ва кимё саноати чиқиндилари асосида чет элдан катта харажатлар хисобига келтириладиган антипиренлар ўрнини босувчи ўтдан химояловчи таркибларни ишлаб чиқариш, шунинг билан саноат чиқиндиларини утилизация қилиб, бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфини камайтириб, ахолининг хаёт фаолиятини ва яшаш шароитларини яхшилашдир.



1-расм. Мономер ва фосфор кислотаси билан поликонденсация жараёнида ҳосил бўлган антипиреннинг сувли эритмасини ёғочга шимилишини ўрганиш: 40°С (3), 50°С (2), 60°С (1).

Шу асосда, биз «Навоиазот» ОАЖ чиқиндиси асосида олинган фосфорит кислотаси ва галоид ушлаган мономерлар билан олинган полимер антипиренини ёғоч қурилиш ашёларининг ёнишни пасайтириш механизмини ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб олдик. Бунда фосфорит кислотасини мономер билан поликонденсация жараёнининг боришини кислоталик гуруҳларни потенциометрик титрлаш орқали олиб

бордик. Қовушқоқликнинг ўзгариши, фосфор кислотасининг ажралиши поликонденсациянинг тўғридан-тўғри натижаси эканлигини ҳисобга олган ҳолда, бу икки фактнинг ўзгариши поликондинсация жараёнининг тезлигини аниқлашга имкон берди. Олинган натижаларга кўра, фосфорит кислотаси ва сувнинг сополиконденсацияси натижасида ажралиб чиқаётган фосфор кислотасининг миқдори реакциянинг давомийлигига қараб S-кўринишга эга экан (1-расм).

Тадқиқ этилаётган реакция иккинчи тартибли кинетик тенглама билан аниқланди, шундай қилиб реакция тезлиги фосфорит кислотаси ва мономернинг биринчи даражали консентрациясига пропорционал экан. 1–расмда сув ва ФК билан поликонденсация жараёнида ҳосил бўлган антипиреннинг сувли эритмасини ёғочга шимилишини: 40ºС (3), 50 ºС (2), 60 ºС (1) ҳароратда ўргандик. Бу изланиш шуни кўрсатдики, ҳароратнинг ортиши билан, ёғоч ашёга ўтга чидамли таркибнинг шимилиши ортиб борар экан. Шундай қилиб, олиб борилган экспериментал тадқиқотлар натижасида «Навоиазот» ОАЖ чиқиндиси асосида олинган фосфорит кислотасининг мономер билан поликонденсацияси қонуниятлари ўрганилди, реакция фаолланиш энергияси, термодинамик параметрлари ва эркин холатда борадиган сополиконденсация жараёнининг бошқа параметрлари аниқланди.

Тадқиқотларнинг кейинги босқичида синтез қилинган фосфорли полимерларнинг ўтдан химоя қилиш хусусиятлари ўрганилди. Маълумки, химоя қилинаётган конструкциянинг сифати ва хизмат муддати, уларнинг эксплуатация қилиниши шароитларига боғлиқдир. Шу сабабли, ўтдан химоя қилувчи таркибни яратишда, уларнинг паст ва юқори хароратга, намлик, зарарли газ ва буғлар, шунингдек атмосфера таъсирига чидамлилигини ўргандик. Олиб борилган изланишлар шуни кўрсатдики, сув ва фосфорит кислотаси асосида синтез қилинган ўтдан химоя қилувчи таркиб, паст ва юқори харорат таъсирига узоқ вақт мобайнида чидамли, хидсиз ва токсик хусусиятга эга эмаслиги аниқланди.

Ишлаб чиқарилган ўтдан химоя қилувчи таркибнинг аланга таъсирига чидамлигини “Алангали қувур” усулида ўргандик [4]. Бу усулнинг авзаллиги, ўтдан химоя қилувчи таркиб билан ишлов берилган ёғоч намуналарининг иссиқликни аккумуляцияси билан борадиган ёниш синовларида оғирлигининг йўқолишини аниқлашга асослангандир. Тадқиқотнинг натижаси сифатида камида 10 марта олиб борилган амалий тажрибаларнинг ўртача яхлитланган қиймати олинди. Синалган таркибнинг шу усул билан аниқланган кўрсаткичига қараб, уларнинг ўтдан химоя қилиш гурухи ва тоифаси аниқланди.

Олиб борилган ёниш синовлари шуни кўрсатдики, ёниш натижасида намунанинг йўқотган массаси 9% дан ошмас экан. Олинган натижаларга кўра ёниш натижасида хосил бўлаётган тутунли газларнинг харорати 50°С дан ошмайди, намунанинг мустақил ёниш вақти 5-6 сониядан ортмайди, намунанинг куйиш катталиги 2-3 см., оғирлиги бўйича шикастланиш даражаси 10-12% ни ташкил этар экан. Олинган экспериментал натижаларга кўра, ўтдан химоя қилувчи таркиб билан ишлов берилган ёғоч намуналарини кийин алангаланувчи гурухига тегишли деб хисобласа бўлади. Эксперимент давомида биз целлюлоза қоғоз ва лок-бўёқ аларини хам ўтга чидамлилигини ошириш бўйича тадқиқотларни олиб бордик.

Сабаби улар қурилиш конструкцияларининг сиртқи қисмини ёнғиндан сақлашда мухим восита хисобланади. Қарағай ёғочидан олинган қурилиш ашёларини устида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, полимер антипирени билан ишлов берилган ёғоч ашёлари 5 марта сувда бўктирилганда хам ўз хусусиятини йўқотмас экан (1-жадвал). Полимер табиатли ўтдан химоя қилувчи таркибнинг хароратлардаги ўзгарувчанлигини, В.А.Каргин томонидан ишлаб чиқилган термо-механик тахлил усулида аниқлаш яхши самара беради. Бу усулга биноан, берилган оғирликда хароратнинг ортиши билан намуна деформациясининг ўзгаришини аниқладик. Бунда асосий кўрсаткич қилиб, полимернинг таркиби, тузилиши олинди. Тадқиқот натижасида, ўтдан химоя қилувчи таркибнинг биринчи босқичда, ёғоч толасини пластификация қилиши, ёғоч толаси қаршилигини камайтириши ва термик ўзгариш натижасида пластификатор хусусиятини йўқотиши аниқланди.

1- жадвал.

Ишлов берилган қарағай ёғоч ашёларининг термик хоссалари.

Намуна	Антипи-рен миқдори, %	Парчаланиш бошланиши харорати,Т,К.	Интенсив парчаланиш, Харорати Т,К	Кокс қолдиқ миқдори, %	КИ, %
Сув таъсиригача					
ёғоч	0	473	500	0	18,0
	НА-2,0	488	509	11	22,2
	ПА-0,5	493	510	13	20,6
	ПА-1,0	493	513	16	24,2
5 марта сувга бўктиргандан сўнг					
ёғоч	0	471	498	0	17,8
	НА-2,0	468	468	9	18,2
	ПА-0,5	490	508	12	20,1
	ПА-1,0	490	510	14	23,6

Изох: НА-қуйи молекулали антипирен (трикрезилфосфат), ПА-полимер антипирен

Модификацияланган ёғоч толаси эртароқ юмшайди, ўтиш жараёнининг кенглиги, намунанинг кўп компонентлардан иборат эканлигига боғлиқ. Юқори харорат қийматидаги ёйилган 2 эгри чизиқнинг (1-расм) характери, ўтдан химоя қилувчи таркибнинг ўзгариши ва уни ёғоч компонентлари билан ўзаро таъсирлашишидан далолат беради. Тадқиқотларда ўтдан химоя қилувчи таркибнинг ёғоч компонентлари билан ўзаро таъсирлашишидан аниқлаш устида изланиш олиб бордик. Юқори хароратда зичлаш натижасида, ёғоч таркибидаги гемицеллюлоза молекуласининг синтез қилинган ўтдан химоя қилувчи таркиб билан ўзаро реакцияга киришишини аниқладик. Ўтдан химоя қилувчи таркиб билан ишлов берилган ёғоч қипиқлари таркибида кескин ўзгаришлар бориши аниқланди. Бу ўзгаришлар целлюлоза қисмини хам қамраб олади ва деструкцияни келтириб чиқаради. Холоцеллюлозани фракциялаганда персионист кислотасини хосил бўлиши аниқланди. Ёғоч целлюлозасининг эримайдиган фракцияда фосфор мавжудлиги аниқланди.Бу эса фосфодиэфир боғларнинг ва кўндаланг тикилган боғларнинг хосил бўлганлигидан далолат беради. Ўтдан химоя қилувчи таркиб билан ишлов берилган ёғоч толаларида зичлаш босқичида мустхкам боғланган комплекснинг хосил бўлиши, махсулотнинг физик хусусиятларини ортишига олиб келади.Юқори хароратда ўтдан химоя қилувчи таркиб билан ишлов берилган ёғоч қипиқлари яхлит бир тизимни хосил қилади. Агарда зичланган плитанинг иссиқ холатда эгилишга мойиллиги юқори бўлса, термик ишлов берилган плиталар эса хаттоки иссиқ холатда хам қаттиқ бўлади.

Биз ёғоч ашёларининг ёниши бир қанча босқичдан иборат эканлигини эксперимент йўли билан аниқладик, булар: қиздириш, ёғоч компонентларининг паст хароратли пиролизи, ёнувчи газларнинг ажралиши ва ёниши, қаттиқ қолдиқнинг ёниши. Агарда харорат 330°Сга етканида ёғоч ёна бошлайди. Пиролиз зонаси мўтадиллашган ёниш жараёнида бир хил тезликда ички қатламга қараб интилади, ташқи қаватда эса кўмир қатлами хосил бўлади. Унинг тўлиқ ёниши ёниш зонасига кираётган кислороднинг миқдори билан аниқланади. Ёнғиндан химоя қилиш нуқтаи назаридан ёғоч ашёларини алангаланиб ёниш босқичи, иссиқликнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Сабаби, учаётган махсулотларнинг ёнишида умумий иссиқликнинг 80% хосил бўлса, целлюлозанинг ёнишида эса тахминан 74% иссиқлик хосил бўлиши аниқланди. Биз фосфор ушлаган ўтдан химоя қилиш таркибларининг ва антипиренларнинг қаттиқ фазада фаол эканлигини аниқладик (юза ва пиролиз зонасида), бунда улар термик оксидланиш жараёнининг

ингибиторлари ва коксланиш жараёнининг катализаторлари вазифасини бажаради. Шу аспектда биз синтез қилинган полимер антипиренларининг физик кимёвий хоссаларини ўргандик. Сабаби, уларнинг хоссаларини билган холда, ёғочнинг ёниш ва пиролиз жараёнларидаги иштирокини олдиндан аниқ айтишнинг имкони бўлади. Ёниш жараёнини ингибирлаш асосан антипиренларни тўғри танлаш ва химоя қилинаётган ашёга киритишга, уларнинг мутаносиблигига, суюлтириш хароратига, антипиреннинг парчаланишига боғликлиги аниқланди. Маълумки, ёниш иссиқлиги, хосил бўлиш иссиқлиги ва боғлардаги энергия ўртасида узвий боғлиқлик мавжуддир. Ёниш харорати, кислород индекси ва ёнувчанлик кўрсаткичлари ўзаро боғлиқдир, айрим холларда бу кўрсаткичларнинг симбатли ўзгариши эхтимоли бор. Экспериментал ва хисоб йўли билан топилган маълумотларга кўра, синтез қилинган полимер антипиренларини ёғоч ашёлари таркибига киритиш йўли билан уларнинг ёнувчанлигини ва ўтга чидамлилигини ошириш мумкин экан. Бу эса купгина хонадонларни, уй-жойларни, иморатларни ёнгинлардан асраш имконини беради. Ишланманинг яна бир аҳамияти шундан иборатки, уни амалга ошириш орқали, атроф муҳитга кўплаб зарар етказаётган саноат чикиндиларини қайта ишлаб улар асосида, оловбардош маҳсулотларни олиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш.М.Мирзиёев. БМТнинг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. Нью Йорк, 2017 й.
2. Қосимов Э.У. Архитектура ашёшунослиги.Т.:2018 й.
3. Қосимов И.И. Арзон ва замонавий қурилиш материаллари.Т.:2018 й.
4. Мухамедгалиев Б.А. Ёнгин хавфсизлиги асослари. Тошкент, ТДТУ.-2012 й.

HEAT-INSULATING MATERIALS ON THE BASIS OF CELLULOSE CONTAINING WASTE AND UNBURNING ALKALINE BINDERS

Tulaganov A.A., Kamilov Kh.Kh., Babakulova N., Muhamedbaev A.A., Atadjanov Sh., Norboyev A.A.

(Tashkent Institute of Architecture and Construction)

In modern conditions acquires an urgency a statement of a question about providing of each local region by resources for obtaining local binders and building materials on their bases meet for high technical requirements and promoting to preservation of an environment.

One of ways of the solution of the given problem is the creation on the basis of local resources and industrial waste of high-effective materials for manufacturing of building work pieces and designs of different purpose. In this

connection the creation of heat-insulating materials with applying of secondary resources is most perspective.

The composite materials on hypogenous fillers are concern to such materials. One of such materials is arbolit, the technology of which allows with large efficiency to apply waste of timber cutting and timber sawing, woodworking and agricultural production and simultaneously to solve the problem of environmental protections.

The broad field of application of arbolite is conditioned by a lot of its positive qualities. It is one of the lightest building materials. The mean density of heat-insulating arbolite make up 400 kg/m^3 and less, it possessing by low heat conduction (0,07 - 0,19 W/m·K) and good sound-insulating ability. Due to ability to support a normal climate in premises, excepting formation of a condensate on a surface of barrier designs, arbolite is one of the best wall materials.

In connection with deficiency of timber in region of Central Asia, as organic cellulose containing filler at production of arbolite materials we can use the agricultural waste.

In view of the fact that organic filler and mineral binders is antagonistic on their nature the usage of Portland cement complicates the technology of arbolite

manufacturing because of presence in filler of water-soluble extractive substances, so-called «cement poisons».

Solution of a problem of usage organic cellulose containing fillers in concretes on the basis of mineral binders is connected with definite difficulties called by specificity and heterogeneity of components of such compositions.

To strong coupling of filler, for example timbers, with such binder as Portland cement, preclude composition of timbers educed from it as organic matters of alkaline and acidic nature and counteracting to intensive flow of processes of a binder hydration. The negative effect of such filler on formation of structure of compositions is conditioned by educe from timber of a significant amount of extractives, so-called "cement poisons", having a complex composition of different organic compounds, which are forming of a films, and also rising in contact zones between cement and filler of new formation promoted to destruction of material. All this has defined the restricted possibilities of obtained materials, received on Portland cement.

It is known [1-3], that for obtaining arbolite on Portland cement it is necessary to accept different measures on removal or decrease of negative effect of extractives cellulose containing filleron processes of binder hardening. The researches under the solution of the given problem implemented in different directions, namely:

- Neutralization of extractives inclusive in filler;
- Usage of a binder properties of component of filler, in particular, of lignin;
- Implementation of reactivity of cellulose.

The most widespread methods lowering a degree of negative effect of extractives of cellulose containing filler on processes of hardening of Portland cement are:

- Preliminary treatment of filler by the different chemical additions, for example, chloride of calcium, sulphate of aluminum and complex additions on their basis - chloride of calcium with lime, or chloride of calcium with water glass etc.;
- Preliminary holding (about 3 months), then washing and further drying of filler.

However, these ways are complicate the technology of preparation of arbolit mix or require the additional special equipment, that lead to rise in price of production of work pieces. Besides, it is necessary to mark that at the same time the physical-mechanical parameters of arbolite rather low-level.

Other method of a decrease of shattering effect of harmful matters of timber on Portland cement is the necessity to support temperature of medium at an annealing heat treatment (drying) of arbolite at a level not above 40^0C in order to prevent intensive educe of these matters from timber of filler. At hardening of arbolit in such conditions during 24 hours work pieces gain distempering strength, owing to what is necessary additional holding in warm room not less than 7 day in summer time and greater term - in winter. Thus, the strength of work pieces seldom exceeds 2,5 MPa.

The developed additions for processing of timber, including complex, do not lead to considerable acceleration of a set of strength and increase the mark of arbolite. Studying the ways of improvement of properties of arbolite, the scientists studied influencing the mark of cement and its mineralogical composition, type of binders – belit-aluminate, belit-slimes and magnesite cements, lime with trass additives, gypsum, etc. on its properties. However, executed works also demonstrate, that even the applying of high-strength cements enables only to receive heat-insulating arbolite by compression strength not above 1,5 MPa.

Till now practically is not given attention to elaboration on applying and industrial putting into production of arbolite on the basis of agricultural waste. The works dedicated to analysis of this problem were carried episodically laboratory-applying character and had no a real going out to broad practice. It is connected in the greater degree with that that possible raw base (the stalks of cotton, chock of kenaf, husk of rice etc.), having unlimited resources, on quality considerably succumb to traditionally used organic filler - timber. They are rather low-strengthand elasto-plastic materials. All this demand in case of industrial production arbolite on similar fillers, the high expenditure of high mark Portland cement or give birth considerable problems at organization of technology of its manufacturing.

The testimony of above-mentioned opinions are the outcomes of our researches [3, 9], in which analyzed «efficiency of arbolite» through the coefficients of effectiveness ratio of usage binder:

$$K_{E.B.} = \frac{R_{CS}}{B} * 10 \qquad (1)$$

and coefficient of design quality

$$CDQ = \frac{Rcs}{\rho_a} * 1000\,, \qquad (2)$$

Where: CDQ - coefficient of design quality; Rcs - compression strength, MPa; B - contents of binder (Portland cement), kg; ρ_a - density of arbolit, kg/м^3.

It is established, that in a composition of arbolit on stalks of cotton and Portland cement inefficiently is used binder on the contents and activity that is proved by the obtained experimental data. So, for example, for obtaining arbolit with a compression strength 1,2-2,8 MPa was used Portland cement by activity 40 MPa at its consumption up to 450 kg/м^3 (Figure 1).

Totality of the available theoretical data and practical recommendations on unburning alkaline binder [4-8] has allowed to made a conclusion about expediency of usage of their special properties in combination with cellulose containing fillers at creation of arbolit.

Unburning alkaline binder (UAB), which consist basically of waste products, and also local mineral raw materials, concern to recourses- and energy saving materials that such cements have a lot of advantages before traditional cements owing to low expenditure of heat and electric power on their production, high physic-mechanical indexes, etc.

The grate contribution to science on elaboration and studying of unburning alkaline binders and composite materials on their basis in Uzbekistan have introduced by Kasimov I.K., Tulaganov A.A., Gaziev U.A., Azimov A.A., Sultanov A.A. and their disciples.

It is known [4, 5, 9], that UAB can be let out by two ways. The first way foresees distribution the ready binder, obtained by joint grinding its component, thus the activity binder reaches 50-60 MPa. Second way - separate obtaining of a aluminum-silicate component and aqueous solution of any alkaline component, and the activity of UAB fluctuates within the limits of 30-155 MPa.

Total amount produced UAB since 1962 in countries of CIS makes up more than one million tones, and concrete and reinforced concrete manufactured of these cements more than 3 million м^3.

Technical and economic advantages of UAB and different materials on their basis [5, 9] are consist in:

· possibility of using of multi tonnage waste of a metallurgical and chemical industry, agriculture, and also local raw for obtaining effective resources- and energy saving materials;

· of attractiveness of elaboration of energy saving technology, which will allow to spare a great many of fuel and electric power, as technology of obtaining binder - unburning;



Fig. 1. Dependence of compression strength (1) and mean density of arbolite (2) from the contents of Portland cement

usage as aluminum-silicate component of granulose slag the energetic and heat energy is spent only on drying and grindingof slag;

possibilities of obtaining from the same raw the UAB of different activity (from 10 up to 155 MPa) and high-strength concrete work pieces, i.e. with a large coefficient of design quality(heavy concretes up to 150 MPa, light-weight concretes up to 90 MPa);

providing of a number of special properties of binder by the introducing of the minor correcting additives, that allows to make at one plant of work pieces of the broad nomenclature.

decreasing of primary costs at building enterprises for production UAB at enough low-cost price of production.

The most perspective and accessible raw materials for obtaining UAB and different materials on their basis in region of Central Asia are alumosilicates as waste of metallurgical, chemical, ore mining and power productions and alumosilicates as natural rocks, and also alkaline components as technical products and alkaline containing waste, etc.

In republics of Central Asia is accumulated in dumps more than 100 million tones of waste as aluminum-silicate raw (slag, fly ash, etc.), their annual formation makes up approximately 20 million tones, and alkaline components - approximately 25 thousand tones [9].

In Uzbekistan annually is appear more than 1,5 million tones of aluminum-silicate raw. It is necessary also to mark, that a new plant on production of soda salt in the near future will put into operation in Kungrad (Uzbekistan) with output of which makes 220 thousand tons per year.

At a huge deficit, specially in conditions of region of Central Asia, porous mineral fillers and wood materials, the most actual problem is the replacement of above-stated materials by new, more effective materials with usage of cellulose containing hypogenous waste, such as stalks of cotton, husk of rice, straw, chocks of kenaf, etc., annually retrieved by their reproduction.

The annual formation of cellulose containing agricultural waste as stalks of cotton, chocks of kenaf, husk of rice in region makes about 3 million tones.

The analysis of raw for production UAB and materials on their basis, in particular of heat-insulating materials, in Uzbekistan determines an actuality and purposefulness of realization of researches from the point of view of the extension of range of products, that promotes creation of unwaste technology and simultaneously decides ecological problems.

References

1. Arbolite / Edited by Buzhevich G.A. Moscow, “Strojizdat” Press, 1968. -243 p.
2. Arbolite / Production and applying.Moscow, “Strojizdat” Press, 1977. –348 p.
3. Kasimov I.K., Tulaganov A.A., AbdukamilovSh.T. The Peculiarities of Obtaining Arbolite on Basis of Stalks of Cotton // J. Concrete and reinforced concrete,- 1991 N 5.p.20-22.
4. Selected works of V.D. Glukhovski. Kiev, Budivelnik Press, 1992. -208 p.
5. Krivenko P.V. Special Slag Alkaline Cements. Kiev, Budivelnik Press, 1992. -192 p.
6. Gluchowski W.D. Wlasnoscialkaliczno glino kvzemianowychtworzyw wiszalychi betonow (Eigenschaften von alkalischen Aluminatsilikat-Bindemitteln und Betonen). Cement - Wapno - Gips, Krakow 30/42 (197604), S. 93-96.
7. Gluchowski W.D., Pashkow I.A., Kriwenko P.W. Alkalischlackenzemente und-betone, ihre Eigenschaften und Anwendungseffektivitat // 9. Internationale Baustoff - und Silikattagung. Weimar. 1985 17 bis 21 Juni, Tagungsbericht. S. 124-131.
8. Gluchowski V.D., Tulaganov A.A., Rumina G.V., Kasimov I.K. Slag alkaline light concretes. Tashkent, FAN Press, 1992. -152 p.
9. Tulaganov A.A. Fundamentals of receiving the unburning alkaline binders and concretes. Text book. Tashkent, Tashkent Institute of Architecture and Construction. 2015. – 248 p.

БЕТОННИНГ НАНОСТРУКТУРАСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

Б.Х. Шарипов., Э.Б. Эшқуватов

(Термиз давлат университети)

Ушбу мақолада ҳозирги кундаги энг долзарб бўлган нанотехнологияларнинг қурилиш соҳасидаги ўрни келтирилган.

Пенза давлат Архитектура ва қурилиш университети, Россиянинг бир қанча олимлари бошчилигида Пензада олиб борган ишлари натижасида “Пенза қурилишни бошқариш МЧЖ” нанотехнологиянинг турли соҳаларда ривожланиши билан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш технологиясига

юқори ўринни эгаллади. Маьлумки, 1-100 нм ўлчамдаги нанометр ўлчовлари моддаларнинг янги кимёвий хоссаларини очади. И.П. Суздалев [1] бу диапазонда физика, кимё ва биология жуда яқинлашади. “Йигирманчи асрнинг сўнгги йигирма йилида нанокластерлар, наноструктуралар ва шунга ўхшаш ҳодисалар алоҳида физикавий - кимёвий техник тараққиёт майдонига айланди”.

Бироқ, 20 йил ёки ундан ортиқ йил олдин Россияда наноструктуралар ва нанокластерларнинг синтези бўлганини унутмаслигимиз керак, нанотехнологиялар мавжуд эди. Нанотехнология вақтида микротехнология деб номланган. Бунинг сабаби шундаки, чет элда ҳам, Россияда ҳам амалий фанлар бўйича халқаро ўлчов бирлиги - нанометрдан фойдаланган ҳолда вақт кечикиши кузатилган. Кўпгина илмий ва техник журналларда, 1980-90 йилларда нашр этилган монографияларда нанометрик миқёси микрометрнинг фракциялари сифатида белгиланган ва миллимикрон (ммкс) деб номланган. Ангстромлар (А) кўпинча ноорганик ва органик кимё ва сиртларнинг физик кимё тизимида, айниқса, ионлар, атомлар, молекулалар, кимёвий боғланиш узунлиги ва яқин ва узоқ таъсирларнинг масофаларидан тасвирланганида ишлатилган. Ангстромлар таркибига кирадиган миқёсли миқдори ҳам кимёда кенг қўлланилмади. Атом ядроси ва элементар зарралар физикасида барча кичик ва ултра кичик ўлчам бирликлари - пико, фемто ва аттометрда (10-12; 10-15; 10-18 м) фойдаланилган. Ҳозирги кунда нанотехнология бўйича цемент, гипс ва оҳак технологиялари бўйича кўплаб нашрлар мавжуд. Te_2O_3, Al_2O_3, шпинел, корунд, нано-калсит, нанокуляр ва бошқалардаги нанотехниклар, бир ўлчамли нанотубалар, фуллеренлар, фуллероидлар, астраленлар, ултра-арзон миқдорда (0,01-0,005% цемент) силикат, шунгит ва карбон нанопартикулларидан фойдаланиш билан бирлаштирилади. Ушбу технологияларни “микро доз технологиялари” деб аташ мумкин. "Нано" (юнонча "митти") деган баланд овозли сўз аллақандай олимларга нанопартикуляр микро дозалардан фойдаланмасдан олинган қурилиш материаллари технологиясидаги барча реал ва прогрессив хорижий ва маҳаллий юксак ютуқларга айланди.

Бетонни ишлаб чиқаришга ихтисослашган муҳандис-техник ходимлар ва материаллар, цемент кимёси, клинкер минералларнинг сув билан ўзаро таьсири, турли ҳисса моддаларининг таъсири ва кимёвий реакциялари, бирикмаларнинг қаттиқлашув механизмлари, нанотехнологиянинг реал натижаларини нашр этишни тушуниш қийин ва бу ерда илм-фаннинг янги йўналишига ўтиш истаги бор. Иккинчидан бетоннинг нанотехнологияси ҳақида нашрларда кўпгина қарама-қаршиликлар мавжуд, баьзида материалшуносликдаги тўпланган илмий билимларни эмас, балки кимёвий ва аниқ физиканинг асосий принципларини ҳам рад этади. Улар нафақат бетон илмига, балки вакилларининг мўжизаларига ишонмаслик туфайли ишлаб чиқаришга катта зарар етказади. Катта миқдорда

заррача қўшимчаларини ижобий таъсиридан мисоллар микроэлектроникада (чиплар, ярим ўтказгичлар, диэлэктриклар ва бошқалар) нанотехнологияни қўллаш амалиётидан тортиб олинган. Аммо улардан фойдаланиш бошқа элементларни киритиш атомлари электрон ва ионларнинг зичлиги ва ўтказувчанлигини тубдан ўзгартирадиган юқори сифатли тизимларни талаб қилади.

Бошқа элементнинг миқдорини камайтириш усуллари татбиқ этиладиган тизимлар тоза бўлиб, ўн юз миллион бегона моддалар мавжуд бўлмаганда жуда тоза бўлиши керак. Бироқ, аниқ нанотехнология тадқиқотчилари, Портленд цементининг “ифлос” тизим бўлиб, Д.И. Менделеевнинг 30 тагача элементини ўз ичига олади. Бундай муҳитда нанопартикуллар жойлашган оптик зич жойлашган «қўшничилик» умиди камида саводсиз. Нанотехнология тадқиқотчилари барча гидрация-сертлаштириши бирлашма тизимларида кучланиш доимо сув таркибига боғлиқлигини тушунишни истамайди ёки тушунишни хоҳламайди. Агар сув таркиби назорат таркибига мос келадиган бўлса, унда микроорганизмларнинг микро дозалари коррозияни ёки кучни совуққа чидамлилиги ёки сув ўтказмаслигини тубдан ўзгартирмайди 1-10 г нанокарбонли модификаторлар киритилган нанотехник нашриётида [2] юқори қувватга, совуққа чидамлилиги, сувга чидамлилиги ва бетоннинг бошқа хусусиятларини яхшиланишига нисбатан сезиларли таъсир кўрсатилади.

Оддий зичликдаги синовдан таркибидаги цемент тошининг кучи жуда паст ва 40-45 МПа бўлиши мумкинми? Одатда, цемент М400 дан тайёрланган цемент тошлар учун кучланиш 60-70 МПа дан кам эмас ва М500 цементидан - 80-100 МПа. Шунгитнинг таркибида цементдан 0,01% дан 0,05% гача ўсиши билан, қувват 15% га камайди ва 0,1% гача - 29% гача камайди. Яна тушунарсиз ҳодиса. Бир томондан, муаллифлар Портландит қўшилган силикат фазасининг аморф юзасига улаш орқали қўшимча миқдорда гидросиликатлар шаклланиши орқали кучнинг кучайишини исботлайди. Бошқа томондан, гидросиликатнинг сиртлаштирилмаси назарияси нуқтаи назаридан тушунарсиз бўлиб, қўшимча калций силикат миқдори ортиши билан бетоннинг кучланишдаги камайишига олиб келади. Юқоридаги реакциялар стоикиёметрияцияни ҳисоблашдан сўнг қўшимча равишда ҳосил қилинган гидросиликатларнинг миқдори 0.015-0.035% ни ташкил этади. Дарҳақиқат, якуний кучнинг ошиб боришини тушунтирувчи муаллифлар, агар улар жуда катта миқдордаги кальций силикат ҳосил қилганлиги сабабли, улар кучли қувватга эга бўладиган бўлса, чимларнинг сертлашуви ва гидроксилатлашнинг қаттиқлашув кимёси асосий тамойиллари асосида ишламайди.

2. Лукашевич, О.Д. Физико-химические аспекты комплексного использования осадков промывных вод / О.Д. Лукашевич, И.В. Алгунова, Ю.С. Саркисов // Вестник ТГАСУ.-2004. - № 1. - С. 129-145.
3. Усова Н.Т. Композиционные строительные материалы на основе синтезированных гидросиликатов кальция и шламов водоочистки: автореф. дис. канд. техн. наук. - Томск. - 21 с.
4. Утилизация отходов водоподготовки станций обезжелезивания / Н.Т. Усова, О.Д. Лукашевич [и др.] // Вестник ТГАСУ. - 2011. - № 2. - С. 113-123.

ЭНЕРГИЯ САМАРАДОР УЙ-ЖОЙ БИНОЛАРИ ҚУРИЛИШИДА ИССИҚЛИК ҲИМОЯЛОВЧИ МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

кат. ўқит. Н.Б.Бабакулова[1]., асс. Б.А.Турсунов[2]., асс. Ф.Х.Туропов[3]
(Тошкент архитектура-қурилиш институти[1])., (Жиззах политехника институти[2])., (Термиз Давлат унверситети[3])

Ушбу мақолада иссиқлик ҳимояловчи материалларнинг ўртача зичлиги, иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти, иссиқлик ҳимоялаш материаллар билан таққослаш кўриб чиқилган.

В данной статье рассмотрены средняя плотность теплозащитных материалов, коэффициент теплопроводности, сравнение с теплозащитными материалами.

In this article, the average density of thermal protection materials, the coefficient of thermal conductivity, the comparison with thermal protection materials are considered.

Калит сўзлар: *қурилиш, ўртача зичлиги, иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти, газобетон, пенобетон, арболитбетон*

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган янги замонавий материаллар бинолар, иншоотлар ва иншоотларнинг барча таркибий қисмларини қуришда қўлланилиб келинмоқда. Девор изоляция материаллари ва энергия самарадорлиги саноатининг ривожланиши сўнгги йилларда ичида, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, янги девор материаллари, айниқса, янги девор изоляция материаллари ишлаб чиқариш қуввати йилига 20% ташкил этиб бормоқда. Анъанавий юқори энергияли қурилиш материаллари аста-секин янги қурилиш материаллари билан алмаштирилиб келинмоқда. Энергия тежайдиган изоляция материаллари мукаммал ривожланиш имкониятларини яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майда ПҚ-4335-сонли “Қурилиш материаллари саноатида жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида Президентимиз соҳа мутахассислари билан бўлган учрашувда қурилиш материаллари тармоғида энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш орқали таннархни камайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Уй-жой биноларини иссиқдан ҳимоялаш ва уй-жой фондида энергия самарадорлик муаммолари билан дунёнинг кўпчилик мамлакатлари шуғулланмоқдалар. Энергия тежамкорлик ва иссиқдан ҳимоялаш тадбирларини амалга ошириш натижасида саноати ривожланган мамлакатларда уй-жой фондида истеъмол қилинадиган энергиянинг нисбий сарфи охирги 10 йил ичида 2 ва ундан кўпроққа камайтирилди. Ушбу масалани ечишда энг ҳал қилувчи йўналишлардан бири уй-жой биноларининг ташқи деворлари ва деразаларининг иссиқлик узатишга қаршилигини ошириш бўлди. Техник ривожланган мамлакатларда деворлар конструкцияларининг кўпчилиги кўп қатламли қилиб тайёрланади. Самарали иситгичли кўп қатламли ташқи деворлар йирик панелли деворларнинг умумий ҳажмида: Норвегияда - 100% ни, Венгрияда - 95% ни, Финляндияда - 94% ни, Руминияда -91% ни, Буюкбританияда - 75% ни ташкил этади. Шу билан бирга тахминан 2000 йилларгача МДҲ мамлакатларида ушбу кўрсаткич 5-10% ни ташкил этарди.

Мавжуд ва янгидан қурилувчи бинолар ташқи тўсувчи конструкцияларининг энергия тежамкорлик талабларини таъминлаш учун иссиқликдан ҳимоялаш ва эксплуатацион сифатлари етарлича бўлган кўп қатламли конструкцияларни яратишга асосланган турли техник ечимлар таклиф қилинмоқда.

Ҳозирги кунда самарали иссиқлик ҳимояловчи материалларнинг турлари кенгайиб бормоқда. Биноларни иссиқликдан изоляциялаш учун қўлланилаётган материаллар қаторига газобетон, пенобетон, арболитбетон,

пенополистиролбетон, вермикулитбетон ва бошқалар киради. Иссиқлик ҳимояловчи материаллар яни ўта енгил бетонларнинг зичлиги 800 кг/м^3 ва иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти 0,08–0,175 Вт/м·^{0}С га тенг бўлган ўта енгил бетонлар қўлланилмоқда.

а) *б)* *в)* *г)* *д)*

1-расм. Иссиқлиқ ҳимояловчи материаллари.
а) газобетон. б) пенобетон. в) вермикулитбетон.
г) арболитбетон. д) полистролбетон.

ГОСТ 19222-84 мувофиқ ёғоч-бетон блоклари ишлаб чиқариш учун, ёғоч ишлов бериш чиқиндилари, майдаланган қамиш, каноп, ғўза-поя, гуруч қобиғи, зиғир фойдаланиш мумкин. Ўртача зичлиги ρ=250-1300 кг/м^3, иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти λ =0.09-0.54 Вт/м·^{0}С, оловга таъсирига юқори бардошлилик хоссасига эга.

Кўпикбетон блоклари ишлаб чиқариш ГОСТ 25485-89 талабига кўра автоклавсиз қотадиган кўпикбетонлар кўп функцияли қурилиш материали ҳисобланади. Ишлаб чиқариш технологияси анча оддий ва ишлаб чиқаришда ишлатиладига жиҳозларга метал ва энергия сарфи кам талаб қилинади. Кўпикбетонни ишлатилиш жойи ва ишлатилиш иқлим шароитига қараб хоссаларини яхшилаш ва бошқариш мумкин. Шунинг учун ҳам унинг ҳоссалари катта интервалда ўзгарувчан ҳисобланади. Ўртача зичлиги ρ=100-1200 кг/м^3, иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти λ =0.08-0.38 Вт/м·^{0}С.

Тадқиқот натижалари 10х10х10см ўлчамдаги қолипларда олинган натижаларни оптимал миқдори танлаб олинди. Пенобетон қоришма учун цемент 400 гр, сув 100 мл, кўпик учун “Zimpor” 1.5 мл. Газобетон қоришма учун цемент 400 гр, сув 120 мл, газ ҳосил қилувчи қўшимча “ПАК-3” 0.9 мл. Арболитбетон қоришма учун цемент 400 гр, гуруч қипиғи 160 гр, сув 195 мл, суюқ шиша 7 мл танлаб олинди.

1-жадвал

Ўта енгил бетоннинг мустаҳкамлик чегараси 7;14;28 кунлик натижалари

№	Намуна	Сиқилувчи куч кг/см^2		
		7	14	28
1	Кўпикбетон	0.9	1.02	1.15
2	Газобетон	1.2	1.87	2.0
3	Арболитбетон	2.3	2.39	2.6

Ўта енгил бетоннинг мустаҳкамлик чегараси 10х10х10 см ўлчамдаги қолипларда ҳар бир синаш учун уч донадан намуналар тайёрланди. Намуналарни синаш муддатлари 7;14;28 суткалар деб белгиланиб ушбу муддатларда намуналар ГОСТ 10180-90 талаблари бўйича гидравлик пресс ёрдамида синалиб, намуналарни синаш натижалари аниқланди.



2-расм. Ўта енгил бетонларнинг 7;14;28 кунлик сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги. 1) кўпикбетон. 2)газобетон 3) арболитбетон.

Замонавий иссиқлик ҳимояловчи материаллар шакли ва ташқи кўринишига кўра бир – биридан фарқ қилади. Бунда материалларни донавий ва сочилувчан хилларга ажратиш мумкин. Сочилувчан материалларга кукунсимон, толали ва донадор материаллар киради. Донавий материалларга эса арболит, базалт толали плиталар, газобетон, кўпикбетон ва полистролбетонлар мисол бўла олади. Ҳозирда қурилишда энг машҳур иссиқлик - ҳимояловчи материаллар ичида донали буюмлар ҳисобланади. Ҳар қандай иссиқлик - ҳимояловчи материалнинг сифати бир қанча кўрсаткичларга кўра баҳоланади. Шулардан бири бу материалнинг иссиқлик ўтказувчанлик хусусияти ҳисобланади. Иссиқлик ўтказувчанлик - бу материалнинг иссиқлик энергиясини ўзи орқали ўтказиш қобилияти ҳисобланади [2].

2-жадвал

Деворларни қуришнинг турли вариантларини ўзаро таққослаш мақсадида хар хил материаллардан қурилган деворларнинг кўрсаткичларини келтириб ўтамиз

Материалларнинг турлари	Ўртача зичлиги кг/м^3	Иссиқлик ўтказувчанлиги Вт/м·^{0}С	Термик қаршилиги м^2 · ^{0}С/W
Газобетон	700	0.13	0.26
Кўпикбетон	600	0.12	0.19
Арболитбетон	550	0.17	1.17
Вермикулитбетон	480	0.11	0.16
Полистролбетон	420	0.10	0.18

Иссиқлик изаляцияловчи материалларни ишлаб чиқариш ва қўллаш анъанавий қурилиш материалларига нисбатан қатор афзалликларга эга: бинонинг массаси камаяди, қурилишда оғир ишлар қисқаради, конструкциянинг термик қаршилиги ошади, яхши арраланади, био таъсирга чидамли, иссиқлик ва товушдан юқори изоляцияовчи кўрсаткичига эга, оловга чидамли, цемент қоришмаси билан яхши ишлов берилади, қўл дрелида тешик тешиш осон, михни яхши ушлайди.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги замонавий материаллардан фойдаланиш орқали юқори сифатли биноларнинг қурилиш вақтини қисқартириш, қисқа муддатда катта натижага эришиш, иқтисодий жиҳатдан арзонлаштирилган бино ва иншоотларга эга бўлишга эришиш, бинонинг умрбоқийлигини узайтиришни таъминлаш билан бир вақтда, бинонинг ички ва ташқи замон талабларига жавоб бера оладиган даражада қуриб битириш имконини берадиган оптимал вариантларини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майда ПҚ-4335-сонли “Қурилиш материаллари саноатида жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

2. Н.А.Махмудова., Х.Н.Нуритдинов “Пардозлаш ва иссиқлик изоляция материаллари” Тошкент 2010.

3. Тошкент архитектура-қурилиш институти “Архитектура қурилиш дизайн” журнали, махсус сон, 61-64 бет Тошкент, 2019.

РОЛЬ ВЕРМИКУЛИТОВЫХ ИЗДЕЛИЙ В ПОДДЕРЖАНИИ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО РАВНОВЕСИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Ахмедов К.К., к.т.н., доц., (УрГУ)

Аннотация: *Турли материалларни чуқур ўрганмасдан, зарурият юзасидан ишлатиб келинган. Гилни куйдириб олинган биринчи ноорганик материал керамикадир. Келажакда ишлатиладиган, экологик тоза, сунъий материаллардан бири вермикулитдир.*

Применение различных материалов осуществлялось по мере надобности, без подробного их изучения. Первым неорганическим материалом, полученным вследствие обжига глины, стала керамика. Одним из перспективных, экологических, синтетических материалов является вспученный вермикулит.

The use of various materials was carried out as needed, without detailed study. The first inorganic material obtained by firing clay was ceramics. One of the most promising, eco-friendly, synthetic material is exfoliated vermiculite.

Еще со времен глубокой древности до нашего времени дошли факты получения и применения строительных материалов. Именно им отводилась немаловажная роль в развитии культуры древних людей и обустройстве их быта. Вследствие применения различных материалов история человечества разделена на золотой, серебряный, бронзовый и железный века. Применение различных материалов осуществлялось по мере надобности, без подробного их изучения. В древние века было изобилие таких материалов как глины, горных пород, металла и его сплавов. На протяжении многих столетий, на территории нашего государства велось строительство различных сооружений и зданий с использованием строительных растворов, кирпича, черепицы, древесины, кровельного железа, глазурованной плитки различных цветов. Углубленное изучение материалов началось гораздо позже их применения. После установления возможности влиять на качество материалов посредством изменения его структуры, началось стремительное развитие науки материаловедение, одной из основных задач которой стало увеличение долговечности строительных материалов. Первым неорганическим материалом, полученным вследствие обжига глины, стала керамика. Данное открытие принадлежит глубокой древности.

В современном мире производство и применение строительных материалов поставлено на научный уровень. Создается много искусственных строительных материалов. Перед тем как предложить рынку новые материалы и технологии их производители проводят широкие маркетинговые и научные исследования, и только

потом начинают массовое производство. Одним из перспективных, экологических, синтетических материалов является вспученный вермикулит.

Вермикулит (от лат. vermiculus – червячок), минерал из группы гидрослюд, имеющих слоистую структуру. Продукт вторичного изменения (гидролиза и последующего выветривания) темных слюд – биотита и флогопита. Представляет собой крупные пластинчатые кристаллы золотисто-жёлтого или бурого цвета. Впервые обнаружен в начале 19 века, промышленное применение получил лишь спустя 100 лет.

Региональная структура мировых запасов вермикулита, млн. т.

Таблица-1

Страна	**Запасы**	**Прогнозные ресурсы**
США	25	100
ЮАР	20	80
Прочие	5	20
Всего	50	200

У нас в республике вермикулит пока не нашел широкого применения. Это объясняется тем, что до последнего времени не была достаточно изучена сырьевая база. Изыскания последних лет показали, что Узбекистан обладает большими запасами этого минерала и они расположены в Тебинбулаке, близ Нукуса в 16 км к северу – западу населенного поселка Каратау. Общее количество запасов вермикулитовой породы Тебинбулакского месторождения составляет 1332620 тонн.

Вермикулит - один из новых видов минерального сырья в Узбекистане, которому в недалеком будущем суждено занять надежное место в развитии народного хозяйства. Благодаря своим ценным звуко-, теплоизоляционным и огнезащитным свойствам и необычной легкости, приобретаемой при нагревании, вермикулит находит широкое применение в ряде отраслей тяжелой и легкой промышленности, строительстве, сельском хозяйстве. Используя вермикулит в строительстве, можно достичь значительных показателей по энергосбережению, сэкономить стройматериалы, добиться от покрытия теплыми строительными смесями высокой огнестойкости, а при использовании белого цемента - прекрасного декоративного вида штукатурки.

Главными потребителями изделий из вспученного вермикулита являются тепловые центры, стекольные, фарфоровые, цементные заводы, сельское хозяйство, лакокрасочные производства, строительные организации.

На сегодняшний день ООО "Каракалпак верми" уже заключило договоры сотрудничества с партнерами из России, Испании, Белоруссии и Казахстана. - заключил заместитель директора предприятия по производству.

Производственная мощность производства ООО "Каракалпак верми" составляет 4,8 тыс. тонн вермикулита в год. Подобные предприятия также существуют в России, США, Южной Африке и Китае.

Вспученный вермикулит — сыпучий, текучий (что позволяет заполнять пустоты неправильной формы), пористый, рыхлый, легкий и долговечный материал. Благодаря температуре плавления 1350^0С — огнестойкий, обладает тепло- и звукоизолирующими свойствами, высокой впитывающей способностью, но при этом слабо поглощает влагу из окружающего воздуха. Минерал не подвержен разложению и гниению под действием микроорганизмов, не является благоприятной средой для насекомых и грызунов, нейтрален к действию щелочей и кислот, а главное экологически чистый и стерильный материал, не содержащий тяжелых металлов.

Главные потребители изделий из вспученного вермикулита — тепловые центры, стекольные, фарфоровые, цементные, лакокрасочные заводы, предприятия сельского хозяйства и строительные организации. Его применение варьируется от строительства, пищевой и химической промышленности, сельского хозяйства, нефтегазовой отрасли и атомной энергетики до машино-, вагоно-, судо- и шахтостроения.

Минусов у материала немного, к ним относится его значительная гигроскопичность, требующая при укладывании утеплителя использовать диффузную мембрану. Второй недостаток - стоимость, среди сыпучей теплоизоляции вермикулит выделяется высокой ценой. Долговечность эксплуатации и отличные характеристики вполне оправдывают выбор этого материала из аналогичных утеплителей.

Вспученный вермикулит получают обжигом минерала. При нагревании до 400^0С он расслаивается на червеобразные частицы и вспучивается, увеличиваясь в объеме в 15-20 раз. Химический состав отвечает приблизительной формуле:

$$\mathbf{(Mg^{+2}, Fe^{+2}, Fe^{+3})_3\ [(AlSi)_4O_{10}]\cdot(OH)_2\cdot 4H_2O.}$$

Однако вермикулит редко отвечает общей формуле и обычно содержит примеси. Химический состав вермикулита (% по массе) представлен в таблице-2.

Таблица-2

Состав	**SiO_2**	**Fe_2O_3**	**FeO**	**Al_2O_3**	**MgO**	**CaO**	**K_2O**	**Mn**	**Na_2O**	**TiO_2**	**PH (H_2O)**
Содержание, %	33-36	5-17	0,2-0,27	6-18	14-25	1,2-2	3-5	0,05-0,07	0,05	0,4-0,47	6,8-7,0

Технические характеристики вспученного вермикулита

Таблица-3

Параметры	Единицы измерения	Характеристика
Плотность	кг/м^3	65-400
Коэффициент теплопроводности	Вт/м·К	0,048-0,06
Температура плавления	ºС	1350
Коэффициент температурного расширения	-	0,000014
Токсичность	-	не токсичен
Цвет	-	золотистый или желтый
Температура применения	ºС	-260+1350
Коэффициент звукопоглощения (1000 гц)	-	0,7-0,8

Продукт разделяют на три стандартных размера: мелкий – 0-0,5 мм; средний – 0,6-5 мм; крупный – 6-10 мм. Слой вермикулитовой засыпки в стене толщиной 20 см по сопротивлению теплопередаче равен 2 метрам бетона. Сыпучий утеплитель высотой до 10 см на чердачном перекрытии снижает выход энергии из помещения на 92 %.

В условиях удорожания энергоресурсов и с целью достижения комфортных условий эксплуатации гражданских, промышленных зданий и сооружений с применением вермикулита проводят теплоизоляцию фундаментов, полов, стен, перекрытий и кровли. Его теплоизоляционные свойства достигаются благодаря пористой структуре с огромным количеством замкнутых теплоизолирующих воздушных прослоек.

Фермеры постепенно улавливают выгоду от использования вермикулита, применение которого в сельском хозяйстве позволяет снизить трудозатраты, расход воды, количество удобрений, засоление субстрата, затраты на вентиляционные процессы и заболеваемость корневой гнилью. В то же время увеличивается урожайность, сохранность урожая и эффективность вносимых удобрений. Животноводы используют его в качестве добавки в корм животным и птице для предотвращения

интоксикации организма, а также в качестве подстилки для домашних животных.

Хотелось бы отметить еще одну область массового применения вермикулитосодержащих гранулированных материалов, как очистка газов и органических жидкостей, растворов и промышленных сточных вод, выделение из них ценных компонентов, в том числе нефтепродуктов и многое другое. Все это играет огромную роль в поддержании экологического равновесия, которое необходимо и нам, и будущим поколениям.

Использованная литература:

1. Обзор рынка вермикулитового концентрата и вспученного вермикулита в СНГ. 6 издание Москва, март 2019.
2. www.info@stroyka.uz
3. ГОСТ 12865-67 Вермикулит вспученный. Москва 1968.

УДК 624.012.45

ШИША КОМПОЗИТЛИ АРМАТУРАЛАРНИ БЕТОН БИЛАН ТИШЛАШИШ ҲОЛАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ

т.ф.д, проф. Х.А. Акрамов, докторант Ш.А. Умаров, (ТАҚИ)

Шиша композитли арматурани бетон билан тишлашиш ҳолатларини ўрганиш ишлари олиб борилди, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ва хорижий давлатларда ўтказилган бетоннинг арматура билан боғланиш хусусиятларини ўрганиш натижалари тажрибада олинган натижалар билан таққосланди.

Калит сўзлар: *шиша толали арматура, текис ўрама, арматуранинг бетон билан тишлашиши.*

Кириш. Шиша композитли арматуралар ҳозирги кунда кўплаб мамлакатларда йўл-транспорт инфраструктураси объектларида, юқори электромагнит майдонлар ҳосил бўладиган, химия саноати, сув тайёрлаш ва тозалаш, мелиорация объектларида, денгиз портлари ва порт олди иншоотларини барпо этишда, шаҳар муҳандислик инфраструктураси объектларида, метрополитенларнинг шахта ва тоннелларини барпо этишда, шунингдек, бино ва иншоотларнинг айрим элементларини таъмирлаш ва қайта тиклашда самарали қўлланилиб келинмоқда.

Айниқса, емирувчан муҳит шароитида ишлайдиган темирбетон конструкцияларнинг пўлат арматуралари ўрнига шиша композитли арматураларни ишлатиш истиқболли йўналиш ҳисобланади.

Шиша композитли арматураларнинг:

биринчи асосий камчилиги – бу ҳарорат таъсирига бўлган паст чидамлилигидир (150°С гача). Бу нарса полимер матрицанинг хусусиятларига боғлиқ.

иккинчи камчилиги – Шиша композитли арматураларни анизотропияси бўлиб, у арматурани бетон билан боғланишга жавоб берувчи механизмларни ўзгаришига олиб келади. Ушбу саволлар тўғрисида жуда кўп нашрлар чоп этилган. Шиша композитли арматураларни пўлат арматурасидан фарқи унинг шишатола “Силлиқ” устун ва бетон адгезиясини кучсизлигидир. Шунинг учун Шиша композитли арматураларни чидамлилик даражасини ошириш мақсадида унинг устига сунъий нотекислик ҳосил қилинади ёки қум билан қопланади. ТУ2296-001-00222903-2010 турдаги "URAL-AZIYA ARMATURA" ишлаб чиқариш компаниясининг модификацияланган ясси ўрамли шишатолали арматурасини бетон билан боғланишини ўрганиб чиқилди.

Расм-1.Сунъий нотекисликлар ва қум билан қопланган шиша композитли арматуранинг юза қисмининг асосий турлари.

Арматуранинг асосий чўзилиш хусусиятларини Фарғона политехника институти Қурилиш конструкциялари лабораториясида аниқланди. Кўндаланг йўналишдаги Шиша композитли арматураларнинг мустаҳкамлиги паст эканлиги натижасида марказий чўзилишини синаш мақсадида, арматуранинг тугаш қисмларини махсус анкерлар билан қисиб қўйиш тавсия этилади ва бу нарса ўз ўрнида машинани қисиб қолиш натижасида бетонни бузилишини бартараф қилади. Бироқ, намуналарнинг сиқиш кучини назорат қилувчи ГРМ-1 синаш машинасининг қўлланишини нафақат арматура учун (диаметр 10 мм гача бўлган қўшимча) бўлган анкерларни тайёрлаш заруратини йўққа чиқаришга, балки синов вақтини ҳам қисқартиришга олиб келади.

Расм-2. Шиша композитли арматурани бетон билан боғланишини синаш жараёни.

Арматура бетоннинг боғланиш диаграммасини аниқлаш учун арматурани бетон кубдан суғириб чиқариш услуби қўлланилди. Турли хил нашрларда белгиланишича бу услуб озмунча баландроқ натижаларни кўрсатди ва бу нарса таянч пластинасини таъсири натижасида, бетоннинг кучланиш ҳолатидаги кўзга кўринар гидростатик тузилиши туфайлидир. Бироқ Шиша композитли арматураларни синаш стандарти ГОСТ 31938-2012 асосан амалга оширилади ва бундан ташқари кўплаб тадқиқотлар шундай кўринишда бажарилган, шунинг учун муаллифлар томонидан айнан ГОСТ 31938-2012 талаблари асосида бажарилган.

1-жадвал

Текис ўрамли шишатола арматура намуналарини чўзилишга синов натижалари

Арматура диаметри №	**Чўзилишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа**		**Узилишдаги нисбий деформация, %**		**Чўзилишдаги таранглик модули, МПа**	
	Меъёрий қиймати	**Ҳақиқий қиймати**	**Меъёрий қиймати**	**Ҳақиқий қиймати**	**Меъёрий қиймати**	**Ҳақиқий қиймати**
8	1000 дан кам эмас	1180	5,2 дан кўп эмас	2,2	50000 дан кам эмас	53800
10		1135		2,3		53500
12		1110		2,7		52100
14		1070		3,2		51800

В30 синфга мансуб бетон ва ясси ўрама Шиша композитли арматураларни боғланиш диаграммасини пўлат арматураси ва сунъий нотекисликлар пайдо қилинган Шиша композитли арматура билан таққосланиши.



Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, баъзи тадқиқотчилар тўрт нуқтали букилиш услубини қўллашган. Тўғридан тўғри синов натижаларини таққослаш унчалик ҳам тўғри эмас, бироқ боғланишнинг мукаммал кучланиш фарқи бетонни ўхшаш синфлари ва арматурасининг диаметри 1МПа (5%) дан ошмайди. Ўзгарувчан юкланиш шароитида ишлаётган конструкцияларини ясси ўрама Шиша композитли арматура қўлланиш имкониятини баҳолаш учун, ҳозирги вақтда экспериментал тадқиқотларни учинчи даври ўтказилмоқда.

Циклик (даврий) кучлар таъсирида бетон ва Шиша композитли арматурални боғланиш ўзгаришларини аниқлаш.

Хулоса:

1. Ясси ўрамали Шиша композит арматуралар бетон билан мустаҳкам боғланишни таъминлайди ва юза қисми текис Шиша композитли арматурага нисбатан анча юқори даражада боғланиши тадқиқот натижаларида аниқланди. Шиша композит арматураларни бетон билан боғланиши пўлат арматура каби боғланиш ҳусусиятлари мавжудлиги тажрибаларда аниқланди.

2. Бугунги кунда композит арматураларни ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш, хомашё хоссаларини яхшилаш ҳамда Ўзбекистон шароитида қуриладиган бино ва иншоотларнинг юк кўтарувчи конструкцияларини барпо этишда композит арматураларни ишлатиш имкониятлари аниқланмоқда ва бунинг натижасида сезиларли иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин.

Адабиётлар

1. Сцепление полимеркомпозитной арматуры с цементным бетоном / В.Г. Хозин, А.А. Пискунов, А.Р. Гиздатуллин [и др.] //Известия КГАСУ. 2013. №1 (23). 214-220 бет.

2. Дронов А.В., Дрокин С.В., Фролов Н.В. Экспериментальное исследование сцепления стеклопластиковой арматуры с бетоном//Промышленное и гражданское строительство. 2016. №11. 80-83 бет.

3. ГОСТ 31938-2012. Арматура композитная полимерная для армирования бетонных конструкций. Общие технические условия. М.:Издво Стандартинформ, 2014., 21-25 бет.

4. ҚМҚ 2.03.01-96. «Бетон ва темирбетон конструкциялар».

САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УЛАРДАН ЧИҚАЁТГАН ЧИҚИНДИЛАР, САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИДАН ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ФОЙДАЛАНИШ

ассис. Ешбаева Ф.Р., (ТАҚИ)

Мақолада заҳарли чиқиндиларни экологик асосий муаммолардан бирига айланиши, асосий хавфли чиқиндиларнинг ҳажми вилоятларда ўсаётганлиги, унинг сабаблари ҳамда чиқиндилардан қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда қўллаш келтирилган.

В статье приведены токсичные отходы становятся одной из основных экологических проблем, а также причинами увеличения объема крупных опасных отходов в регионах и их применение в производстве строительных материалов.

The article presents toxic waste becoming one of the main environmental problems, as well as the reasons for the increase in the volume of large hazardous waste in the regions and their use in the production of building materials

Табиий ресурсларга бўлган эҳтиёжнинг жадал суратда ўсиб бориши қазиб олувчи тармоқларнинг истиқболли чегераланган бўлиб, таҳлилларга кўра жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари саноатининг муҳим тармоқ остиларидан бири ҳисобланади. Фойдали қазилма бойликларнинг захираларидан фойдаланиш кўрсаткичи йилдан йилга ортиб бораётганлиги ва бунинг натижасида саноат чиқиндилари катта ҳажмда тўпланмоқда. Ташланмаларнинг асосийси кимё ва металлургия саноатидан чиқаётган захарли чиқиндилар ҳисобланади [1].

Заҳарли чиқиндиларга, таркибида мишяк, оғир металл, аҳоли ўртасида ўткир ёки узоқ муддат давом этадиган касалликларни келтириб чиқарадиган пестицидлар, тез аланга оладиган моддалар, хусусан, органик ва суюқ ёғли эритувчи моддалар, шунингдек, бўёқ қолдиқлари бўладиган чиқиндилар; коррозия ҳаракати (рН2 дан кам, 12,5 дан юқори) билан металл контейнерлар ва жонли тўқималарнинг бузилишига олиб келадиган чиқиндилар киради. Кимёвий фаол чиқиндиларга муддати тугаган

препаратлар ва кислоталар кириб, мазкур препарат ва кислоталар ҳаво ва сувдаги мавжуд моддалар билан бирга кимёвий реакцияга киришиб портлаш ёки заҳарли моддаларнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Шунингдек, радиоактив ёки патоген микроорганизмлар билан зарарланган касалхона чиқиндилари аҳоли саломатлигига жиддий хавф солиши, сўнгги йилларда мазкур муаммога алоҳида эътибор қаратмоқда. Заҳарли чиқиндиларни қайта ишлаш экологик асосий муаммолардан бирига айланди. Экологик индикаторлар маълумотлар базаси тўпламидан олинган ахборотга кўра, асосий хавфли чиқиндиларнинг ҳажми ўсмоқда лекин, уларнинг озгина қисмигина зарарсизлантирилади ва қайта фойдаланилади. Саноат чиқиндилардан чиқаётган заҳарли чиқиндиларнинг кўп қисми Навоий, Тошкент, Жиззах вилоятларида ҳосил бўлади. Ушбу чиқиндиларнинг асосий қисми тўплаш учун мўлжалланган жойларга дастлаб қайта ишланмасдан юборилади. Саноат чиқиндилари полигонларида Янги-Ангрен ИЭС (62,4 млн.тонна), Ангрен ИЭС (4.3 млн.тонна) да ҳосил бўладиган кулшлак чиқиндилари йиғилиб қолган бўлиб, мазкур чиқиндилар йил сайин 0,5 млн. тоннага кўпайиб, ушбу ҳудудда маълум экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Кулшлак чиқиндилари таркибидаги келтирилган компонентлардан кўриниб турибдики, ушбу чиқиндиларни қайта ишлаганда иккиламчи ресурсларни олиш учун юқори потенциалга эга. Энергетика, машинасозлик, озиқ ва енгил саноат каби иқтисодиёт тармоқларида ҳосил бўладиган чиқиндилар турли таркибга ва хавфлилик классига эга. Сўнгги йиллар мобайнида кулшлак чиқиндиларидан цемент ишлаб чиқаришда фаол қўшимча сифатида оз миқдорда фойдаланиляпти.

Тошкент вилояти Ангрен шаҳрида жойлашган “Ekorecjcling” ЁАЖ, “Ўзқурилишматериаллари” АК лари бир неча йиллар мобайнида Ангрен ва ЯнгиАнгрен ИЭСларида ҳосил бўлган кулшлак чиқиндиларнинг утилизацияси билан шуғулланиб келади. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” ДТАК (ГАЖК) “Ekorecjcling” ЁАЖга кулшлак чиқиндиларининг утилизациясида амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. “Аммофос” ОАЖ ишлаб чиқаришидан ҳосил бўладиган асосий чиқиндилар фосфогипс ҳисобланади. Ушбу чиқиндилар шламо тўплагичларда 1,2,3,4 навбатларда жойланади. Шлак тўплагичларнинг умумий майдони 254.61 гектар ерни ташкил этади.

Заҳарли кимёвий моддалар кўмиш жойлари ва қишлоқ хўжалик аэродомлари атрофида доимий мониторинг олиб борилади. Симобли лампа ва ускуналарни утилизация қилиш Ўзбекистон Республикаси

ҳукумати томонидан заҳарли чиқиндилардан ҳисобланган симобли лампа ва ускуналарни утилизация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошкент шаҳрида симобли лампа ва ускуналарни утилизация қилиш корхоналари қурилган ва бугунги кунда фаолият олиб бормоқда. Сурхандарё вилоятида “Фартозаҳаво” илмий ишлаб чиқариш корхонасининг симобли лампа ва ускуналарини утилизация қилиш шахобчаси очилган.

Умуман олганда, саноат чиқиндиларидан қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда кенг фойдаланишни бир нечта томонлама кўриб чиқиш муҳим бўлиб улар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- биричиндан, чиқиндилардан оқилона фойдаланиш атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласини ечишда ёрдам беради, чиқиндилар ва шлаклар сақланадиган қимматли ер мулкларини тозалайди, атроф муҳитга зарарли ташланмаларни йўқотади.
- иккинчидан, хомашёга ишлатиладиган бирламчи материалга бўлган талабни қоплайди, баъзида юқори сифатга эга бўлиши ҳам мумкин. Шу билна бирга табиий ресурсларни сарфланиши, ифлосланишини олдини олиш имконини беради.
- учинчидан, иккиламчи хомашёдан фойдаланиш маҳсулотга кетган ҳаражатларни камайтириб, сарфланган маблағларни қоплайди.

Бетоннинг таркибига 150 кг/м^3 гача бўлган ҳажмда, бир вақтнинг ўзида бирлаштирувчи қисмнинг ўрнини босувчи микротўлдирувчи восита сифатида шлак кулини киритиш тавсия этилган. Кулнинг мақбул миқдорда киритилиши билан бетон аралашманинг ҳажмли массаси ва унинг сувга бўлган талаби ўзгаради, шунинг учун таркибни созлаш учун келишилган ораликда цемент сарфини камайтириш кифоя қилади ҳамда тўлдирувчилар сарфини ҳажмига нисбатан камайтиради. Сув сарфи деярли доимий бўлади. Бетон қоришмасига кулни цементнинг бир қисмигина эмас, балки одатдагидек қабул қилиш тавсия этилади, бунда тўлдирувчилар сарфи ўзгармас қолади, лекин айни пайтда кулшлакли қўшимчани интерфаол минерал қўшимчалар ва микротўлдирувчи сифатида қўллаш мумкин. Шағал ва қумнинг сарфи улар орасидаги қабул қилинган нисбатни ўзгармаслиги керак.

Бизнинг тадқиқотларимизда зич бетон конструкциясини яратиш, ишлатилиган қумнинг юқори модулли таъсирчанлигини ошириш, шунингдек цементни тежаш мақсадида Ангрен ГРЭС ининг кулшлак чиқиндилари ҳамда SUPERMIX қўшимчаси бетон аралашмасига киритилди.

SUPERMIX қўшимчаси бетон қоришмаси учун қўлланилади, ушбу қўшимча модифицирланган сульфатлар асосида боғланган бўлиб туркияда ишлаб чиқарилган. SUPERMIX қўшимчаси бетон мустаҳкамлигини ва пластиклигини яхшилайди, шу билан бирга сув талабини сезиларли даражада камайтиради.

SUPERMIX қўшимчасининг асосий кўрсатгичи қуйидагича:

- янги тайёрланган бетон қоришмасининг қатламланмаслигига ёрдам беради;
- конструкцияларни тайёрлашда бетон қоришмасининг сув/цемент нисбатини камайтиришни таъминлайди;
- атроф-муҳит таъсирида бетон қоришмасининг қотиш чидамлилигини оширади;
- таркибида ион хлорлари мавжуд эмас, артматура коррозиясини чақирмайди;
- янги тайёрланган бетон қоришмасининг консистентлигини узоқ муддатга ҳимоя қилади, бу эса транспортда узоқ масофага ташишни таъминлайди.

SUPERMIX қўшимчаси тайёр суюқ кўринишда бўлиб, янги тайёрланган бетон қоришмаси учун қўлланилади. Қўшимчани бетон қоришмасига боғловчи сарфига нисбатан 0,5% дан 2% гача қўшиш тавсия этилади.

1-жадвалда бетон қоришмасига қўшимча SUPERMIX ва кулшлак қўшилган таркиби келтирилган.

1-жадвал

№	Бетоннинг лойиҳаланган маркаси	1 м^3 бетон учун хомашё сарфи, кг						С/Ц	Бетоннинг мустаҳкамлиги, МПа
		цемент	қум	щебень	сув	SUPERMIX қўшимча	кулшлак		
1	200	244	781	1200	175	1,25	78	0,64	24,4
2	300	302	763	1145	180	2,4	100	0,52	37,2
3	400	367	782	1145	180	2,95	122	0,41	43,7
4	500	468	582	1120	210	3,74	156	0,40	54,1

Ушбу жадвалда келтирилган маълумотларга кўра SUPERMIX қўшимчасини бетон қоришмасига 0,1% қўшилганда сув сарфи 24% га, С/Ц нисбати эса 27% га иқтисод қилинганини кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда саноат чиқиндиларидан фойдаланиш атроф-муҳитни зарарли чиқиндилардан тозалаш билан бирга экологияни яхшилаш, бетон қоришмасини хусусиятларини маълум бир томонга ўзгартириш ҳамда

цемент сарфини камайтириш орқали иқтисодий самарадорликка эришилади.

Адабиётлар

1. “Қурилиш материаллари ва ашёларини ишлаб чиқаришда саноат чиқиндиларини қўллаш” Ҳ.А. Акрамов, У.А. Газиев. Ўқув қўлланма. Тошкент 2004.

2. “Sanoat chiqindilari asosida beton va temir beton ishlab chiqarish” H.A.Akramov, U.A.Gaziyev. O`quv qo`llanma. Toshkent 2012.

3. Волженский А.В., Буров Ю.С., Виноградов Б.Н. “Бетоны и изделия из шлаков и зольных материалов”, Москва, Стройиздать, 1989.

4. Мирзаева М.Ш. Экология фанидан маърузалар матни. Тошкент-2007.

5. Yormatov G'.Yo., Isamuxamedov Yo.U. «Mehnatni muhofaza qilish». Darslik. «O'zbekiston», 2002.

ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ПОЛ, ДЕВОР ВА ДЕВОР БЎШЛИҚЛАРИДАН ИССИҚЛИК ЙЎҚОТИЛИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

Абдуғаниев Н.Н., Собирова Д.Т., Милладжонова З.Р.
(Фарғона политехника институти)

Энергиятежамкорлик ҳозирги кунда барча давлатларда долзарб муаммо бўлиб турибди. Республикада иқтисодиёт барқарор ўсишини таъминлашга ва аҳолининг фаровонлик даражасини оширишга, ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган талаб-эҳтиёжни узлуксиз қаноатлантиришга қаратилган нефть-газ, электр энергетика, кўмир, кимё, қурилиш индустриясини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияси амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ёқилғи-энергетика тармоғининг мавжуд қувватлари энергия ресурсларига ортиб бораётган талаб-эҳтиёжни тўлиқ даражада таъминламаяпти, мамлакатимиз иқтисодиётининг энергия сарфи ҳажми ривожланган мамлакатларнинг ўртача кўрсаткичидан анча юқоридир[1].

Республикамиз Президентининг 2019 йил 23 август куни “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори эълон қилинди.

Қарорда белгиланиши бўйича янгидан қурилаётган ва реконструкция қилинаётган бино ҳамда иншоотларнинг энергия самарадорлигига

нисбатан талабларни тубдан ошириш мақсадида шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини қайта кўриб чиқиш; бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлиги даражасини (А, Б, В ва бошқа даражалар) белгилаш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, иловадаги рўйхат бўйича мамлакатимиз корхоналарида энергетика менежментини бошқариш тизимини халқаро стандартга (ISO 50001) мувофиқ босқичма-босқич татбиқ этиш тўғрисидаги таклифига кўра энергия истеъмоли самарадорлигини баҳолашнинг шаффофлиги ва холислиги, корхоналарнинг энергия сарфи ҳажмини пасайтириш, шунингдек, атмосферага чиқариб ташланадиган чиқиндиларни камайтириш; ресурсларни, биринчи навбатда молиявий маблағларни минимал даражада сарфлаб энергия истеъмолини бошқариш самарадорлигига эришиш, корхоналар активларининг капиталлашув даражасини ошириш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш каби вазифалар белгилаб берилди.

XX аср охири ва XXI аср бошида бинолар ва иншоотларни энергия самарадорлигини ошириш дунёнинг кўплаб мамлакатларида қурилиш саноати илмий-техника сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлди. Бу айни пайтда ёқилғи - энергия ресурсларини 40% турли бинолар ичида микроиқлимнинг меъёрий параметрларини таъминлашга сарф бўлиши билан боғлиқ. Шу билан бир вақтда сўнгги ўн йилликлар ичида дунё бўйлаб энергия ишлаб чиқарилиши сезиларли даражада кўпайди, ва энергия истеъмоли ўсиши умумий тенденцияси давом этмоқда. Шунинг учун энергия самарадорлигини ошириш ва парник газларни эмиссиясини атмосферада тарқалиши дунё бўйлаб камайтириш масалалари устувор бўлиб қолмоқда.

Энергия тежаш ва атроф муҳитни ҳимоялашмасалаларига ривожланган давлатларда энг кўп эътибор қаратилмоқда: Европа, Америка Қўшма Штатларида, Японияда ва бошқаларда. Европа мамлакатларида ўтган асрнинг етмишинчи йилларидаёқ бино ташқи қопламалари орқали иссиқлик йўқотилишини камайтириш мақсадида лойиҳалашда меъерий-ҳуқуқий базани ўта талабчан қилинди. Энергия тежаш ва биноларни иссиқлик ҳимоясини орттириш масалаларини ҳал қилиш мақсадида Европа Иттифоқи давлатларида биноларни энергия самаралигини орттириш бўйича қурилиш меъерларини стандартлаш учун маҳсус Директивалар ишлаб чиқа бошлашди. Европа Иттифоқи давлатлари ушбу умумевропа директиваларини амалиетга татбиқ қилиш мақсадида узларининг миллий қонун ва стандартларини яратиши зарур бўлди. Шуни таъкидлашимиз лозим, ушбу директивалар доимий равишда янгиланиб ва ривожланиб

турди.

Биноларнинг энергия самаралиги асосан унинг ташқи қопламаси, яъни, деворлари, томи, ёруғлик проемларига боғлиқ бўлади. Ҳозирги кунда тўсиқ конструкцияларни иссиқлик изоляциясини ошириш орқалигина биноларни иситишга кетадиган энергия сарфларини 50% тежаш мумкин.

Таъкидлаш керакки, биноларнинг энергия самарадорлигини оширишда Скандинавия давлатлари тажрибаси эътиборга лойиқдир. Масалан, Финляндияда энергия инқирозидан кейин 1974 йили ўзида барча турдаги бинолар учун иссиқлик ҳимоясига юқори меъёрий талабларни ўрнатди. Финляндия стандартлари бўйича бинолар ташқи иссиқлик ҳимоя конструкциялари термик қаршилиги 2,86 ($м^{2\cdot 0}С$)/Вт, том конструкциялари 4,35 ($м^{2\cdot 0}С$)/Вт, тупроққа тегиб турувчи конструкциялар – 2,5 ($м^{2\cdot 0}С$)/Вт, ойна ва эшиклар – 0,48($м^{2\cdot 0}С$)/Вт ташкил топди. 2006 йилдан бошлаб эса уларнинг минимал руҳсат этиладиган қиймати деворлар учун 5, том конструкциялари учун эса 6 ($м^{2\cdot 0}С$)/Вт белгиланди.

Иситиш ва иссиқ сув олиш учун минимал энергия сарфи тўғрисида сўз борар экан аввало, биноларни лойиҳалашда энергиясамарадорлик томонларига аҳамият бериш зарур. Мазкур биноларнинг жуда кам энергия истеъмол қилишини асосан унинг иссиқлик ҳимоя конструкцияси билан изоҳланади. Бунда пол конструкциясининг рационал иссиқлик ҳимоя конструкцияси ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Иссиқлик изоляцияси сифатида кўпик-бетон материалини оладиган бўлсак, у хоналарда қулай микроиқлимни таъминлайди ва энергия истеъмолини анча камайтиради. Пол конструкцияларини қуришда янги замонавий қурилиш материалларидан пенабетон, минералпахта, керамзитдан фойдаланилмоқда. Бундай блокларнинг бошқа қурилиш материалларига қараганда афзалликлари, уларнинг ғовакдор тузилиши, юқори иссиқлик изоляцион қобилияти, шунингдек, юқори даражадаги мустаҳкамлигидир. Бундан ташқари, енгил йирик ўлчамли блокларнинг юпқа қатламли аралашма устига териб чиқиш сезиларли даражада самарадор ҳисобланади.

Ташқи деворлар меъёрий иссиқлик узатилишига қаршлиги миқдорининг кескин ортиши билан бир қатламли деворлар учун самарали бўлган иссиқлик изоляцияловчи материал яратиш муаммоси жуда ҳам долзарб бўлиб қолди. Меъёр талабларига жавоб берувчи янги материалларни яратиш вақт талаб қилиши туфайли олимлар яхши маълум бўлган материалларга – ғовакли бетонларга яна мурожаат қилишди.

Самарали иссиқлик изоляцсия материалларининг физик ва механик хусусиятлари

№ т/р	Иссиқлик изоляцияси материалининг тури	Сиғими(γ0), кг/м^3	Сиқувдаги мустаҳкамлиги, МПа	Ўтказувчан-лик коефтсенти (λ0), Вт/(м·0С)	Шаффоф-ли ги, мр/(м·р·Па)	Қўлланилиш соҳаси
1	Минерал толали плиталар (мин пахта, базальт толали пахта)	50-225	0,04-0,15	0,048-0,054	0,49-0,53	Девор, чордоқ, кўп қаватли биноларнинг ораёпма қатламаларида
2	Пенопластлар (пенополистирол) антипирен қопламали	20-150	0,05-1	0,04-0,052	0,005-0,05	Кўп қатламли деворлар ва чордоқ ва вентиляция қопламаларида
3	Антипиренлар билан қопланмаган қопламаларда	20-150	0,05-1	0,04-0,052	0,005-0,05	Вентиляция бўлмайдиган жойларда
4	Кўпик-шиша	200-400	0,05-0,07	0,07-0,11	0,02-0,03	Қўлланиш соҳаси чекланмаган
5	Ячейкали кўпик (бетон)	300-600	0,5-2,0	0,08-0,14	0,17-0,26	Томдан бошқа жойларда

Маълумки, ғовакли бетонлар 2 гуруҳга бўлинади: ғовакли газобетонлар ва ғовакли кўпик-бетонлар. Вазифаси ва ўртача зичлигига кўра ғовакли бетонлар 3 та кичик гуруҳга бўлинади: – иссиқлик изоляцияловчи - ρ≤ 500 кг/м^3;

– конструкцион-иссиқлик изоляцияловчи - ρ = 500÷900 кг/м^3;

– конструкцион - ρ = 900÷1200 кг/м$^{3.}$.

Ғовакли бетонлар мустаҳкамлиги юқори эмаслиги сабабли улардан кам қаватли қурилишларда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, бунинг устига бир ва икки қаватли уйларда кўп қаватли уйларга нисбатан иссиқликнинг йўқотилиши 4-5 баробар кўп бўлади.

Шу сабабли ҳам МДХ мамлакатларида чиқариладиган деворбоп материаллардан 8-10% гина ғовакли бетонлардан тайёрланувчи деворбоп материалларга тўғри келади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, ғовакли бетонлардан ишлаб чиқарилувчи махсулотларнинг кўпчилиги 600–700 кг/м^3 зичликка эга. Янги талабларга кўра уларнинг бир қатламли тўсувчи конструкциялардаги самараси кўп қатламли деворлардагига нисбатан солиштирганда камроқ бўлади. Бундай ҳолларда ташқи деворлар қалинлигини оширишга тўғри келади. Деворлар қалинлигини оширмасдан туриб уларнинг талаб этилувчи иссиқликдан ҳимояловчи хусусиятларини таъминлаш учун ғовакли бетонларнинг мустаҳкамлигини сақлаб қолган ҳолда ўртача зичлигини 400–500 кг/м^3 гача пасайтириш лозим. Бундай блоклар ҳозирги кунда оммалашаётган каркасли - яхлит қуйма қурилиш учун ҳам ўзини кўтарувчи деворларни барпо қилишда қулай ҳисобланади.

Кўпчилик ривожланган хорижий мамлакатларда юк кўтарувчи ва тўсувчи конструкциялар учун ўртача зичлиги 500 кг/м^3 мустаҳкамлиги 2,5–4 МПа бўлган автоклав ғовакли бетон ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Улар бунга сифатли технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган юқори-механизациялашган ва автоматлаштирилган конвейер линияларидан фойдаланиш ҳисобига эришганлар.

МДҲ мамалакатларида ишлаб чиқариш ускуналарининг замонавийлиги ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотларининг сифати бўйича хорижий мамлакатларникидан анча орқада ҳисобланади ва шу сабабли кўпчилик корхоналарда ғовакли бетоннинг ноавтоклав технологияси ўзлаштирилган. Ушбу технология соддароқ бўлиб энергияни кам талаб қилади ва шунинг учун маҳсулот таннархи анча иқтисодий самара беради. Бундай технология бўйича олинадиган конструкцион-иссиқлик изоляцияловчи ғовакли бетоннинг ўртача зичлигини 400-500 кг/м^3 гача, мустаҳкамлигини эса лойиҳавий муддатларда 2,5–3,5 МПа гача етказиш мумкин. Бундан ташқари бундай бетонларнинг капилляр ғоваклигини йўқотиш, иссиқлик ўтказувчанлигини камайтириш, иссиқлик билан ишлов беришдан воз кечиш, қирқишнинг янги услубларни қўллаш имкониятлари мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.08.2019 йилдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

2. ҚМҚ 2.01.04-97 “Иссиқлик техникаси” Тошкент 2012.

3. Хворостухина С.А. Утепление квартир и дома современнқми материалами. РИПОЛ классик.2011.-256 с.

4. Тўлаганов А.А., Камилов Х.Х. ва б. Замонавий қурилиш материаллари буюмлари ва технологиялари. Самарқанд, Зарафшон, 2015. -140б.

ПОЛИКАРБОКСИЛАТЛАР, СУЛФАТЛАР ВА БОШҚА МОДИФИКАТОРЛАР АСОСИДАГИ КОМПЛЕКС КИМЁВИЙ ҚЎШИМЧАЛАР

Турапов М.Т., Бозоров И.Б., Хайдаров Н.А. (ТАҚИ), (ЖизПИ)

Гиперпластификаторларнинг юқори самарали қотишни тезлаштирувчилар ва гидрофобизаторлар билан комплекс равишда қўлланилиши клинкер материаллар гидратация даражасини оширишга, мустаҳкамликни кучайтиришга имкон беради.

Совместное использование гиперпластификаторов с высокоэффективными ускорителями сплавов и гидрофобизаторами позволяет улучшить гидратацию клинкерных материалов и повысить их прочность.

The combined use of hyperplasticizers with high-performance alloy accelerators and water repellents can improve the hydration of clinker materials and increase their strength.

Комплекс қўшимчаларнинг қўлланилиши индивидуал қўшимчаларнинг ижобий хусусиятларидан максимал даражада фойдаланиш ва салбий хусусиятларини, асосий равишда қотишни тезлаштирувчилар ва ЮФМни бартараф қилишга йўналтирилганлик билан асосланади. Қўшимчаларнинг турлари ва бир бирига таъсирини тўғри мослаштирган ҳолда цемент тоши ва бетоннинг тузилишини ва физик-кимевий хусусиятларини йўналтирилган равишда тартибга солиш мумкин. Ҳозирги пайтда бетоннинг комплекс қўшимчалар билан модификациясининг тўртта асосий йўналиши шаклланган ва кенг ривожланиб келмоқда.

Биринчи йўналиш, асосий равишда пластификация таъсиридаги ва қотишнинг тезлаштирувчи электролитлар, ЮФМларнинг, қўлланилишини назарда тутади. Натрий сулфати, натрий ёки калций нитрити ва нитрати ва б. лар қўшилган С-3 қўшимчалар асосидаги комплекслар кенг тарқалган, шу билан бирга электролитлар ЮФМ сабали юзага келган қотишнинг секинлашишини бартараф қилади ва гидратнинг иккиламчи тузларидан кристаллаштирилган каркас шаклланиши натижасида цемент тошининг янада зичроқ тузилишини шакллантиради. ЮФМ, бетон қоришмасининг сувга эҳтиёжини камайтириб, электролитлар мавжудлигида кристаллаштирилган каркасни шакллантиришга яхши таъсир кўрсатади. Бундай мослик янада зичроқ ва камроқ ўтказувчан цемент тошида шартли равишда берк ғовакликлар аралаш типидаги тузилмани шакллантиришга имкон беради. Кўрсатиладики бу гуруҳ комплекс қўшимчаларининг қўлланилиши цемент сарфини 12%гача камайтиришга, иссиқнамли ишлов беришнинг давомийлигини 15-40%га қисқартиришга имкон беради, лекин

бундай комплекс қўшимчаларнинг камчилиги бўлиб, бетоннинг музлашга бардошлилиги ва сувни ўтказмаслигининг бироз ошиши ҳисобланади.

Иккинчи йўналиш пластификацияловчи ва микро- еки газни ҳосил қилиш таъсиридаги қўшимчаларни қўллашга асосланади. СНВ еки ГКЖ-94 ли С-3 комплекслари катта ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлди, улар транспорт ва гидротехник қурилишининг масъулиятли иншоотларини қуришда қўлланилади. Шу билан бирга С-3 ердамида бетон қоришмасининг сувга эҳтиёжи камаяди, СНВ, ГКЖ-94 ёки ГКЖ-11 ёрдамида эса капилляр ва ғовакликлар юзасининг қўшимча гидрофобланиши билан бетон поризациясига эришилади. Бетон модификациясининг ушбу йўналишининг ўзига хос хусусияти бўлиб, темирбетон конструкцияларнинг сув ўтказмаслигини (W16 гача) ва музлашга чидамлилигини (Р800 гача) анча ошириши ҳисобланади, аммо қотишнинг эрта босқичларида мустаҳкамликни тўплашнинг секинлаштирилган темпи кузатилади [1,2].

Учинчи йўналиш қотишни тезлаштирувчиларга эга ЮФМ ва кремнийли органик олигомерларни ўзига олувчи мажмуаларни қўллашни назарда тутади. Ишларда таъкидланишича, натрий сулфатли С-3 ва ГКЖ-94 типидаги мажмуаларнинг қўлланилиши қотиш тезлигини ошириш билан бир вақтда музлашга ва коррозияга чидамлигини оширишни таъминлайди. Поликарбонатли асосдаги суперпластификаторларнинг гидрофобизаторлар билан мувофиқ ҳолда қўллаш бетоннинг узоқ вақтга чидамлилигини оширишга имкон бериши кўрсатилади, лекин кўриб чиқилётган комплексли қўшимчалар таркибидаги поликарбоксилатли эфирларнинг таъсири ҳақида ҳеч қандай маълумотлар келтирилмаган.

Тўртинчи йўналиш комплекс электролитларни, шу жумладан пўлат арматурани коррозиядан сақловчи азот ва таркибида азот бўлган кислоталарнинг тузларини қўллашни назарда тутади. Йиғма темирбетоннни ишлаб чиқаришда ушбу комплексларнинг қўлланилиши цемент сарфини 10% гача камайтиришга ёки термик ишлов бериш вақтини 20-30%га қисқартиришга олиб келади [3].

Бетоннинг комплекс қўшимчалар билан модификацияси йўналишларини кўриб чиқиб, суперпластификаторлар, қотишни тезлаштирувчилар ва гидрофобизаторлар асосидаги комплекс қўшимчалар мавжудлиги аниқланди, аммо гиперпластификаторлар асосидаги комплекс қўшимчалар етарли даражада ўрганилмаган. Гиперпластификаторларнинг комплекс қўшимчалар таркибидаги қотишни тезлаштирувчилар ва гидрофобизаторлар билан биргаликдаги таъсир механизми ўрганилмаган. Комплекс қўшимчали оғир бетоннинг берилган тузилмаси ва

хусусиятларни шакллантириш учун қўшимчанинг ҳар бир компоненти ва уларнинг ўзаро мослашуви цемент композициялари тузилмасининг шаклланишига таъсирини инобатга олиш лозим, бу эса охир оқибатда оғир бетоннинг қурилиш-техник ва эксплуатацион сифатларини аниқлаштиради [4,5,6].

